

R 481
1970/3

Ўзбек тили Ва адабиёти

БУ СОНДА:

Тил маданияти-
нинг муҳим
масалалари
Абдулла Қаҳдор
публицистинаси
„Шайхона“ шеър

А. Ҳодирий ва
Х. Деряев
Умидий
ва Ургутий

Собир Абдулла
ўзи ҳақида
Шеъррий
санъатлар

Ўзбек адабий
тили ва
диалектологияси
масалалари

Проф. В. В. Реше-
тов—60 ёшда

Энг/
№



1970


ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

А. С. ПУШКИН НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ

Ўн учинчи йил чиқиши

МАЙ — ИЮНЬ



3

1970

Контрольный экземпляр



ЎЗБЕКИСТОН ССР „ФАН“ НАШРИЁТИ



Бош муҳаррир —
ЎзССР ФА академиги К. Н. ЯШИН

Таҳрир ҳайъати: ЎзССР ФА академиклари: В. А. АБДУЛЛА-
ЕВ, В. Я. ЗОҲИДОВ, ЎзССР ФА мухбир аъзолари:
И. О. СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ю. С. СУЛТ-
НОВ, Ш. Ш. ШОАБДУРАҲМОНОВ, фалсафа фанлари доктори
Қ. Х. ХОНАЗАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), филология
фанлари докторлари: Ф. А. АБДУЛЛАЕВ, Ҳ. И. ЕҚУБОВ,
Ҳ. Т. ЗАРИФОВ, С. И. ИБРОҲИМОВ, Ҳ. С. СУЛАЙМОНОВ,
А. Ҳ. ҲАЙИТМЕТОВ, А. Ҳ. ҲОЖИЕВ, филология фанлари
кандидати Н. Ф. КАРИМОВ (масъул секретарь).

АДАБИЁТШУНОСЛИК

НЕЪМАТ ЕҚУБОВ

АБДУЛЛА ҚАҲҲОР — ПУБЛИЦИСТ

Таниқли ёзувчи Борис Полевой Абдулла Қаҳҳорни «Совет Иттифоқидаги ҳозирги энг катта ёзувчилардан бири, ... замонамиз классиги» деб таърифлаган эди¹. Н. Тихонов ва Г. Севунц, Б. Қербобоев ва Л. Ленч сингари мамлакатимизнинг бошқа йирик ёзувчилари ҳам ана шундай юксак баҳога қўшилганлар².

Чиндан ҳам Абдулла Қаҳҳор «жаҳон новеллачилигининг энг аъло дурдоналари қаторига қўйиш мумкин бўлган» (В. Смирнова) ҳикоялари, ўткир социал мундарижа билан суғорилган повесть, роман ва драмалари билан совет адабиётининг классиклари сафидан мустаҳкам ўрин олган.

А. Қаҳҳор ўзбек прозасининг ажойиб устаси, истеъдодли сатирик ва комедиографгина эмас, балки замон тарихини ёзувчи жўшқин публицист ва редактор, нашриётчи ва журналист сифатида ҳам баракали меҳнат қилди. Унинг 20-йилларда ёзган Ҳамза ва А. Қодирийнинг ҳажвий традицияларини бойитган публицистик (шеърый ва насрий) асарлари, Ватан уруши йилларида фашизм бошида бомбадек портлаган фельетонлари, 50 ва 60-йилларда совет кишиларининг кураш ва меҳнатини мадҳ этган жанговар очерклари, «Литературная газета», «Труд», «Дружба народов», «Вопросы литературы», «Шарқ юлдузи», «Звезда Востока», «Муштум» каби газета ва журналларда эълон қилинган адабий-танқидий ва ижтимоий-проблематик мақолалари ўзбек публицистикасининг ажойиб намуналаридир.

Совет маданиятининг йирик акили ва жамоат арбоби А. Қаҳҳор мақола, нутқ, доклад ва суҳбатлари билан ижтимоий ҳаётда фаол қатнашди, халқ ва партия ишида жонбозлик кўрсатди, меҳнаткашларнинг диққат-эътиборини замонамизнинг муҳим проблемаларини ҳал этишга қаратди. Унинг публицистикаси эскиликни янчиш, янги ҳаёт учун кураш билан, гуркираган социалистик саноатимиз, равнақ топган қишлоқ хўжалигимиз, шаклан миллий, мазмунан социалистик маданиятимиз ва адабиётимизнинг гуллаб-яшнаши, халқимизнинг моддий ва маънавий ҳаётидаги мислсиз ўзгаришлар билан боғлангандир. А. Қаҳҳор публицистикасининг асосий мазмуни совет кишини маънавий ва жисмоний баркамол қилиб тарбиялаш, меҳнаткашларни халқ ва партия ишига — инсониятнинг порлоқ келажаги — коммунизм ишига илҳомлантириш, Ватанга чексиз муҳаббат, душманга ўтли газаб уйғотишдир.

«Мен учун — ёзувчи учун бу ҳаётим, ижодим Программаси», — деб ёзган эди А. Қаҳҳор Коммунистик партиямизнинг янги Программаси ҳақида. Ёзувчи учун Программада олға сурилган вазифа — совет ки-

¹ Борис Полевой, Замонамиз классиги, «Гулистон», 1967, 8-сон, 18-бет.

² Уша журнал, 14-бет; «Шарқ юлдузи», 1967, 8-сон, 3—42-бетлар.

шиларини дунё қурувчилари қилиб тарбиялашдан муҳимроқ, фахрлироқ вазифа йўқдир! Бу эса ўз ёзувчилик қуроли, қалами билан халқнинг улуғ ишларида фаол қатнашиш, унинг олға юришига ёрдам бериш, жамиятнинг яқин келажаги — коммунизм сари ҳаракатига тўсиқ бўлган барча нарсаларни фoш этиш ва шафқатсиз супуриб ташлаш, демакдир³.

Ҳақиқат куйчиси А. Қаҳҳор мана шу шиорга изчил амал қилди, ўзининг ранг-баранг публицистик асарлари билан ўқувчининг «қалбида эзгуликка оташин муҳаббат, қабоҳатга омонсиз нафрат» уйғотди.

А. Қаҳҳорнинг публицистик асарлари олий коммунистик ғоялар билан суғорилганлиги, тематик ақтуаллиги, жанрларнинг ранг-баранглиги ва юксак бадий баркамоллиги, тилининг ниҳоятда содда ва гўзаллиги билан киши эътиборини тортади.

А. Қаҳҳор бадий публицистикасининг каттагина қисмини унинг мақолалари ташкил этади. Ёзувчи бутун ижоди давомида публицистиканинг бу жанрига мурожаат қилиб келди. У ўз мақолаларида матбуот саҳифаларида куннинг муҳим масалаларини кўтариб чиқди, турмушдаги янги, социалистик ҳодисаларнинг ҳамма кўринишларини эътирос билан ташвиқ қилди. А. Қаҳҳор 30-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб адабиётнинг турли масалаларига бағишланган кўплаб мақолалар, танқид-тақризлар ёзган бўлса, ёзувчининг давр талабларига актив кириб бориши натижасида унинг публицистикаси янги-янги мавзулар билан бойиди.

50—60-йилларга келиб ёзувчининг ижтимоий фаолият доираси ниҳоятда кенгайди. У Ўзбекистон Ёзувчилари союзига раҳбарлик қилди, Ўзбекистон ССР Олий Советига депутат бўлиб сайланди. Бу йилларда А. Қаҳҳор Совет Ёзувчиларининг Бутуниттифоқ II съездида, Ўзбекистон ёзувчиларнинг IV съездида нутқлар сўзлади⁴, Совет ёзувчиларининг Бутуниттифоқ II съездининг яқунлари ва Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг вазифалари тўғрисида доклад қилди⁵. Буларда адабиётнинг ижтимоий роли, совет ёзувчиларининг юксак бурчи ва вазифалари чуқур партиявийлик нуқтаи назаридан ёритилганлиги, жаҳон ижтимоий воқеалари, инсоният моддий-эстетик идеаллари марксизм-ленинизм назарияси нуқтаи назаридан баҳоланганлиги мазкур материалларни сиёсий публицистиканинг яхши намуналари дейишга асос беради.

Улуғ рус адабиёти билан кенг китобхонлар оммасини таништиришни ўзбек ёзувчиларининг муқаддас бурчи деб эълон қилган ва уни ўзи шараф билан ўтаб, рус классиклари — А. С. Пушкин, Н. В. Гоголь, Л. Н. Толстой, А. П. Чехов асарларини, шунингдек, қардош халқлар адабиётидаги қатор етуқ асарларни ўзбек тилига таржима қилган А. Қаҳҳор публицистикада ҳам дўстлик, ҳамкорлик ғояларини улуғлашни давом эттирди. У устоз ёзувчиларнинг мартабасини улуғ, асарларини гўзал қилган «сирлар» ҳақида, уларнинг халқ маънавий бойиши, маданияти тараққиётига кўрсатган таъсири ва адабиёт тарихида тутган ўринлари тўғрисида қатор мақолалар ёзди. А. Қаҳҳорнинг бу тур мақолалари марказида миллатлараро дўстлик, ҳамкорлик ғоялари туради.

Ёзувчи бундай ғояларни улуғлар экан, ўзбек халқининг шақлан миллий, мазмунан социалистик маданияти тараққиётида Иттифоқ халқлари, биринчи галда улуғ рус халқининг ўйнаган тарихий ролини зўр мамнунияти билан тилга олади. Ёзувчининг А. П. Чехов ҳақидаги сўзларини эслайлик: «Антон Павлович ҳаётбахш баҳор кўёшидек илиқ нур сочиб

³ А. К а х х а р. Так и будет! «Правда Востока», 3 августа 1961 года.

⁴ Қаранг: «Литературная газета», 23 декабря 1954 года.

⁵ «Ўзбекистон маданияти» газетаси, 1958 йил 22 октябрь. «Шарқ юлдузи», 1955, 4-сон.

Ўзбек тупроғида хилма-хил талантларни ундирган рус халқининг буюк вакилидир. Бу буюк рус олдида мен умрбод қўл қовуштираман»⁶.

А. Қаҳҳорнинг «Улуғ устоз», «Чеховдан ўрганайлик», «Егор Буличев ва бошқалар», «Устоз», «Муборак кўзойнак», «Севимли ёзувчим», «Қатта мактаб» каби қатор мақолаларида ўзбек адиблари, жумладан А. Қаҳҳорнинг ўзи рус классикларининг асарларини ўқиб, улардан ҳаёт воқеаларини кенг миқёсда қамраб олишни, образ ва характерларни чуқур, ҳаққоний тасвирлашни, ҳаёт ҳодисаларининг асл моҳиятини очиб беришни, даврининг энг муҳим масалаларини кўтариб чиқишни ўрганаётганликларини таъкидлаш орқали ижодий ҳамкорлик, халқлар ўртасида дўстлик самараларини кўрсатди, интернационалистик ғояларнинг қудратини намоён қилди.

А. Қаҳҳор «Халқларнинг бузилмас қардошлиги»⁷ мақоласида Улуғ Октябрь асос қўрган Совет Иттифоқи халқларининг дўстлик даврасида ўзбек халқининг топган бахт-саодатидан қувонса, иккинчи бир мақола-сида ҳур Ўзбекистон Улуғ Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи деб аталган азим мамлакатнинг фарзанди бўлганидан фахрланади: «Менинг халқим, — деб ёздаи у, — мамлакатимиздаги барча халқлар билан бирга юксак ифтихор туйғусига тўла: у шундай Ватаннинг фарзандики, бу Ватанда инсонлар бахт қонуни асосида яшайди»⁸.

Ёзувчи мамлакатимизнинг сиёсий, иқтисодий, маданий ва халқимизнинг маънавий ҳаётида юз берган барча ўзгаришлар, оламшумул ишлар, тарихий воқеалар, совет кишиларидаги янги хислатларда — ҳаётнинг бутун жабҳасидаги гўзалликларда улуғ дўстлик қудратини кўради. Шунинг учун ҳам ёзувчи халқлар дўстлигини «ҳаётимиз жамоли» деб таърифлайди, уни халқ афсоналаридаги енгилмас баҳодирнинг жонига ўхшатади⁹.

А. Қаҳҳор халқлар дўстлиги, интернационализм ғояларини талқин этаркан, турли миллатларнинг ягона буюк мақсади — коммунизм йўлида, Ватанимиз равнақи йўлида қардош, елкадош бўлиб, бир-биридан ўрганиб, бир-бирига ёрдам бериб, мўъжизалар яратишаётганликларини завқ-шавқ билан мадҳ этади.

А. Қаҳҳорнинг 50-йилларнинг иккинчи ярмида яратган «Юринг, ошна, чўл қувлаймиз!», «Гулистонда бир бўстон» каби очеркларида бошланган янги ерларни ўзлаштириш, қишлоқ хўжалигини юксалтириш темаси 60-йилларда ёзган мақолаларида давом эттирилди. Биз унинг «Чилдирмамиз садоси гиж-банг», «Коммунизмнинг пахта хазинаси», «Хуснубзар» каби мақолаларида адиб мавзунинг янги томонларини очиб, қишлоқ хўжалигини комплекс механизациялаш, биринчи галда пахта теримини машиналар елкасига юклашнинг оташин пропагандисти бўлиб ижод қилганини кўрамиз. Ёзувчи Ўзбекистон қишлоқ хўжалик илғорларининг XIV қурултойида сўзлаган нутқида¹⁰ ҳам асосий эътиборни «пахта теримини машиналаштириш», «Қишлоқни кетмондан озод қилиш» масалаларига қаратади. А. Қаҳҳор шудгордан тортиб ҳамма оғир ишни елкалаб бораётган машинанинг теримда «қанот ростлаб олмаганлиги» нинг сабабларига тўхталиб, улардан бири «қолоқлик, қўрқоқликдан келиб чиққан шубҳадир» дейди. Нотик қолоқлик ва қўрқоқлик

⁶ А. Қаҳҳор, Муборак кўзойнак, «Ўзбекистон маданияти» газетаси, 1960 йил, 30 январь.

⁷ А. Қаҳҳор, Нерушимое братство народов, «Красная звезда», 31 октября 1952 года.

⁸ А. Қаҳҳор, Свет культуры, «Литературная газета», 5 декабря 1953 года.

⁹ А. Қаҳҳор, Ҳаётимиз жамоли. Қаранг: «Тошкентда офат ва жасорат», Тошкент, 1966, 47-бет.

¹⁰ «Ўзбекистон қишлоқ хўжалик илғорларининг XIV қурултойида ёзувчи А. Қаҳҳор нутқи», «Қизил Ўзбекистон» газетаси, 1960 йил 20 февраль.

соясиди «ланж бўлиб қолган» баъзи одамларни қаттиқ танқид қилади. Ёзувчи бундай ланж одам янгиликка тиш-тироғи билан қарши туришини алоҳида қайд этади. Нутқ кучли мантиққа, дадил фикрларга, салмоқли далилларга, жонли диалогларга, ғоят ўткир ва образли тилга эгаки, булар уни А. Қаҳҳорнинг энг яхши публицистик асарлари қаторига қўйиш учун асос беради.

Ўз мулоҳазаларини воқеа иштирокчилари фикри билан далиллаш, жонли диалоглар яратиш, фактга кўпчиликнинг муносабати ва баҳосини кўрсатиш, оммани «гувоҳликка» тортиш А. Қаҳҳор мақолаларига хос хусусиятлардир.

Ёзувчининг проблематик характердаги «Коммунизмнинг пахта хазинаси» мақоласи уч қисмдан иборат.

Унинг иккинчи қисми «Машина одамнинг дўсти» деб аталади. Бунда автор ўзининг «Чилдирмамиз садоси гиж-банг» мақоласида олға сурган тезисини янада кенгайтириб: «машинани ёмонлаб эртаги кунни ўйламаган», янгиликни пайқай олмаган кишиларни қаттиқ танқид қилди, машина пахтакорнинг дўсти эканлигини конкрет мисолларда исботлаб берди.

Мақоланинг учинчи қисми («Пўшт, карвон келаётинти!») да кўпроқ қишлоқ маданий турмуш масалалари устида сўз боради. Автор юқори ҳосил ундириш, пахта карвонини манзилга илдамроқ етказиш учун ташкилий ишларни маҳорат билан олиб бориш, резервларни топиб ишга солиш, фан ва техника илғорлари тажрибасини кенг суръатда жорий этиш, колхоз кадрларидан тўғри фойдаланиш, колхозчиларнинг ҳаёти, иш шароити ва машаққатини тобора яхшилаш устида фикр юритиш билан бирга колхознинг икки хил даромадига оид муҳим проблемани ўртага ташлайди. Шуниси муҳимки, бундай проблемаларни ўзбек ёзувчилари ва публицистлари орасида биринчи бўлиб А. Қаҳҳор қизиқиб ўрганди.

А. Қаҳҳордаги янгиликни тез пайқаб, уни тарғиб этишга бўлган зўр иштиёқ унинг «Наманганнинг олмаси, анори бордир...» мақоласида ҳам яққол кўринади. Бу мақола беш қисмдан иборат, унинг дебочаси «Тупроғимиз олтин тупроқ»қа ўхшаш. Лекин бу ерда ёзувчининг эътибори фактларни қиёслаш орқали икки тузум хусусиятларини очишга эмас, балки кўпроқ ўзининг социалистик Ватанга бўлган меҳр-муҳаббатини, юртимиз гўзаллиги, шаҳарларимиз чиройи унинг қалбини тўлдирган ғурур — ифтихор туйғусини изҳор этишга қаратилади. Адиб Шарқ ва Ғарбнинг кўп мамлакатларида, одамнинг суқи кирадиган чиройли жойларни кўриб, ҳусн-латофатига маҳлиё бўлган пайтларида ҳам гўзаллар гўзали — ўз юрти унинг хаёлидан сира кўтарилмайди, аксинча, у «ҳамиша она қўлидан тортиб олинган ёш боладай Ватан қучоғига отилгани талпинида». Бу миллион-миллион совет кишиларига муштарак туйғудир. Ёзувчи дебочада ўз туйғусида миллионлар туйғусини умумлаштирган бўлса, мақоланинг кейинги қисмларида Наманган тимсолида социалистик ҳаётнинг гўзал анъаналарини юксак онг, юксак ахлоқ намуналари, ҳар жабҳада коммунизмнинг аён нишонлари қулф ураётганини завқ билан ҳикоя қилади.

А. Қаҳҳор янги тўй, янги анъана, оила, муҳаббат, ахлоқ ва одоб мавзуларида ҳам мақолалар ёзди. Уларда социалистик жамият негизларидан бири совет оиласининг мустаҳкамлигини, коммунизм бинокорларининг жаҳонда энг юксак одоб ва ахлоқининг поклигини сақлаш устида чуқур фикр-мулоҳазалар юритди. Адиб ҳаққоний таъкидлаганидек, чин муҳаббат асосидагина мустаҳкам оила вужудга келади. У «Муҳаббат ва оила» деган мақоласида оила ва муҳаббат ҳақида редакцияларга, ёзувчилар номига кўп хатлар келаётгани, бундай масалалар диққат марказига ўтиб қолганлигига сабаб ёш оилаларнинг кўп бузилиши эмас, балки минг-минглаб тотув яшаётган бахтиёр оилалар фониди бузилган

ёки қалқиб турган оиланинг хунук кўринганлигидир, деб жуда тўғри кўрсатади.

Ёзувчи ўша битта-яримта оиланинг бузилиш сабабларини аниқлаб, улардан бири эски онг, эски урф-одат деган хулосани чиқаради ва ўз фикрини ўқувчилардан келган хатлар асосида далиллайти, яъни олдинги мақолаларида кўрганимиздек, оммани гувоҳликка тортади. Бу билан автор кенг жамоатчиликни ёш оилаларга ёмон таъсир кўрсатаётган эскиликка қарши курашга сафарбар қилади, оила масаласида хато қадам қўймаслик ғамида ёшларнинг овози янада кучлироқ янграшига даъват этади. Бундай даъваткорлик руҳи ёзувчининг «Уят» сарлавҳали мақоласида янада баралла янграйди. Ёзувчи уят виждоннинг сиртқи кўриниши, дейди ва уни образли ифодалаб, жамиятнинг буюк посбонига ўхшатади. «Уят — дейди у, — энг шафқатсиз, қонундан ҳам кучлироқ, қудратлироқдир. Қонун фақат кўзи тушган, шубҳа пайдо қилгандагина жиноятчининг кўлини ушлайди, йўлини тўсади. Уят эса ҳаммиша одобсиз, ахлоқсиз жиноятчининг тепасида туриб, ножўя иш қилиш учун қўл кўтаргани қўймайди»¹¹.

Ҳаётий воқеалар устида олиб борилган бундай кенг мушоҳадалар, чин фактлардан чиқарилган ҳаққоний хулосалар, конкрет тақлифлар, мунозара ва муҳокамага лойиқ фикрлар, янгилик тантанасига бўлган кучли даъват А. Қаҳҳор мақолаларидаги энг яхши сифатлардир.

А. Қаҳҳор бадний публицистикасига хос фазилатлардан бири унинг асарларидаги юксак бадний-эстетик завқнинг публицистик руҳ, биринчи галда кучли даъваткорлик, ташвиқот ва тарғиботчилик руҳи билан омукталлашиб кетишидир. Шу сабаб биз унинг бутун публицистик ижодига назар ташлар эканмиз, адиб сиймоси кўз олдимизда жамоат фикрини тўпловчи ва уюштирувчи, кенг жамоатчилик эътиборини замонанинг муҳим вазифаларига, халқимизнинг куч-ғайратини коммунизм қурилишига сафарбар этувчи камарбаста, оташин жарчи сифатида намоён бўлади. Публицистнинг баралла янграган овози, даъваткорлиги унинг асарларининг бутун мазмунидан ҳам; шунингдек, кўпинча асар якунида келиб, афоризмга айланиб кетган «Юринг, ошна, чўл қувлаймиз!», «Э, улуг Совет Ватанининг соҳибқирони, бос тепкини!» каби ўткир шиорлардан ҳам; «Жамият учун зарари нақд, ҳатто вақти соати келганда хавфли бўлган бу техникўрлар билан кескинроқ курашгани нима халал беради?» сингари жамоатчилик фикрини қўзғаш учун ташланган саволлардан ҳам сезилиб туради.

А. Қаҳҳор публицистик асарларининг акс-садоси чегарасини белгилаш, унинг даъваткорлик ва сафарбарлик руҳи сингидирилган очерк, фельетон ва мақолаларини ўқиб, қанча одам коммунизм қурилишига яна активроқ киришганини ва улар ташаббуси қанчалик ошганини ҳисоблаб чиқиш мумкин эмас. Бироқ публицистнинг ўз ҳамкасбларига, ёш ижодкорларга қарата айтган «Келинлар касбкоримиз тўғрисида гурунглашайлик, тенг туриб мусобақалашайлик, . . . бир-биримизга ёрдам қилайлик», «Янгича тўйнинг ҳар жиҳатдан мукамал ва гўзал шаклини топайлик» каби жонли тақлифлари; «ёзувчининг бир нафас ҳам китобхонни унутишга ҳаққи йўқ» сингари шиорлари, эски урф-одатга қарши курашда ёшларга ёзувчи-ижодкорлар ёрдамини уюштиришга қилган даъватлари кенг жамоатчилик ўртасида қизғин фикр уйғотиб, чуқур из қолдиргани маълум. Жумладан А. Қаҳҳорнинг «Эскилик дастидан дод» фельетонига жавоб тариқасида Собир Абдулла, Саид Аҳмад ва бошқалар «Муштум» журналарида ўз ҳажвий асарларини эълон қилган-

¹¹ А. Қаҳҳор, Уят. «Тошкент оқшоми» газетаси, 1966 йил 31 октябрь.

ликлари ва бу ажойиб ижодий мусобақанинг самараси бўлиб ўзига хос фельетон цикли пайдо бўлганлиги маълум.

А. Қаҳҳор публицистикасидаги даъваткорлик унинг асарларида кенг жамоатчилик, бутун халқ номидан чиқарилган одил ҳукмга жуда мос келади. Бу ҳукм, аксарият ҳолларда асар якунига усталик билан сингдириб юборилади. «Халқ уни гирибонидан ушлаб қонун қўлига топширажак» («Ҳи-ҳи»), фашизм «ер остида чириб кетади, ириб кетади» («Иккининг бири»), «Халқ қашшоқликдан чиқиш учун кураш йўлига кирган экан, бу халқнинг ғалаба қозонишига шубҳа йўқ» («Хиндистон хотираларидан») каби мисоллар фикримизга далил бўла олади. Муҳими шуки, бу компонентлар ранг-баранг ва ўзига хос бошланишга эга бўлган А. Қаҳҳор публицистик асарлари якунига ҳам ҳаминша оригиналлик бахш этади. «Ёзувчи ҳар бир имкониятдан фойдаланиб, ҳаётга яқинроқ боравериши зарур» деган Абдулла Қаҳҳор публицистикада ҳаётга яқин бориш, турмушга аралашуш ва таъсир кўрсатиш ҳамда янгилик ғалабаси учун «жанг билан разведка қилиш»нинг чексиз имкониятларини кўрди ва булардан моҳирона фойдаланди. Адиб совет публицистининг юксак бурчини, унинг Коммунистик партия улуг ишига, умумхалқ курашига хизмат қилишдек олижаноб вазифасини чуқур англаб, ўз қаламини коммунизм ғалабаси учун курашга ҳаминша шай тутди.

Публицист Абдулла Қаҳҳорнинг ижодий йўли партияли журналистлар, кўплаб жонкуяр матбуот ходимлари босиб ўтган йўлга муштаракдир. Унинг публицистик меросини ўрганиш Коммунистик партия раҳбарлигида Ўзбекистон матбуоти босиб ўтган тарихий йўлни кенгроқ ёритишга, журналистиканинг ҳали ечилмаган муҳим назарий масалаларини ҳал этишга ёрдам беради.

Абдулла Қаҳҳор бутун ижоди каби ўзининг жанговар публицистикаси билан ҳам инсоният тарихида энг улуг иш — коммунизм идеялари тантанаси учун курашга хизмат қилди. Бу эса ҳар бир публицист учун энг юксак шарафдир.

Адабиёт, санъат ва архитектура соҳасидаги 1970 йилги Ленин мукофотларини бериш тўғрисида

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети ҳузуридаги адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида Ленин мукофотлари ва СССР Давлат мукофотлари комитетининг таклифини қараб чиқиб, 1970 йилги Ленин мукофотларини қуйидагиларга беришга қарор қилдилар:

Адабиёт соҳасида

1. Ўзбекистон ССР Халқ шоири марҳум **Ғафур Ғуломга** (Ғулом Ғафурович Ғуломовга) — сўнгги йиллардаги шеърлари учун...

ЖАМОЛ КАМОЛ

ИНДИВИДУАЛ УСЛУБ ВА ЛИРИК ШЕЪР КОМПОЗИЦИЯСИ

(Шайхзода шеърлари асосида)

Шайхзоданинг индивидуал поэтик услуби маълум даражада унинг ҳаёт ва санъат, шоир ва шеър ҳақидаги ижодий-эстетик кредосига, ақида ва қаноатига суянади. Бу ақидага кўра, шоир қалби дунёни тинглайди, оламни ўз бағрига қабул қилади, унинг умидлари билан яшайди, унинг аламлари билан изтиробга тўлади, унинг қўвончларига қувонч, ҳасратларига ҳасрат билан жавоб беради. Негаки, шоир олам ва одам, тириклик ва борлиқ олдида масъул ва жавобгар шахс.

Шайхзоданинг поэтик услуби табиатан оламни ҳамиша ўткир тафаккур кўзи билан кўришга интилган, ижод ва ижодкорнинг ҳақиқий қиммати ва жанговар функциясини чуқур ҳис қилган, ҳаёл ва илҳом уфқи бағоят кенг бўлган файласуф шоир услубидир. Унинг лирик композицияси поэтик услубидаги ана шу индивидуалликни ўзича ифода этади, ўзича унга хизмат қилади.

Гап Шайхзоданинг индивидуал поэтик услуби ва унга боғлиқ бўлган лирик композиция ҳақида борар экан, яна бир муҳим моментни қайд этиш лозим. Бу — шоирнинг доимо аниқ ва ёниқ ифодаланган позицияси, воқелик ва ҳаётдаги ижобий тенденцияларга нисбатан қизғин тарафкашлиги-ю, қолюқ майлларга ўта муросасиз муносабатидир. Унинг шеърлари композицион оқимида бирор сўз, бирор деталь мавҳумлик, бетарафлик тусини олмайди, ҳамма нарса ҳаёт ва кураш билан нафас олади, курашчан фикр ва туйғудан «сўзлайди».

Шунга кўра, Шайхона композицион бўлак замиридаги мазмун муқаррар рзвишда ё актив поэтик тасдиқ ёки актив поэтик инкорни ифодалайди, ё бўлмасам, тасдиқни ҳам, инкорни ҳам бир йўла ўз ичига олган, қайноқ тарафкашлик руҳи билан йўғрилган поэтик декларациядан иборат бўлади. Шундай қилиб, борлиқни бор жилвалари билан мушоҳада этиш, ҳамма вақт ва ҳамма жойда қатъий ва изчил тарафкашлик позициясига содиқ қолиш Шайхона лирик композицияни белгилловчи асослардир. Шайхона лирик композиция ана шулар замирида шаклланиб юзага келади, фикрий ва эмоционал таранглик касб этиб, ҳамиша оригинал товланишларда намоён бўлади. Бу товланишлар қандай чизгиларда ва қандай йўсинда воқе бўлмасин, уларда, албатта, Шайхона руҳ, мушоҳада ва илҳом кўзга ташланади.

Шайхзода биринчи навбатда эътиборини ўзи талқин этмоқчи бўлган фикрга, мазмунга қаратади, ифода тарзини сайқаллаш, бежиримлашга иккаламчи назар билан қарайди. Унда ифода ва талқинга муҳтож фикрлар кетма-кўт қўшилиб келаверади. У мисралар ва қофияларни силлиқлашга ортиқча эътибор бермайди. Аммо бу нарса шеърдан олинажак таъсири хиралаштирмайди.

Шайхзоданинг поэтик услубига хос бўлган композицион формалар доираси ҳам, уларни юзага келтиришда қўлланган композицион приём-

лар кўлами ҳам ғоят кенг ва ранг-баранг. Биз бу мақолада уларнинг асосий бўлиб кўринганлари устидагина фикр юритамиз. Шайхзода, саҳий инсон ва ижодкор сифатида, лирик мавзунини изчил ривожлантиришга мувофиқ тушадиган, ҳажонли фикр ва туйғуларни китобхонга тугал етказишга қулай бўлган «бағри кенг» композицион формалар излайди. Унинг вазиларни қоришиқ ҳолда ишлатиши, бармоқдан эркин вазига, эркиндан бармоқ вазига бемалол ўтавериши ана шу ваздан бўлса керак.

Ана шу «композицион» бағри кенглик, биринчи навбатда, Шайхзода-нинг ягона бир мотивни пойма-пойма ривожлантириш санъатида кўзга ташланади.

«Излар . . .» шеърини олиб кўрайлик. Шоирнинг эътиборини тортган нарса денгиз соҳилидаги турли-туман излар. Нима бўларди, изларда? Аммо . . .

Бу қумларнинг устида, босилган муҳр каби,
одамларнинг оёғидан нақшлар.
Одамлар Одамлар
из қолдириб, сўз қолдириб
ҳамиша қадам ташлар. . .

Шоир энди изларни конкретлаштиришга ўтиб, етакчи мотивни янги босқичга кўтариш нуқтасига яқинлаша боради:

1. Мана: шошқин қадамлар.
Туфлиснинг изларидан аёнки
ёш бир хоним ўтиб кетган бу ердан.
Балки, узоқ шаҳарлардан бунга келган бир меҳмон.
Балки, севги ваъдасига
2. Мана, чуқур, оғир излар,
ўнг оёқнинг излари,
Унга ёндош тупроққа
Ўйилгандир бир таёқнинг излари.
Демак, битта инвалид
Ўтган бу ердан:
Тинимга чин мустаҳақ мўсафид экан.
Балки ётган оёғи Неманнинг қирғоғида.
Балки Брест қалъасини қуршаб олув чоғида.
3. Тагин ҳарбий этаклардан қолган излар бор.
Бу совет аскарларини юрганга исботтир.
Дам олинг, роҳат топинг,
менинг соқчиларим.
Бу — уйқусиз тунларнинг эвазига
Ватандан мукофотдир.
4. Кичик увоқ одамлардан енгил излар бор.
Бирон бола ўтгандир шоду қувноқ, бахтиёр.
— Ўлғайгин ўгилгинам, эркин нафас олиб юр.
Сенга сурур.
Сенга нур.
5. Оғир-оғир қадамлардан қолган излар бор.
Юра-юра ҳаёлланиб кезган,
ошкор.
Бу бир олим ёки шоир бўлган бегумон,
Ўфқларни кузатиб завқ олган ҳамон. . .

Кўзимиз ўнгида ҳар қайсиси мухтасар бир тарих бўлган излар жилваси . . . Шоир энди конкретликка чек қўйиб, умумлаштиришга ўтади, поэтик мотивни маълум даражада умумлашма каби тақдим этади.

Ўтиб кетган,
Ҳар бирининг бир умри.
Бир толеи.
Бир умиди.
Уларнинг номи нима?
Улар ким эди?

Улар бизнинг одамлар,
ватандошлар, ҳамдамлар.
Ҳар бирида бир яқун,
Ҳар бирида бир режа.
Ҳар бирининг тилагида
айтилмаган мундарижа.

Фикрни теранлаштириш эвазига ғоя янада бойийди ва поэтик тажас-сумига эришади:

Бу изларнинг ҳар қайсисида
бир инсоннинг сурати.
Чунки дунё йўлларида ҳар киши
ўз шахсий услубида
юради...

Балки, шу билан шеърга нуқта қўйиш жонзидир? Йўқ, Шайхзода каби кенг мушоҳадали шоир наздида шеър ҳали тугамайди. Шунинг учун ҳам шеър яна бир композицион бўлакка ўстирилади, шеърнинг лейтмотиви ўзининг авж нуқтасига кўтарилади:

Аммо қумлар кўчади.
Қумда излар ўчади.
Лекин бўлак излар борки, яшар умрбод.
Излар борки,
нашъангизни айлайди барбод.
Излар борки, қилиб қўяр
кўнглингизни шод.
Яхшилик ва ёмонлик,
маърифат ва нодонлик,
қўрқоқлик, қаҳрамонлик,

таҳлика ва омонлик,
юрақдаги қувончли хотиралар,
ёки битмас яралар....
Мана булар,
бу излар —
дунёмиз уммонининг
соҳилидан кўчмайди.
Чунки инсон сеҳнидаги
ёдламоқ истеъдоди
ҳали-ҳали ўчмайди....

Шайхзоданинг «Соҳилда ўйланишлар», «Паланте, паланте», «Бу кеча...», «Шамолни кўз билан кўриб бўлмайди», «Қуёш дерки...» каби ўнлаб шеърлари ана шундай композицион формада — ягона мотивни дафъа-дафъа ўстириш тимсолида намоён бўлади.

Нотиқона баёнлаш усули Шайхзода поэтик услубига хос бўлган композицион формалардан биридир. Бу усул унинг социал мавзудаги шеърларида айниқса кўзга ташланади. «Октябрь қўшиғи», «Ленин — биз», «Лениннинг умрига қўшилди бир йил», «Бош масала», «Менинг сўзим еттилар», «Коммунизм манзили ёношар ҳар дақиқа», «Йилларни кузатиб, йилларни кутиб, ..», «Меҳнат шаънида», «Мукофотлар муборак», «Мен Ленинни кўрганларни кўрганман» шеърлари фикримизнинг далилидир.

Лирик композицияни контрастлаш асосида қуриш ҳам Шайхзода поэтикасида белгилли ўрин тутди. Шоир контраст приёمدан табиат ва жамият, одам ва предмет, тушунча ва сезгиларни актив муқоёса қилиш, шу асосда марказий мотивни ривожлантириш учун фойдаланади. Биз кўплаб шеърларда етакчи композицион приём даражасига кўтарилган ана шу параллель қарама-қарши қўйишларда ҳам шоирнинг ўзига хос фикр парвози, эҳтирос тўлқинини сезиб, ҳис қилиб турамыз. Бу тўлқин ҳар бир параллель контрастдан сўнг бир довол ошади, кенгайди ва теран умумлашма доирасига бориб қўйилади.

«Қўллар» шеърини кўздан кечирайлик. Шеър кўзлар ҳақидаги тасвир билан бошланади:

Кўзларни дебдилар «руҳнинг кўзгуси»,
Уларда намоён қалблар сезгиси...

Сўнг «Қўллар» мавзуга ўтилади-ю, кетма-кет қиёслашлар бошланиб кетади:

Қўллар бор — мулойим, ғоят шафқатли,
Қўллар бор — аёвсиз, ёвуз шиддатли.
Қўллар бор — ҳаётбахш қон билан илқ,
Қўллар бор — гўр каби совуққа тўлиқ....

Хўш, шундай экан, қўллар нима? Уларнинг мухтасар таърифи қандай бўлади? Шоир бунга шундай жавоб беради:

Кўзлар юракларнинг кўзгуси, дедим.
 Бу сўзда ҳеч хато қилмаган эдим.
 Хўш, қўл-чи? Қўллар-чи?
 Бу қўллар, қўллар.
 Қўлларни қайси бир таъриф маъқуллар.
 Дарахт белгилайди қўланкасини,
 Қўллар ҳам қўллайди ўз эгасини.
 Буйруқни бажармоқ қўл ҳунаридир,
 Ҳа, қўллар — юракнинг навкарларидир. . .

Кўраимизки, шеърнинг композицион бошланмаси ва тугалланмасида кўзлар билан қўллар ёнма-ён қўйилиб, асосий композицион доирада қўллар контраст қиёсланади ва қатъий поэтик ҳукм чиқарилади. Шу тахлитдаги композицион қурилмани шоирнинг «Ҳамзаободда икки манзара» шеърида ҳам кузатиш мумкин. Унда тепаликда юзма-юз турган «икки бино, икки дунё ва икки замон» манзараси параллель контрастлар асосига қурилган композиция кўзгусида намён бўлади:

Бир — нурнинг ҳурматиға қўйилган ҳайкал,
 Бир — зулмат сояларига ошиён тугал.
 Бир — излаб толпинувчи фикр котиби,
 Иккинчиси — гафлат асрин бўғиқ хитоби. . .

Лирик сюжетларнинг рудиментарлик хусусияти (маълум воқеа-ҳодисани шеърӣ баёнлаш орқали характер моҳиятини очиш ва шу билан муайян гоҳни олға суриш хусусияти) ҳам Шайхзода композициясида алоҳида кўзга ташланади. Шоир кўпинча воқеаларнинг объектив тасвиридан сўнг уларга ўз қараши, эмоционал муносабатини ошкор билдириш орқали шеърға яқуп ясайди. Чунончи, у капитан Гастелло жасоратини ҳикоялаб, пировардида шундай хитоб қилади:

Мен яшамоқ истайман,
 Бир асрча мутгасил.
 Аммо ўлсам розиман,
 Гастеллодай мард, асл.

«Кулба» шеърӣда Ўзбекистоннинг биринчи президенти Йўлдош Охунбобоев дунёға келган уй хусусида сўз боради. Шеър охирида эса шоир мавзуга нисбатан ўз муносабатини ифодалаб, шундай хулосаға келади:

Мен музейнинг бўлсам каттаси,
 Ясардим иккита модель;
 Лойсувоқ бир кулба биттаси.
 Иккинчиси: мужассам, адил —
 Олий Совет иморати, сўнг:
 Мен буларни қўйиб ёнма-ён

Ездирардим шундай бир мазмун:
 «Социализм даврида халқлар
 Мана шундай юксалар, қалқар —
 Бандиликдан давлатхонаға,
 Қора уйдан оқ қошонаға».

Лирик чекиниш тарзида тарихға экскурсия қилиш, ҳаёт ҳодисаларини ўз шахсий биографияси фактларига айлантириш хусусиятлари ҳам Шайхзоданинг лирик композицион маҳоратига айрича ранг ва жило бағишлайди. Шоир Ҳиндистон сафарига бағишланган шеърларида бир вақтлар тарих ва замон тақозоси билан тарки ватан қилиб, ғурбат жафосини чекканлар — Мирзо Бобир ва Зокиржон Фурқатни эсга олади. Унинг генерал Собир Раҳимов ва шоир Ҳамид Олимжон хотирасига атаб ёзган шеърларида ҳам кечмишға экскурс алоҳида композицион приём тарзида қўлланилади.

Шайхзода «Бу кеча. . .» шеърӣда объектив ҳаёт фактларини шахсий туйғулар «элаги»дан ўтказишнинг гўзал намунасини беради. Шифонада ётган бемор шоир белгиланган тартибни бузиб, кечаси яширинча боққа чиқади ва ер сунъий йўлдошининг чексиз коинот қаъридаги парвозини кузатади. Қиссадан ҳисса:

Азиз доктор, меҳрибон хоним,
даволаниш таритибини бузиш бу ёмон.
Аммо шу туфайли тузалиб кетса касал —
шунга нима дейсиз, а, қадрдон?
«Йўлдош» ҳам даво экан, хулласи калом,
Сизнинг собиқ касалингиздан
Соппа-соғ салом!

Шайхзода баъзан ўз шеърларини лирик диалог асосига қуради ва ғояни саволларга бериладиган жавоблар либосида олға суради (Масалан, «Келажакнинг саволларига жавоблар» ва «Тинчлик соати» шеърлари).

У лирик шеър композицияси қуриш ва сайқаллашда турли приёмлар (композицион мурожаат, композицион такрор, параллелизм ва бошқалар) дан ўз индивидуал поэтик услуби доирасида ғоят усталик билан фойдаланади.

Лирик шеърлари қурилишига қайноқ публицистик руҳ, улкан мушоҳада қуввати ҳамда фалсафий тафаккурни сингдириб, ўз индивидуал поэтик услубига изчил содиқ қолади.

**Фан ва техника соҳасида
Беруний номидаги Ўзбекистон
ССР давлат мукофотларини
бериш тўғрисида**

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети фан ва техника соҳасида Беруний номидаги Давлат мукофотлари комитети тақдим этган материалларни қараб чиқиб, **қарор қиладилар:**

1970 йилда фан ва техника соҳасидаги машҳур асарлар учун Беруний номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотлари қуйидагиларга берилсин:

... 9. И. О. СУЛТОНОВГА, Ҳ. И. ЕҚУБОВГА, Ю. СУЛТОНОВГА, О. ШАРАФИТДИНОВГА, А. Х. ҲАРИТМЕТОВГА, З. С. КЕДРИНАГА — «Ўзбек совет адабиёти тарихи» асари учун.

**Адабиёт, санъат ва архитектура соҳасидаги Ҳамза номи
Ўзбекистон ССР Давлат мукофотларини бериш тўғрисида**

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети адабиёт, санъат ва архитектура соҳасидаги Ҳамза номи Ўзбекистон ССР Давлат мукофотлари Комитетининг тавсияларини кўриб чиқиб, **қарор қиладилар:**

Адабиёт, санъат ва архитектуранинг машҳур асарлари учун 1969 ва 1970 йилги Ҳамза номи Ўзбекистон ССР Давлат мукофотлари қуйидагиларга берилсин:

1. З. ИСРОИЛОВАГА (ЗУЛФИЯГА) — «Ўйлар» ва «Шалола» шеърлар тўплами учун.

2. Қ. МУҲАММЕДОВГА (ҚУДДУС МУҲАММАДИЙГА) — Болалар учун ёзилган «Қанотли дўстлар» шеърлар тўплами учун. . .

К. ҚУРАМБОВЕ

ЎЗБЕК СОВЕТ АДАБИЁТИНИНГ ТУРКМАН АДАБИЁТИ ТАРАҚҚИЁТИ ТАЪСИРИГА ДОИР

(«Ўтган кунлар» ва «Қисмат» романлари мисолида)

Ўзбек-туркман адабий алоқаларини тадқиқ этишга бағишланган илмий мақолалар, кузатувлар, қайдлар ва ҳатто диссертация иши мавжуд бўлгани ҳолда ўзбек адабиётшунослигида А. Қодирий романларининг туркман романчилигига асос солган Х. Деряев ижодига таъсири масаласи деярли ёритилмаган. Бу мавзу гарчи туркман адабиётшунослигида ҳам махсус ўрганилмаган бўлса-да, матбуотда баъзи бир фикрлар айтилган. Масалан, Х. Деряев ижодининг тадқиқотчиларидан бири, адабиётшунос олим Қақа Салихов «Х. Деряевнинг ижодий йўли» деган мақоласида шундай ёзади: «Хидир Деряев «Қонли панжадан» («Қисмат») романининг биринчи варианты — К. Қ.) романини яратганда, унинг композицияси, баён этиш усулларини Абдулла Қодирийдан ўрганган. Шунинг учун ҳам Х. Деряев «Ўтган кунлар» романининг муаллифини биринчи устозим, деб ҳозир ҳам унинг номини ҳурмат билан эслайди»¹. Ёки туркман адабиётшуносларидан бири, танқидчи Абдулла Муродов адабий таъсирга бағишланган бир мақоласида қуйидагиларни баён қилади: «Туркман ёзувчиси ҳам худди ўзбек романчиси каби асарнинг негизини қаҳрамонларнинг шахсий ҳаётини тасвирлашга қаратади. Маълум бир ижтимоий табақадан чиққан кишиларнинг ҳаётини тасвирлаш орқали социал тузумнинг кенг картинасини чизади. Бу ўринда шу нарсани таъкидлаш керак: агар А. Қодирий Европа романчиларининг рус тилига таржима қилинган асарларидан ижодий ўрганган бўлса, Х. Деряев икки зинага қадам қўйган: ҳам Европа романчилигидан, ҳам ўзбек романчисидан ўрганган»².

Юқоридаги авторларнинг мақолаларида «А. Қодирий ва Х. Деряев» темаси бевосита текшириш объекти бўлмаганлиги учун улар бу мавзуга йўл-йўлакай тўхтаб ўтганлар, таъсир масаласини мукамал ёритишга алоҳида ургу қилмаганлар.

Машҳур совет ёзувчиси М. Пришвин: сўз санъатида ҳамма бир-бирининг шогирди, аммо ҳар ким ўзига хос йўлдан боради, деган эди. Унинг бу фикри Ҳ. Ҳ. Ниёзий ва А. Қодирий, Ойбек ва Ҳ. Олимжон, А. Қаҳҳор ва Ғ. Ғулом каби ўзбек ёзувчиларига ҳам тааллуқли. Зероки улар адабиёт оламидаги биринчи мустақил қадамларидан бошлабоқ қардош адабиётлар тажрибасини ва айниқса Н. В. Гоголь, А. П. Чехов, Л. Н. Толстой, А. М. Горький, В. В. Маяковскийлар ижодини чуқур ўрганганлар. Б. Қербобоев, Н. Сарихонов, О. Дурдиев, О. Қошутов, Х. Исмоилов, Б. Сейтаков каби туркман совет ёзувчилари тўғрисида ҳам худди шу фикрни айтиш мумкин.

¹ Қ. С а л и х, Х. Деряевын дерижилиги, «Совет эдебияты», 1962, 1-сон.

² А. М ы р а д о в, Гоншокара, «Эдебият ве сунгат», 1964, 25 март.

Ўзбек ва туркман адабиётлари рус адабиётининг таъсирида ўсди, раванқ топди. Рус классик ва совет адабиётининг илғор вакиллари ижодининг барақали таъсири натижасида икки қардош адабиётда янги адабий жанрлар майдонга келди; сиёсий лирика, автобиографик повестлар, тарихий романлар пайдо бўлди. Лекин шу билан бирга ўзбек ва туркман адабиётларининг тараққиётига бошқа қардош халқлар адабиётининг ҳам таъсири оз бўлмади. Туркман ёзувчиси Х. Деряевнинг ижодий тажрибаси бу фикрни тасдиқлашга имконият туғдиради.

Хидир Деряевнинг дастлабки ижодий фаолияти бевосита Ўзбекистон билан боғлиқ. У кўп йиллар Тошкентда яшаган, шу ерда таҳсил кўрган, илк ижодини ҳам шу ерда бошлаган. У 1926 йили Тошкентдаги туркман билим юртини тамомлагандан кейин тўрт йил шу ерда истиқомат қилади, ўзбек тилини, ўзбек халқининг урф-одатларини ўрганади, ўзбек адабиёти билан яқиндан танишади; А. Қодирийнинг «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён» каби романларини ўзбек тилида ўқийди. Бу асарлар бўлгуси ёзувчини мафтун этади, унга ўтмишнинг оғир машаққатини тортган ўзбек халқининг жафоли ҳаётидан кўп нарсалар ўргатади. Бу тўғрида ёзувчи шундай ҳикоя қилади: «Мен Тошкентда ўрта билим олганимдан сўнг САГУнинг Шарқ факультетини 1931 йилда битирдим. Мениннг ўзбек романчилиги билан танишлигим университетда ўқиб юрган кезларимдан бошланган. Ўзбек романчилигининг асосчиларидан бири Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён» романлари менда бир умрга унутилмас таассурот қолдирди ва илҳом бағишлади. Шу таъсир натижасида менда бир фикр туғилди: Бу романларнинг бош қаҳрамонлари Кумуш, Раънога ўхшаган ўзбек қизлари бошидан кечирган ззоб-уқубатлар туркман қизларининг бошидан ҳам кечган-ку? Туркман халқининг ҳам шундай ўтмиши бор-ку? Бу ўтмишдан мен ҳам бир роман ёзсам бўлмайдими? Шундан кейин менда туркман халқининг ўтмиши ҳақида роман ёзиш иштиёқи кучайди. Бу фикр Тошкентда ўқиб юрган йилларимда ҳам, Ашхободга ишга қайтганимдан кейин ҳам менга тинчлик бермас эди. Лекин ёзилажак романиннг воқеалари, қаҳрамонларини қалбимда асраб юрсам ҳам 1933 йилнинг бошларигача роман ёзишга тезда кириша олмадим. Кейинроқ роман устида катта ният билан иш бошладим... Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён» романларидан олган таассуротларимнинг маҳсули сифатида «Қонли панжадан» номи билан ёзилган романим 1937 йилда босилиб чиқди. 1960 йилда шу асар «Қисмат» номи билан қайтадан нашр қилинди»³.

Шундай қилиб, 1937 йилда туркман совет адабиёти тарихида биринчи марта реалистик роман майдонга келди.

30—40-йиллар туркман совет адабиётида кўзга ташланадиган бир хусусият бор: бу даврда илк ижодларини шеър ёзишдан бошлаган кўпчилик туркман ёзувчилари аста-секин очерк ёзишга, очеркдан ҳикояга, ундан повестга, баъзилари эса повестдан роман ёзишга ўта бошлаганлар. Чунончи Б. Кербобоев ва О. Дурдиев, О. Қошутов ва Н. Сарихонов, Б. Сейтаков ва Х. Исмоилов поэзиядан прозага, кичик жанрлардан катта жанрларга қадам қўйганлар. Дастлабки йилларда туркман ёзувчиларининг кўпчилигига хос бўлган бу хусусият Х. Деряев ижодига ҳам маълум даражада тегишли. Лекин Х. Деряев поэзиядан прозага ўтганда, юқоридаги ёзувчилардек, бадий ижоднинг кичик жанрларидан эмас, тўғридан-тўғри роман жанридан бошлайди ва бу соҳада катта муваффақият қозонади.

Ҳўш, ҳали ҳаётни кенг кўламда акс эттириш традициясига эга бўлмаган, проза жанри унча тараққий этмаган туркман совет адабиётида Х. Деряевнинг биринчи марта тарихий роман яратиб, катта муваффақият

³ Х. Деряев, Коңул коңулден сув ичер, «Эдебият ве сунгат», 1962, 21 ноябрь.

қозонишини таъминлаган асосий омил нимада? К. Салихов ёзувчининг бу муваффақиятини шундай изоҳлайди: «Хидир Деряевнинг туркман адабиётига нисбатан бирмунча илғор бўлган ўзбек адабиётининг эпик планда ёзилган асарлари билан анча илгари — 20-йилларнинг ўрталарида, уларнинг оригинали билан муфассал таниш бўлганлигидадир. Айниқса, унда туркман халқининг ўтмишидан тарихий роман ёзиш фикрини туғдирган Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романининг кучли ижобий таъсирининг натижасидир...»⁴. Демак, А. Қодирийнинг тарихий романлари Х. Деряевнинг ўз ижодий кучини қўзғата олган, ишга солган. Худди ана шундай жараёни В. Г. Белинский адабий таъсир ҳақидаги классик таърифида шундай ифода этган эди: «Улуғ шоирнинг иккинчи шоирга таъсири у яратган поэзиянинг бошқа шоирда кўринишида эмас, балки унинг бошқа шоирда бўлган, лекин ҳаракатсиз ётган кучларни уйғотиши ва ҳаракатга келтиришидадир. Қуёш нури ерга тушиши билан қуёшдаги кучни ерга ўзи билан олиб келмайди, балки ердаги кучни қўзғатади, ҳаракатга келтиради. Улуғ шоирларнинг таъсири ҳам худди мана шу қуёш нури сингари мавжуд, лекин ҳаракатсиз ётган кучларни ишга солиб юборадилар»⁵.

Х. Деряевнинг «Қисмат» романини яратишдаги санъаткорлиги ҳаёт воқеаларини унинг революцион тараққиётида кўрсатиш методини мукаммал эгаллаганлигида, туркман халқининг Улуғ Октябрь социалистик революцияси арафасидаги ҳаётини ҳаққоний ифодалай олганлигида кўринади. Агар Х. Деряев социалистик реализм адабиётининг юксак намунаси бўлган А. М. Горькийнинг «Она» романидан воқеликни унинг революцион тараққиётида кўрсатиш принципларини ўрганган бўлса, Кумуш ва Отабек даражасидаги юксак бадий образлар яратиш, ёзувчилик маҳоратини эгаллашда Абдулла Қодирий романларига мурожаат қилади.

А. Қодирий асарларини ўқиш Х. Деряевнинг ижодий ташаббусини оширади, унинг ҳаётни юксак бадий маҳорат билан акс эттиришида кенг имкониятлар очиб беради. У А. Қодирий маҳорати «сир» ларини қўнт билан ўрганибгина қолмай, ҳаёт янгиликларини тасвирлашда ҳар хил шакллар излайди. А. Қодирий ижодида акс этмаган янги, ўзига хос усуллар топади, форма ва мазмунда янгилик яратади. «Қисмат» романининг оригиналигини таъкидлаш мақсадида уни «Ўтган кунлар» билан қиёслаб кўрайлик. Бу икки романда тасвир этилган воқеалар икки ерда, икки хил шароитда берилган. Ҳар қайсисида ҳаёт ўз шароитига мосланган ҳолда ҳаққоний акс эттирилган. Уларда икки хил тарихий шароитни тасвир этишда ҳам ҳеч қандай ташқи ўхшашлик йўқ. Агар «Ўтган кунлар» романининг асосий ғоявий йўналишини — ўзбек халқининг XIX асрга оид ижтимоий муносабатларини кўрсатиш, оилада илдиз отган ярамас одатларни қоралаш, прогрессив тушунчалар билан суғорилган Отабек каби шахсларнинг бундай реакция тартиб ва одатларга дуч келиши ҳамда ҳалокатга учрашини тасвирлаш ташкил этса, «Қисмат» романининг ғоявий йўналишини туркман меҳнаткашларининг Улуғ Октябрь социалистик революцияси арафасидаги ҳаёти, феодал бойлар ва капиталистик эксплуатацияга қарши олиб борган кураши ва бу курашда Берди, Узук каби камбағалларнинг революцион онги юксала борганини кўрсатиш ташкил этади. Бу икки романдаги бош қаҳрамонлар — Отабек билан Берди ҳам, Кумуш билан Узук ҳам бир-бирларидан кескин фарқ қиладиган характерлар. Агар эксплуататорлар синфидан чиққан Отабекнинг ўз замонаси учун маълум даражада прогрессив бўлган орзулари хонлар ва беклар қаршилигига учраши билан чил-парчин бўлса, оддий чўпон Берди ҳаётдаги адолатсизлик ва ижтимоий тенгсизликни кў-

⁴ К. С а л и х, Ықбал, 1—2 китаб, Ашгабат, 1962, 9-бет.

⁵ В. Г. Б е л и н с к и й, Собр. соч. в трёх томах, том 2, М., 1948, стр. 164.

риб, социал тузумга қарши исён кўтаради. У адолат, озодлик, тенглик учун кураш майдонига отланади, илғор революционер даражасига бориб етади. Айниқса, Бердининг Сергей билан дўстлиги дунёқарашининг ўзгаришида ҳал қилувчи роль ўйнайди. У туркман халқининг миллий озодлик учун олиб борган курашида бошчилик қилади, маҳаллий бойларга қарши курашиш билан бирга, граждандар уруши даврида оқ гвардиячиларни тор-мор қилишда фаол қатнашади. Ижтимоий муҳит Бердини курашчига айлантирди. Х. Деряев ўз қаҳрамонларини фақат ижтимоий ҳодисалар процессидагина эмас, балки шахсий ҳаёт доирасида ҳам актив кўрсатади. Берди гўзал қиз Узукни севади, унга бўлган муҳаббати чексиз. Узук ҳам Бердига ана шундай кўнгил қўйган. Уша шароитда бу ишқ-муҳаббат туйғуларининг эркин бўлиши учун бахтиёр ҳаётни вужудга келтириш лозим эди. Бу икки қаҳрамон ана шу бахтиёр ҳаёт учун курашадилар. Бу йўлда уларнинг иродасини йиртқич, қонхўр ва зolim Бекмуродбой, Омонмурод кабиларнинг калтаклари ҳам, қамоқхоналари ҳам бука олмайди. Хуллас, Берди — Отабек сингари социал воқеаларнинг пассив кузатувчиси эмас, балки актив курашувчи характер. У динамик ёсувчи образ. Бердида синфий чекланганлик иллоти йўқ. У романининг бошидан охиригача юз берган воқеаларнинг фаол иштирокчиси бўлади.

Хуллас, «Қисмат» романи билан «Ўтган кунлар» ўртасида ҳеч қандай ташқи (сюжет жиҳатдан) ўхшашлик кўринмайди.

Х. Деряев «Ўтган кунлар»дан бадий асарнинг муҳим жиҳатларидан бири бўлган композиция принципларини, қаҳрамон характерининг шаклланиш йўллари, кетма-кет конфликтлар келтириб чиқариш маҳоратини, тасвирда воқеаларнинг бир томонини китобхондан сир сақлаш услубини ўрганган.

Бадий асарларда воқеаларни қизиқарли қилиб тасвирлаш бадийликнинг энг зарур белгиларидан биридир. Тасвирда воқеаларнинг бир томонини китобхондан сир сақлаш «Ўтган кунлар»нинг қизиқарли чиқшини таъминлаган, ўқувчини тасвирланган воқеаларга, қаҳрамон тақдирига қизиқтиришда асосий омил бўлган.

«Ўтган кунлар» романининг дастлабки бобларида Отабек қалбида муҳаббат учқунларининг пайдо бўлиши тасвирланади. Лекин унинг қалбида муҳаббат учқунини ташлаган ким эканлиги китобхонга муаммо. Ёзувчи уни сир сақлайди, китобхон эса бу сир билан таниш бўлишга интилади. Шунинг учун Отабекнинг ҳар бир сўзини, ҳар бир ҳаракатини зўр қизиқиш билан кузатиб боради. Кумушбиби ҳам кимдир сева бошлаган. Шунинг учун ёзувчи Кумушбиби портретини чизишда унда пайдо бўлаётган сирли психологик ўзгаришларга («тун ҳам йиғлайди, кун ҳам, сабабини сўраса жавоб бермайдир-да, дўланадек кўз ёшини оқиза беради»), унинг «нимадандир чўчиган, кимдандир уялган» каби руҳий ҳолатларига ургу беради. Демак, Кумушбиби ҳам ошиқлик дардига учраган. Лекин у кимга ошиқ бўлган? Қачон ошиқ бўлган? Ёзувчи буни сир сақлайди ва китобхонни бу масалага қизиқтиради⁶.

Х. Деряев ҳам «Қисмат» романида бу приёмдан унумли фойдаланади. Тасвир давомида воқеанинг бир томонини ёки қаҳрамонни китобхондан сир сақлаб боради, шу билан ўқувчининг бош қаҳрамон тақдирига қизиқишини кучайтиради. Романининг биринчи китобига мурожаат қилайлик. Берди Ашхобод қамоқхонасида. Бекмуродбой қамоқхона бошлиғига беҳисоб поралар бериб, Бердини энг таратли маҳбуслар орасига ташлаган. У умрбод каторга бўлиши ёки отилиши керак. Ёзувчи қаҳ-

⁶ А. Қодирининг сир сақлаш услубидан усталик билан фойдаланиши Матёқуб Қўшжоновнинг «Абдулла Қодирининг тасвирлаш санъати» китобида атрофлича тадқиқ қилинган.

рамонни ўқувчини ҳаяжонга соладиган оғир вазиятга олиб бориб қўяди-да, китобхоннинг қаҳрамон тақдирига қизиқаётганлигидан фойдаланиб, асардаги асосий воқеалар оқимини ишонарли қилиб бериш учун зарур бўлган «Субхон хасиснинг «сайлови», «Мардикор бозори», «Қамбағални туянинг устида ит қопади», «Етиб қолгунча, отиб қол» каби боблардаги воқеаларнинг тафсилотига ўтади.

Х. Деряев романнынг биринчи китобини якунлар экан, китобхонни Узукнинг тақдирига ҳам «шерик» қилиш мақсадида қуйидаги тасвири келтиради: «... Узук дарё бўйига келиб, тик қоя тошга кўтарилди. Бўғиқ бир товуш чиқариб, ўзини дарёга ташлади. Этагидаги тошлар ҳам унинг оғирлигини оширар эди, сувга чўкиб кўринмай кетди... Тошларга урилиб гирдоб бўлиб оқаётган Мурғоб ҳозир шафқатсиз қисматга ўхшар эди. Узукни бу қисматнинг чангалидан қутқариб бўлармикин ёки Тўрли ҳам унга қўшилиб фарқ бўлиб кетармикин. Қоронғи тунда буни билиб бўлмас эди»⁷.

Х. Деряев китобхон эътиборини ҳар икки қаҳрамон тақдирига кўпроқ тортиш ва қизиқтириш учун уларнинг бирини Ашхобод қамоқхонасига «ташлайди», иккинчисини эса Мурғоб дарёсига «фарқ қилади». Улар бу оғир вазиятдан қутула оладиларми ёки йўқми? Бу ҳали сир. Романнинг биринчи китоби икки қаҳрамон тақдирининг ана шундай сирли ҳолатда қолиши билан якунланади.

Китобхонлар Берди ва Узукнинг тақдирига қизиқсиниб, «романнынг иккинчи китобини қачон ёзасиз?» деган сўроқлар билан ёзувчиға матбуот орқали мурожаат этадилар. Биринчи китобнинг муваффақиятидан илҳомланган ёзувчи қисқа муддатда романнынг навбатдаги китобини ёзиб тугатади. У аввалги китобда тасвирланган воқеаларни давом эттириб, тўлдириб боради. Романнынг дастлабки бобларида бош ғояни ифодаловчи воқеалар тафсилотини бергач, Бердининг сирли қисмати билан боғлиқ бўлган сюжет линиясига ўтади. Қамоқхона бошлиғи Бердини Бургут исмли каллакесар махбус орқали ўлдиртирмоқчи бўлади. Назоратчи Бердининг ўлдирилганлиги ҳақида қамоқхона бошлиғига хабар бериб, уни дафи қилиб қайтишни ҳам ўз зиммасига олади... «...Эртасига ярим кечада назоратчи Бердининг тобутини аравага солиб қамоқхонадан олиб чиқди. Узоқ йўл юриб қабристонга кирдилар. Тобутни кундузи қазиб қўйилган қабрнинг ёнига олиб бориб туширдилар. Назоратчи аравакашни тезда орқасига қайтарди. Тобутни эса қабрга туширди-да устига қум ташлади. Шу билан иш тамом бўлди. Бу ҳодисанинг махфий сирини ҳам очилмади. Қамоқхона бошлиғи ҳам, назоратчи ҳам мақсадига етдилар»⁸.

Китобхон юқоридаги тасвирдан бу воқеаларнинг негизда қандай дир бир сир борлигини аниқлайди. Ёзувчининг ўзи ҳам бунга ишора қилиб «Бу ҳодисанинг махфий сирини ҳам очилмади, қамоқхона бошлиғи ҳам, назоратчи ҳам мақсадига етдилар», дейди. Қамоқхона бошлиғининг мақсади китобхонга маълум. Лекин назоратчининг нияти китобхонга қоронғи У ким?! Қандай шахс? Юз берган ҳодисанинг «махфий сир»и нимада? Ёзувчи ҳали китобхонни булар билан таништиришга шошилмай, «сир сақлаб» боради. Романнынг кейинги бобларида Оллоқнинг куёвликка бориш тарихи, Уғилнозик ва Энакути ўртасидаги тўқнашувларнинг кенг картинасини бергандан кейингина китобхоннинг диққатини яна асосий масалага қаратади. Бердини ўлим чангалидан қутқарган одам назоратчи эканлиги қаҳрамоннинг революционерлар билан бўлган суҳбатида очилади.

⁷ Х. Деряев, Қисмат, Туркманчадан П. Қодиров таржимаси. Ғ. Фулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, Тошкент, 1967, 239-бет.

⁸ Х. Деряев, Ықбал, 1—2 китоб, Туркменистон Давлат нашрияти, Ашгабат, 1962, 377-бет (Туркманчадан сўзма-сўз таржима бизники — К. Қ).

Х. Деряев иккинчи китоб билан учинчи китоб ўртасидаги воқеалар бирикмасини яратишда ҳам бу усулдан самарали фойдаланган.

Иккинчи китобнинг энг охирги боби Узукнинг сирли тақдири билан тугайди. Қуйидаги воқеанинг тафсилоти фикримизни тасдиқлаши мумкин: ... Душманлар кетма-кет сакрашиб уйга киришди. Омонмурод қўлида ханжари билан Узукка ташланди. Қиз ёниб турган чироқни оёғи билан тепиб юборди-да, ўзини чеккага олди. Ташқаридан тушиб турган нурсиз шуъладан фойдаланиб Омонмуроднинг орқасига ханжар урди-да, яна ўзини қоронғиликка яширди. Душман тўсатдан санчилган ханжарнинг зарбидан «Эҳ!» деб ағдарилди. Шундай бир ҳолатда тўс-тўполон, ур-йикит, «Эҳ! Вой!» лар орасидан гўзаллар бўлади бўлган Узукнинг: «Эҳ! ... Шум тақдирим!!!» деган бўғиқ овози эшитилди. Душман тиғи нозик баданга қадалдими? Ёки қизил қонга бўялди? Зулмат оқшомида, қоронғи уйда, қутурган душманлар билан бўлган жангда Узукнинг қисмати номаълум эди» (697-бет).

Сир сақлаш приёмидан усталик билан фойдаланиш ёзувчига романиннг ҳар учала китоби ўртасидаги манتيқий бирлик, умумий яхлитликни юзага келтиришга имконият туғдиради, уларни бир-бирлари билан боғлашда катта роль ўйнайди.

Романиннг биринчи китобидаги «Сўнги чора» боби (Узукнинг Мурғоб дарёсига ташлаши билан боғлиқ бўлган воқеалар тафсилоти) биринчи китоб билан иккинчи китоб ўртасида воқеалар бирикмасини яратишда «кўприк» вазифасини бажарган бўлса, иккинчи китобнинг сўнгидаги (Узук ва Омонмурод тўқнашуви) иккинчи китоб билан учинчи китобни боғлайди. Х. Деряев бу традицияни учинчи китобда ҳам давом эттиради, романи Узукнинг сирли қисмати билан тугатади. Бу романиннг «Сирли гиламча» боби эса навбатдаги — тўртинчи китобга ишора бўлади.

А. Қодирий тажрибасидан ўрганиш Х. Деряевнинг туркман халқининг миллий урф-одатларини юксак бадний шаклда акс эттиришига ёрдам берган. А. Қодирий адабий тажрибасига таяниш романдаги миллий колоритни инкор этмаган, балки уни юксак бадний маҳорат билан тасвирлашга кенг имконият туғдирган. Романиннг ҳар бир бобини ўқир эканмиз, кўз ўнгимизда Туркманистоннинг қум-саҳролари, туркман халқининг урф-одатлари, бепоён саҳроларга кириб келаётган катта ҳаёт тўлқини гавдаланади.

«Қисмат» туркман совет адабиётини бир поғона юқори босқичга кўтарди. Роман биринчи марта ўша вақтгача туркман адабиётида кам ёритилган воқеликни — Октябрь революцияси арафасидаги туркман халқи ҳаётини кенг акс эттирди.

Шубҳасиз, А. Қодирий Х. Деряев ижодида кўрсатган таъсирининг барча аспектиларини бир мақола доирасида ёритиш, бундай катта ва мураккаб эстетик проблеманинг ҳамма томонларини қамраб олиш мумкин эмас. Бу икки санъаткор ижодини атрофлича қиёсий ўрганиш, «Ўтган кунлар»нинг «Қисмат» романига таъсири масалаларини бундан мукамалроқ текшириш бизнинг навбатдаги вазифаларимиз бўлиб қолади.

А. КАТТАБЕКОВ

ЎЗБЕК АДАБИЁТИДА ТАРИХИЙ ЖАНР ТАРАҚҚИЁТИНИНГ БАЪЗИ ХУСУСИЯТЛАРИ

Барча қардош халқлар совет адабиёти жумладан, ўзбек совет адабиёти 20—30-йиллардаёқ миллий эпопеяларини яратган эдилар. Булар «Тинч оқар Дон», «Сарсонлик — саргардонликда», «Дадил қадам», «Абай», «Сачли», «Дохунда», «Қутлуғ қон» ва бошқа бир қатор асарлар бўлиб, уларда ҳарбир халқнинг революцияга келишдаги ўзига хос йўли реалистик акс эттирилади. Бу асарларда миллий ҳаёт—социал бўлиниш, эски дунёнинг охириги талвасалари ва унинг харобалари устида янги социалистик тузумнинг вужудга келиши нуқтаи назаридан чуқур бадиий тадқиқ этилади. Бу даврда ижтимоий муҳит ўртага ташлаган «инсон ва революция» проблемаси ана шу чорраҳада ҳар бир миллатнинг ўз келажagini белгилаб берадиган қайси тарихий тараққиёт йўлини танлаш масаласи билан узвий боғлиқ ҳолда ҳал этилади.

50—60-йиллар тарихий прозаси 20—30-йилларнинг илғор традицияларини давом эттирди. А. Қодирий, Айний, Ойбек каби санъаткорларнинг бу соҳадаги тажрибаларини ижодий ўзлаштирган ёзувчиларимиз ўз навбатида қизғин изланиш йўлидан бордилар. Бу ўрганиш ва изланишлар ўз самарасини бермай қолмади. Тарихий жанр тараққиётининг энг илғор традициялари билан қўшилган дадил новаторлик 50—60-йиллар ўзбек адабиётида тарихий тематика ишланишининг ўзига хос баъзи тенденцияларини белгилаб берди.

Бу давр оралигида ўзбек адабиётида тарихий жанр ривожланишининг кўзга ташланадиган биринчи хусусияти бу — жанр ранг-баранглиги масаласидир. Дарҳақиқат, шу давргача бўлган ўз тараққиёти йўлида ўзбек адабиёти хилма-хил жанрларда ижод этилган тарихий асарларнинг бунчалик сермахсул даврини кўрмаган эди.

Шуни алоҳида қайд қилиш керакки, бу давр адабиётида роман жанри энг етакчи ўринга чиқиб олди. Агар 40-йилларда тарихий тематика асосан драма жанрида ривожланиб, монументал тарихий прозада «Навой» романидан бўлак бирон йирик асар бермаган бўлса, 50—60-йилларда бу жанр сермахсуллиги билан ўз ўқувчиларини ҳам ҳайратда қолдирди. П. Турсуннинг «Ўқитувчи», Ҳ. Ғулومнинг «Машъал» (1—2 китоб), М. Исмоилийнинг «Фарғона тонг отгунча» (1—2 китоб), Ж. Шариповнинг «Хоразм» (1—2 китоб), Ҳ. Нуъмон ва Шораҳмедовларнинг «Ота» (1—2 китоб), Ойбекнинг «Улуғ йўл», Ш. Тошматовнинг «Эрк қуши» романларида кўхна тарихнинг у ёки бу даврида ўзбек халқи тарихий тақдирининг ўзига хос ва умумий томонлари реалистик акс эттирилди.

Утмиш ўзбек адабиётида яратилган повестларда ҳам ўзининг қайта баҳосини олди. А. Мухторнинг «Қорақалпоқ қиссаси», С. Аҳмаднинг «Хукм», М. Осимнинг «Элчилар», «Ўтрор», Мирмуҳсиннинг «Оқ мармар», «Чўри», К. Икромовнинг «Ўқчи кўча», «Қарвон ўтар, из қолар» каби по-

вестлари ёрқин тарихий концепцияси, бадний хусусиятлари билан ажралиб туради.

Бу даврга келиб, айниқса, автобиографик повесть жанрига қизиқиш кучайди. Шуниси характерлики, автобиографик асарларда ёзувчининг нияти ўз ҳаёт йўлининг характерли моментларини сўзлаб бериш билангина чекланмайди. Бу хусусият эса автобиографик характердаги асарларни ҳам ҳеч иккиланмасдан тарихий жанрга киритиш имконини беради. Чунки ҳозиргача ёзилган автобиографик қиссаларнинг аксарияти ёзувчиларимизнинг кекса авлоди томонидан яратилган бўлиб, уларда ўзбек халқининг маълум бир даврдаги тарихий тақдири автор ҳаётининг характерли моментлари ва эсдаликлари призмасида ёритилди. Шу жиҳатдан тарихий темада битилган автобиографик қиссаларни айрим жанр сифатида эмас, балки тарихий жанр билан қўшиб ўрганиш, бизнингча, тўғри бўлса керак.

Автобиографик жанрда ижод этган қардош адабиётлар, рус адабиёти намояндалари ва айниқса Горький традицияларини ижодий ўзлаштирган ёзувчиларимиз уларнинг асарларидан ўша воқеаларни кўрган, кечирган, гувоҳи бўлган киши тилидан, позициясидан туриб, қандай қилиб тарих ва бутун халқ тақдири ҳақида сўзлаш мумкинлигини ўргандилар. Социалистик реализм методининг асосий принципларинан бири чуқур илмий историзм ҳар бир бадний асарнинг зарурий белгиси саналади. Мемуар ёки автобиографик характердаги асарларнинг асосий хусусияти уларда субъектив томоннинг ҳам катта аҳамият касб этишидир. Ҳамма гап шундаки, автор ўз асарларида воқеликнинг фақат субъектив томони билан ўралашиб қолмайди, яъни субъектив томонлар орқали ҳаётнинг объектив хусусиятларини оча олганми — бу жанрга мансуб асарнинг қиммати ана шунга қараб ўлчаниши керак. Бир хил ҳаёт ҳақиқати ҳар бир асарда ўзича талқин қилинган бўлиши мумкин. Асарни баҳолашда форма ва услублар ранг-баранглиги назарда тутилган ҳолда ҳар бир ёзувчининг тарихга қарашда, тарихни баҳолашда, тарихий концепциясида ўзига хос томонига алоҳида эътибор бериш лозим. Ёзувчининг ўтмишдан нималарни ёқлаши ва нималарни қоралашига қараб унинг ижодий характери ҳақида хулоса чиқариш мумкин.

Автобиографик ва умуман документал жанрнинг кенг тарқалиши мазкур адабиётда реализмнинг янада чуқурлашуви ҳам йўл очиб беради. Конкрет тарихий факт, аниқ, тарихда деталланган воқеалар заңжири ёзувчининг иккинчи даражали «икир-чикир»ларга берилиб кетмаслиги, тўқима ва бадний фантазияга кенг ўрин бериб, ҳаёт ҳақиқатидан ортиқча узоқлашиб кетмаслигини ўзига хос контрол қилиб туради.

Ўзбек адабиётида тарихий жанр тараққиётининг 50—60-йиллар янада чуқурлаштирган асосий тенденцияларидан яна бири тематиканинг ранг-баранглашиши бўлди.

Социалистик тузум қудратининг ошиши, социалистик миллатлар турмуши ва маданиятининг янада равиақ топиши, тарихни талқин қилишда рўй берган айрим хатоларни фош қилиб, тарихга марксистик қарашнинг чуқурлашуви ленинча демократизм ва ижод эркинлигининг равиақи борасида қабул қилинган қатор тарихий қарорлар ўтмишнинг намунали сатрларини жонлантиришда бўлган ижодий активлики оширди. Ҳозирги кунда ўтмишни акс эттириш халқ тарихий-маданий тараққиётини, эксплуатацияга қарши кураш йўлини ёритиш, демак ўз навбатида социалистик ватанпарварликнинг зарур формаларидан бирига айланди. Ўзбек халқи тарихидаги Урта Осиёнинг Россия билан қўшилиши ва бунинг прогрессив томонлари, 1916 йилги халқ озодлик қўзғолонлари, Туркистонда Октябрь революциясининг етилиши ва ғалабаси, ўз халқи ҳаётида катта роль ўйнаган буюк тарихий шахслар, маданият арбоблари ва уларни етиштирган энг характерли, аҳамиятли давр ва воқеалар ўзбек

адабиётида тарихий жанрнинг тематикасини белгилаб бермоқда. Аммо бадний услуб ва тематик жиҳатдан турлича бўлган асарларни ягона бир нарса — тарихга партиявий нуқтаи-назардан қараш, давр қиёфасини яратиш, жамият тараққиётида халқнинг ҳал қилувчи ролини тўлароқ очишга бўлган интилиш бирлаштириб туради.

50—60 йиллар тарихий тематика тараққиётида ўзбек халқи маданий ва маънавий тараққиётининг ўзига хос томонларини очишга бўлган қизиқиш кучайди. Машҳур маданият арбоблари, ёзувчилар, шоирлар, олимлар образлари орқали давр маданий ҳаётини кўрсатиш, эксплуатацияга асосланган жамиятда ижодкор тақдири масаласи, илк ўзбек миллий интеллигенциясининг пайдо бўлиши ва уларнинг революцион ҳаракатдаги роли каби халқ ҳаётининг муҳим томонларига алоҳида эътибор берила бошлади. С. Абдулланнинг «Мавлоно Муқимий» романида демократ шоир Муқимий ва бошқа бир қатор унинг замондошлари образлари мароқ ва буюк эҳтиром билан тасвир этилса, Ж. Шариповнинг «Хоразм» романи саҳифаларидан халқи ва юрти бахти йўлида тиним билмаган, «хоннинг бошин олишга покидурман» деб жар солган шоир Аваз Ўтарнинг ёрқин сиймоси қад кўтаради.

П. Турсуннинг «Ўқитувчи», М. Исмоилийнинг «Фарғона тонг отгунча» романларида халқнинг революция арафасидаги ҳаёти кенг экранда кўрсатилиши билан бирга илк ўзбек миллий интеллигенциясининг шаклланиш процесси тарихан ҳаққоний акс эттирилади. Бу масаланинг кўтариллиши ўзбек халқи тарихини ёритишда принципиал аҳамиятга эга эди. Чунки яқин кунларгача илк ўзбек миллий интеллигенцияси ҳақида гап кетганда, жадид маданияти вакилларигина назарда тутилди. Революция арафасида Ҳамза, Айний, Аваз Ўтар, Завқий ва бошқа бир қатор энди шаклланиб келаётган ўзбек интеллигенцияси қалдирғочлари, уларнинг демократик ва революцион характерга эга ижодларида ўша давр зиёлиларининг илғор тенденциялари мужассамлашган бўлса ҳам, бу нарса у ёки бу сабабларга кўра алоҳида таъкидланмас эди. П. Турсуннинг «Ўқитувчи» романи ана шу процессни реалистик акс эттирган автобиографик характердаги асардир. «Хоразм» романида Ж. Шарипов Аваз ижоди ва фаолиятининг демократик мотивларига ва шоирнинг халқ билан мустаҳкам алоқасига алоҳида урғу берса, М. Исмоилий «Фарғона тонг отгунча» романидаги Ғулумжон образини яратишда Ҳамза ижоди ва ҳаёти илҳом берганлигини алоҳида таъкидлайди.

М. Осим ва Мирмуҳсиннинг қатор повесть ва қиссаларида ўзбек халқининг узоқ ўтмиши қаламга олинади. Лекин бу теманинг ўзбек адабиётида нисбатан кам ишланаётганини афсус билан қайд этиб ўтиш керак. Халқимизнинг узоқ ўтмишдаги, тарих ичкарисидagi ҳаёти китобининг ҳали очилмаган саҳифалари ўз авторларини кутиб турипти.

Ўтмиш билан замонавийлик алоқасининг ҳар қачонгидан кучайганлиги 50—60-йиллар тарихий жанр тараққиётининг асосий хусусиятларидан бири бўлди. Маълумки, тарихий асарда тарих билан замоннинг алоқаси энг муҳим белгилардан саналади. Жоилантирилган ўтмиш ҳозирги кун учун хизмат қилгандагина ҳақиқий санъат намунасига айланади. Улуғ танқидчи В. Г. Белинский ёзганидек, «Ҳозирги кунимизни тушунтириши ва келажакимиз ҳақида хабар бериши учун биз ўтмишни сўроққа тутамиз».¹ Совет ёзувчиси ўз асарида ўтмишга бугунги ҳаёт чўққиларидан туриб қарайди, ўз тарихини бугунги кун нуқтаи назаридан қайта баҳолайди. Совет тарихий романлари ўтмиш темасини ишлашда жамият тараққиётида ҳал қилувчи рол ўйнаши, эскилик билан янгиликнинг кураши, юксак оптимизм, ватанпарварлик ва халқпарварлик ғоя-

¹ В. Г. Белинский, Собрание соч., том 15, стр. 652.

лари каби бугунги кун учун ҳам жуда зарур бўлган проблемаларни кўтариб чиқади. Совет санъаткори ўз асарида тарихни узлуксиз процесс сифатида ва бугунги кунни ўтмишнинг қонуний давоми сифатида талқин этади. Езувчи тарихга ўша давр кишиларининг тарихий хизмати билан ва айни пайтда бугунги кун позициясидан ёндошагина унинг асари ўтмиш ва бугунги кун ўртасида ўзига хос маънавий кўприк ролини ўташи мумкин.

Ўзбек совет тарихий романларида замон билан ўтмишнинг алоқаси фақат 50—60-йиллардагина пайдо бўлган хусусият эмас. Бу белги жанр тараққиётининг илк давридаёқ намоён бўлган эди. А. Қодирий «Ўтган кунлар» романи билан ўқувчиларни ҳозирги замоннинг «Тоҳир ва Зухра»лари, «Чор дарвеш»лари, «Фарҳод ва Ширин» ва «Баҳромгўр»лари билан таништиришга ўзида «мажбурият ҳис» этган бўлса, ўзбек ва тожик реалистик прозасининг асосчиларидан бири С. Айний ўзининг тарихий темадаги романларида ўтмиш ва замон, тарих ва келажакнинг алоқаси масаласига алоҳида эътибор берганлигини айрим таъкидлаган эди. Ойбекнинг тарихий романларида замон билан ўтмишнинг алоқаси асарларининг ғояси, кўтарилган проблемалари ва бутун бадий компонентларига сингдириб юборилган. Ўзбек халқининг революция арафасидаги ҳаётини тасвирлашга бағишланган «Қутлуғ қон» романида ҳам, халқимизнинг XV асрдаги тарихий тақдирини реалистик акс эттирган «Навойи» романида ҳам тарихий воқеалар бугунги кун нуқтаи назардан ўзининг муносиб баҳосини олган. 50—60-йиллар тарихий прозасида бу муҳим алоқа янада чуқурлашганини кузатиш мумкин. Ойбекнинг «Улуғ йўл», М. Исмоилийнинг «Фарғона тонг отгунча», Ҳ. Фуломнинг «Машъал» романларида ўтмиш тасвирида ёзувчи замондошларимизнинг жўшқин қалби сезилиб туради. Ойбекнинг «Болалик», А. Қаҳҳорнинг «Ўтмишдан эртаклар», Н. Сафаровнинг «Кўрган — кечирганларим» повестларида ҳам сиз ҳаминша замон нафасини сезиб турасиз, ёзувчи сизни қўлингиздан ушлаб, ўтмишнинг даҳшатли эпизодлари орасидан олиб ўтади. Автобиографик повестларда авторларнинг шошмасдан, атрофлича, босиқ ҳикоя қилиш услуби, пайти билан ўринли қилинган чекиниш приёмлари ўқувчи билан суҳбат таассуротини қолдиради.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, тарихий асарда замон билан мустақкам алоқа ҳеч қачон воқеаларга замонавий тус бериш, образларга бугунги кишиларимизнинг ўзини кийдириш, бугунги кишининг фикр-ўйлари ва тили воситасида амалга оширилмаслиги лозим. Ўтмишнинг модернизация қилиш, уни бундай қўпол усулда «замонавийлаштириш» асарнинг бу хусусиятини чуқурлаштириш ўрнига унга салбий таъсир этади, воқеалар ва қаҳрамонларнинг ҳатти-ҳаракати ўқувчиларни ишонтирмай қўяди, асарнинг эстетик қимматига путур етади.

Назаримизда, ўтмиш билан замоннинг алоқасини кўрсатиш усули баъзан асарнинг жанр хусусиятига ҳам қаттиқ таъсир кўрсатади. Том маънодаги тарихий романда замон билан алоқа асар проблемасида, идеясида — яъни ғоявий мазмунда амалга оширилади. Бу ниятни амалга оширишда бадий воситалар, тил ва бошқалар — яъни, форма асосга олинса, асарнинг тарихийлик хусусиятига путур етади, тарихий дистанция йўқолади ва сарадан том маънода тарихга айланган ўтмишнинг, «тутаб турган ўтмишнинг» (А. Толстой) эмас, балки ҳозирги даврнинг нафаси кўпроқ сезилиб туради. Ҳ. Нуъмон ва Шораҳмедовларнинг «Ота», С. Абдулланов «Мавлоно Муқимий», Ж. Шариповнинг «Хоразм» романларининг кўпгина бўлагида маҳоратнинг етисмаслиги сабабли бўлса керак, қаҳрамонлар хатти-ҳаракатларида, фикр-ўйларида, инсоний ҳис-туйғу ва эмоцияларида, асарнинг бадий воситаларида, тилида ўтмиш билан замоннинг ўзига хос фарқи кам сезилади, маълум даврий дистанция ва ёрқин тарихий концепция бўртиб турмагандек кўринади.

Бундай асарларнинг баъзиларида қаҳрамонлар хатти-ҳаракатига замонамизнинг баъзи хусусиятлари, ғоялари сунъий равишда ёпиштирилади. Жумладан, баъзи эпизодларда тасвирланган оддий деҳқонларнинг атрофдаги ҳамма воқеалар моҳиятига тўлиқ тушуна бериши, ҳатто жамият тараққиёти ҳақида баҳс қилиши кишини таажжублантиради. Бу каби камчиликлар ёзувчининг ўзи сўз юритмоқчи бўлган даврини атрофлича билмаслиги, унинг моҳиятига чуқур сингиб кирмаслиги, давр ҳаётини бадний тадқиқ этишда маҳоратининг етишмаслиги орқасида содир бўлса керак. Ўтмиш билан замонни янада яқинлаштириш мақсадида асар руҳининг ўта замонавийлаштирилиши, зарурий мутаносибликнинг меъёрдан ошиб кетганлиги, қаламга олинган материалга ҳақиқий ўтмиш сифатида қарай олмаслик ва бу ўтмишга берилаётган баҳонинг бўртиб турмаганлиги, воқеаларни чуқур бадний таҳлил қилиш ўрнига қуруқ баёнчиликнинг устун туриши бу каби асарларни тарихий романлар жавонига қўйиш мумкинми деган масалани ҳал этишда чалкашлик ва иккиланишга сабаб бўлмоқда.

Тарихий асарда замон нафасининг сезилиб туришини талаб қилиш ҳеч қачон ўтмиш материали асосида бугунги кун проблемалари ҳал қилинади деган маънони англатмайди. Совет тарихий роман назарияси бундай модернистик қарашларга қаттиқ зарба бериб келди.

50—60-йиллар тарихий жанр тараққиётига бадний форма ва маҳоратнинг янада мукаммаллашган даври бўлиб кирди. Асарларнинг композицион рамкаси кенгайди. Бадний прозада эпикликка интилиш бу давр адабиётининг асосий хусусиятларидан бирига айланди. М. Исмоилийнинг «Фарғона тонг отгунча» трилогияси (романнинг учинчи китоби устида автор иш олиб бормоқда), Ҳ. Фуломнинг «Машъал», Ж. Шариповнинг «Хоразм», Ҳ. Нуъмон ва Шораҳмедовларнинг «Ота» каби диалогия характеридаги асарларида халқимиз босиб ўтган тарихий йўлни кенг, эпик планда тасвирлашга ҳаракат қилинган. Воқеликнинг кенг планда олиниши ёзувчиларга ўз қаҳрамонларини тарихий ўзгаришларда актив иштирок этадиган кенг социал коллективни ичида тасвирлаш имконини берган. Бутун совет адабиётида бўлганидек, ўзбек прозасида эпикликка, монументалликка бўлган интилишни мазкур адабиётнинг тасвир объекти ва халқчиллик характерида излаш керак. Бу хусусият, бизнингча, биринчи навбатда, адабиётимизнинг бош тадқиқ объекти халқ оммаси ҳаёти, катта тақдирлар ва тарихий ўтмишнинг қаҳрамонона воқеаларини тасвирлашга интилиш билан боғлиқ. Юқорида номлари саналган асарлар ўзларининг бадний композицияси билан ажралиб туради, уларга тарих йўлларида ўз бахти йўлида тинмай кураш олиб борган халқ оммаси, ўнлаб қаҳрамон ва юзлаб персонажлар, йирик тарихий воқеалар ва мураккаб тарихий вазиятлар ёпирилиб кира бошлайди.

Тарихий жанрда миллий форма — тил проблемаси ҳам катта куч касб этади. Бу жанр асарларида тарихий дистанцияни юзага келтиришда автор ва персонажлар тилини даврга муносиб равишда маълум миқдорда архаиклаштириш катта ёрдам беради. Аммо бу нарса асарда ҳозирги ўқувчи учун тушунарли бўлмаган эски сўзларни кўп ишлатиш эмас, балки асар тилининг тонини архаиклаштириш ҳисобига амалга оширилиши лозим. Тил устида ишлаш асарнинг бадний қимматини оширадиган асосий воситалардан биридир. Ойбек, А. Қаҳҳор, М. Исмоилий, Ҳ. Фулом каби ёзувчиларнинг асарлари тилининг пухталиги, тасвирланаётган давр тилига жуда яқинлиги, диалогларнинг пишиқлиги билан ажралиб туради. Лекин, назаримизда «Фарғона тонг отгунча» романининг айрим боблари тилига (айниқса, I китобда) маълум маънода сентиментал тон, «Хоразм», «Ота» каби романларининг баъзи ўринларига натуралистик тенденция соя солиб тургандек кўринади. Баъзи асарларда, бадний маҳоратнинг етишмаслигидан бўлса керак, ўта жўн; ҳиссиз ёзил-

ган сатрлар кўп учрайди, қаҳрамонлар тили индивидуаллаштирилмайди, авторлар тилида кўрсатишга нисбатан баёнчилик устун туради.

50—60-йилларда ўзбек тарихий жанри қўлга киритган ютуқлар сезиларли даражада эканлиги кўриниб турипти. Бу муваффақиятларни алоҳида қайд этмаслик, шунингдек эришилган ғалабалар билан чекланиб қолиш ҳам мумкин эмас. 50—60-йиллар ўртасида ўтган давр ичида ўзбек тарихий жанрининг хронологик чегараси ва жанр имкониятлари анча кенгайди. Асарларнинг асосий тасвир объекти халқ оммаси ҳаёти бўлиб қолди. Бу нарса эса жанрда эпикликнинг етакчи ўринга чиқишига сабаб бўлди.

Ўзбек адабиётида деярлик замонавий темадаги асарлардан олдин пайдо бўлган ва ҳозирги кунда барқ уриб ривожланаётган тарихий жанр ҳечқачон ёзувчиларнинг замонавийликдан қочишини англамайди. Тарихий жанрнинг айниқса ҳозирги кунда интенсив ривожланиши, унинг бугунги аҳволи, ёзувчиларимизнинг бу борадаги тинимсиз изланишлари яқин йиллар ичида бу жанрнинг юксак намуналари яратилишидан дарак бериб турипти.

ТИЛШУНОСЛИК

ОЛИМ УСМОН

ТИЛ МАДАНИЯТИНИНГ МУҲИМ МАСАЛАЛАРИ¹

Маълумки, 20-йилларнинг ўрталарида ишлаб чиқаришда социалистик мусобақа кенг ёйилиб, оммавий тус олади. Шу муносабат билан рус тилидаги *ударник* (милтик, тўп затворининг пистонни чақувчи қисми) сўзи янги маъно касб этиб, ишлаб чиқаришда ўз нормаларини орттириб бажарувчи ва меҳнатда юксак унумдорлик намуналарини кўрсатувчи «илғор ходим» маъносини ҳам ифодалай бошлайди. Ана шу сўз негизда СССР меҳнаткашлари ўртасида кенг ёйилган ва оммавий тус олган социалистик мусобақа ҳаракатини ифодаловчи *ударничество* сўзи пайдо бўлади. Ўз навбатида, ўзбек тилида ҳам ўша даврда бу сўзларнинг эквивалентлари сифатида тилнинг мавжуд ички имкониятлари (асли тожикча *зарб* сўзи) негизда янгидан пайдо бўлган *зарбдор* ва *зарбдорлик* сўзлари қўлланила бошлайди. Русча *кандидат*, *кандидатура* сўзларининг эквивалентлари сифатида эса тожик тилидан кирган *номзод* (ҳозирги *номзод*) сўзи қўлланилади.

Шундай қилиб, *зарбдор*, *зарбдорлик*, *номзод* сўз-терминлари 20-йиллардаёқ ўзбек тили лексикасидан ўрин олади. Бироқ ўша даврда ўзбек тили ва терминологиясининг ривожланиш йўлларини нотўғри тушуниш ва талқин қилиш оқибатида 30-йилларнинг ўрталаридан бошлаб бундай сўзлар ҳам «эскирган» сўзлар қаторига киритилади. Натижада *зарбдор* сўзи ўрнида *ударник*, *зарбдорлик* сўзи ўрнида *ударниклик*, *номзод* ўрнида *кандидат* сўзлари ишлатила бошлайди. Шунинг учун ҳам ўзбекча-русча луғатларининг 1941 ва 1959 йил нашрларида *зарбдор*, *зарбдорлик*, *номзод* сўзларига «эскирган сўзлар» деб тамға босилганини кўрамыз.

Бироқ 60-йилларнинг бошларидан бошлаб луғатларимизда берилган огоҳлантиришларга қарамасдан, стихияли суратда *ударник* ўрнида *зарбдор*, *ударниклик* ўрнида *зарбдорлик*, *кандидат* (сайланадиган шахс маъноси) ўрнида *номзод* сўзлари ўз ҳуқуқларида қайтадан тикланиб, кенг истеъмол доирасига кира бошлайди. Худди шунинг сингари, матбуот саҳифаларида мунтазам равишда *заказ* сўзи ўрнида *буюртма*, *заказчи* ўрнида *буюртмачи*, *остановка* (трамвай ёки автобус остановкаси) ўрнида *бекат*, *китоб шкафи* ўрнида *китоб жавони*, *аллея*, *сквер* ўрнида *хизбон* сўзлари ишлатила бошлаганини кўрамыз. Эндиликда бундай сўзлар тилимизда серистеъмол сўзларга айланиб, адабий норма доирасига киреётир. Ҳолбуки, бундай сўзлар яқин вақтларгача эскирган ёки кам қўлланиладиган сўзлар ҳисобланиб, қарийб истеъмолдан чиқариб юборилган эди.

Ҳатто совет даврида соф ўзбек тили негизидан ясалган ва 40-йилларгача қўлланиб келган *кўргазма* (виставка) сўзи ҳам *буюртма* (за-

¹ Давоми. Боши журналнинг биринчи сониди.

каз), *хийбон* (аллея, сквер) сўзлари сингари «эскирган сўз» деб эълон қилиниб², истеъмождан чиқариб юборилган эди. Сўнги йилларда *виставка* сўзи билан бир қаторда она тили негизда ясалган бу дублет вариантнинг ҳам қайтадан адабий нормага кира бошлаганини кўрамиз.

Тил традицияларига риоя қилмаслик, она тилининг мавжуд ички имкониятларидан фойдаланиш масаласига эътибор бермаслик ҳоллари, айниқса таржимонларимизда тез-тез учраб туради. Чунинчи, 60-йилларнинг бошларида партия ва ҳукуматимизнинг халқ хўжалигида иқтисодий ислоҳот ўтказиш тadbирлари муносабати билан рус тилида қўллана бошлаган «экономическая реформа» термини ўзбек тилида дастлаб *иқтисодий реформа* тарзида таржима қилиб берила бошлади. Бу ўринда *реформа* сўзининг ўзбек тилидаги адекват эквиваленти бўлмиш *ислоҳот* сўзи мавжуд эканлигини таржимонларимиз эътиборга олмадилар. 60-йилларнинг ўрталарига келиб эса республика газеталари, биринчи галда, «Совет Ўзбекистони» газетаси *реформа ўрнида ислоҳот* сўзини олиб, *ер ислоҳоти* термини сингари халқчил ва тушунарли *иқтисодий ислоҳот* терминини қўллаш бошладилар. Натижада бу термин ўзбек тили лугат составида мустаҳкам ўрнашиб, ҳозиргача ҳам мунтазам қўлланиб келмоқда. Бироқ бундан ишчилар ҳаракатида пайдо бўлган оппортунистик оқимни ва бу оқимнинг тарафдорларини ифодалаб келувчи реформизм ва реформистик сингари тарихий терминларни ҳам уларнинг ўзбекча дублет вариантлари бўлмиш *ислоҳотчилик* ва *ислоҳотчи* сўзлари билан алмаштириш керак экан-да, деган хулоса чиқармаслик керак.

Совет муассасалари ва корхоналарининг ишлари устидан халқ назорати ўрнатиш муносабати билан ишлатила бошлаган *контролёр*, *халқ контролёрлари* терминларини қўллашда ҳам айни шу аҳвол юз берди. Ҳолбуки, ноўрин ишлатилган бу терминлар ўрнида халққа тушунарли, содда *назоратчи*, *халқ назоратчилари* терминлари олинмоғи мувофиқроқ эди. Чунки *контролёр* сўзи ўзбек тилида фақат кинотеатр ва автобусларда билет суриштирадиган шахсга нисбатангина ишлатилади.

Бу ерда шунини айтиб ўтиш керакки, дастлаб *контролёр*, *халқ контролёрлари* терминларининг ўзи ишлатилиб, кейинроқ эса *контролёр* — *назоратчи* тарзида икки вариантда қўлланила бошлади. 60-йилларнинг ўрталаридан бошлаб эса бу терминларнинг *назоратчи*, *халқ назоратчилари* вариантлари нормалашиб, мунтазам равишда ишлатила бошлади.

Бу процесс ҳозирги кунларимизда ҳам давом этаётир. Чунинчи, *корреспондент-аъзо*, *старший илмий ходим*, *младший лейтенант* тарзида ишлатилиб келинган терминлар ўрнида, эндиликда *мухбир-аъзо*, *катта илмий ходим*, *кичик лейтенант* терминларининг ишлатилаётганини кўрамиз. Модомики, ўзбек тилида русча *корреспондент*, *старший*, *младший* сўзларининг адекват эквивалентлари мавжуд экан, юқоридаги сингари состави терминларнинг таркибида ҳам бу сўзларни ҳеч қандай монез-сиз ишлатавериш ҳақиқатан ҳам жуда ўринлидир. Демак, бундай ҳолларда ҳам гап она тилининг имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш асосида терминларнинг мантиқан ифодали ва тушунарли бўлишига қаратилган.

Терминларни мантиқан ифодали ва тушунарли қилиш, она тилининг ички имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш тенденцияси ҳар қандай тилда ҳам содир бўлиб турадиган ҳодисадир. Демак, ўзбек тилидагина эмас, балки бошқа тилларда ҳам баъзи ҳолларда ажнабий сўз ва терминларни миллий сўз ва терминлар билан алмаштириш ҳодисаси ана шундай тенденция натижасида содир бўлади. Масалан, рус тилининг ўзида ҳам чет сўзларгина эмас, ҳатто интернационал сўзлардан ҳисобланган *аэроплан* сўзи *самолёт* сўзи билан, *геликоптер* сўзи *вертолёт* сўзи

² «Ўзбекча-русча лугат», 1941, 235, 542-бетлар.

билан алмаштирилган. Бинобарин, рус тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам бу ҳодиса тилнинг ички тенденцияси бўлиб, у сўзлар ифодавий функциясининг намоён бўлиши билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам бу ҳодисани «тилдаги чет сўзларни қувиб чиқаришга» асосланган пуристик тенденция билан мутлақо қориштирмаслик керак.

Шу билан бирга матбуот саҳифаларида, айрим луғат ва дарсликларда ўзбекча эквивалентлари бўла туриб, русча сўзларни ноўрин ва бефарқ ишлатиш ҳоллари ҳам учраб қоляптики, буни мутлақо маъқуллаб бўлмайди. Буни қуйида келтирилган баъзи мисолларда яққол кўриш мумкин.

Маълумки, *хўжағат*, *қорағат*, *саримсоқ*, *зирк* сингари ботаник аталар ўзбек тилида қадимдан ишлатилиб келади. Улар ҳозирги замон ўзбек тилининг ботаника терминологиясида русча «малнина», «смородина», «чеснок», «барбарис» терминларининг адекват эквивалентлари сифатида барқарор тус олиб, илмий асарларда ҳамда ўрта ва олий ўқув юрталарининг дарсликларида қўлланиб келади. Шунингдек, ўзбекча-русча луғатларнинг қарийб ҳамма нашрларида *хўжағат* — *малина*, *қорағат* — *смородина*, *саримсоқ* — *чеснок*, *зирк* — *барбарис* эканлиги кўрсатиб ўтилган. Лекин шунга қарамасдан, матбуот саҳифаларида кўпинча русча *малина*, *смородина*, *чеснок*, *барбарис* терминларини қўллаш ҳолларини учратамиз. Баъзан она тилига эътиборсизлик шу даражага етиб борадики, ҳатто ўзбек тилида мавжуд ва ишлатилиб келаётган *каҳрабо*, *искап-топар* сингари ҳаммага аён сўзлар ўрнида ҳам уларнинг русча эквивалентлари ишлатилади. Масалан, газеталардан олинган мазкур мисолларга оид қуйидаги сарлавҳаларни таққослаб кўринг. «*Сурхондарёда смородина етиштирилади*» (Совет Ўзбекистони, 1968, 20-сон); *Барбарис* (Совет Ўзбекистони, 1966, 19-сон); *Чеснок хосияти* (Тошкент ҳақиқати, 1968, 96-сон); *Москит* (Тошкент оқшоми, 1967, январь); *Янтар хосияти* (Тошкент ҳақиқати, 1967, 26 январь).

Бундай хатоларнинг юз беришида баъзан русча-ўзбекча луғатларимиз ҳам сабабчи бўлиб келаётир. Чунончи, ўзбекча-русча луғатларда юқорида мисол тариқасида келтирилган сўзлар *хўжағат*, *қорағат*, *искап-топар* тарзида тўғри берилса, русча-ўзбекча луғатларда эса аксинча йўл тutilади.

Русча сўзларни ноўрин ишлатиш ҳоллари баъзан ботаника терминологик луғатларида ва дарсликларида ҳам учраб қолади.

Академик Қ. З. Зокиров ва филология фанлари кандидати Ҳ. Жамолхоновлар жуда ҳаққоний кўрсатиб ўтганларидек, ўзбек тили ботаника терминларига нақадар бой бўлишига қарамай, айрим ботаникларимиз баъзи ҳолларда ундан фойдалана билмаганлар. Масалан, ботаника дарсликлари ва луғатларида халқ ичида кенг тарқалган *қўшпайванд* ўрнида *аблактировка*, *қаламчапайванд* ўрнида *копулировка*, *куртакпайванд* ўрнида *окулировка*, *бўзтикан* ўрнида *будяк*, *жамбил* ўрнида *богородицина* *ўти*, *қорақайин* ўрнида *бук* терминларини ишлатиб келмоқдалар³. Она тилига, унинг луғат бойлигига бу хилда нигилистик муносабатда бўлиш тилни қашшоқлаштиришга, ўзбек тили ва терминологияси соҳасида 30-йилларнинг охири ва 40-йилларнинг бошларида йўл қўйилган хатоларни такрорлашга олиб келган бўлур эди.

Бундай хатолар, шубҳасиз, она тилига, унинг мавжуд ички имкониётларига эътиборсизлик билан қарашдан келиб чиқади. Ҳақиқатан ҳам юқорида кўриб ўтганимиздек, *таржимон*, *танқидчи*, *тарихчи*, *рассом* сўзларининг ўрнида *мутаржим*, *мунаққид*, *муаррих*, *мусаввир* дейишнинг ёки бўлмаса ўзбек тилида мавжуд *қорағат* ўрнида *смородина*, *қорақа-*

³ Қ. З. Зокиров, Ҳ. А. Жамолхонов, Ўзбек ботаника терминологияси масалалари, 1966. 18-бет.

йин ўрнида *бук*, бўзтикан ўрнида *будяк*, қўшпайванд ўрнида *аблактировка*, истибодод ўрнида *самодержавие* деб ишлатишнинг нима ҳожати бор? Бундай сўзларни ишлатиш, Ленин ибораси билан айтганда, «бизнинг оммага тавсир қилишимизни қийинлаштиради», холос. Ленин тилдаги бу салбий ҳодисани, яъни ажнабий сўзларни ўринсиз ишлатишни қаттиқ қоралаб, шундай ёзади: «Уқишни яқинда ўрганган кишининг чет тил сўзларини янгилик сифатида ишлатиши кечирарли бир ҳол бўлса, адабиётчиларнинг бундай қилишини кечириб бўлмайди. Чет тил сўзларини ўринсиз ишлатишга қарши кураш эълон қилишимиз керак эмасмикан?» Лениннинг бундай гаплари рус тили ҳақида айтилган бўлса-да, бироқ унинг бу назарий қараши бошқа миллий тилларга, шу жумладан ўзбек тилига ҳам бевосита тааллуқлидир.

Агар биз бу масалага жиддий эътибор бермас эканмиз, ажнабий сўзларни ўринсиз ва заруриятсиз ишлатишга қарши жиддий кураш очмас эканмиз, ўтмишда йўл қўйилган хатолар қайтадан такрорланиши, шунинг натижасида ўзбек тилининг лексик бойлигига яна путур етказилиши мумкин. Бунга айниқса, *чилпиш*, *чилпимоқ*, *чилангар*, *дегрез*, *дегрезлик* сўзларининг яқин ўтмишдаги тақдирини аққол мисол бўла олади. Қадимдан пахтачилик билан шуғулланган ўзбеклар асрлар мобайнида соф ўзбекча *чилпиш*, *чилпимоқ* сўзларини ишлатиб келар эдилар. Инқилобдан кейин ҳам то 40-йилларгача, мазкур сўзларнинг ўзи ишлатилиб келинди. Бироқ 40-йилларнинг бошларига келиб, *чилпиш*, *чилпимоқ* сўзлари ҳеч қандай асос бўлмагани ҳолда ноўрин ва кўр-кўрона равишда русча *чеканка* ва *чеканка қилмоқ* терминлари билан алмаштирилди.

Шундай қилиб, умумхалқ тилига мансуб ва ҳаммага тушунарли *чилпиш*, *чилпимоқ* сўзлари аста-секин унутилиб, бу сўзлар ўрнида *чеканка*, *чеканка қилмоқ* сўзлари ўзбек тилининг луғат составида норматив тус олиб қолди. Бироқ луғатчиларимиз яқин ўтмишда йўл қўйилган бу хатони қисман бўлса-да тузатишга интилиб, тўғри йўл тутган эдилар. Улар ўзбекча-русча луғатнинг 1959 йил нашрида кўп йиллар мобайнида ишлатилиб, эндиликда норматив тус олиб қолган *чеканка*, *чеканка қилмоқ* сўзлари билан бир қаторда умумхалқ тилига мансуб *чилпиш*, *чилпимоқ* сўзларини ҳам эскирган сўзлар қаторига киритмасдан, тенг ҳуқуқда берганлар. Модомики шундай экан, матбуотчиларимиз ҳам шу йўлдан бориб, она тилига мансуб луғавий бойликдан ўчи-масдан *чеканка* ва *ғўзани чеканка қилиш* терминлари билан бир қаторда умумхалқ мулки бўлмиш *чилпиш*, *ғўзани чилпиш* терминларини ҳам параллел ишлатаверишлари мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Халқимиз асрлар мобайнида ишлатиб келган ва ўзбек тилининг луғат составида мустақил ўрин олган металлсозликка оид *чилангар*, *чилангарлик*, *дегрез*, *дегрезлик* сингари халқ атамалари ҳам 40-йилларда ноҳақ ва ҳеч қандай асос бўлмагани ҳолда «эскирган, архаиклашган сўзлар» сифатида истеъмолдан чиқариб юборилган эди. Булардан *чилангар* сўзи ўринсиз равишда русча *слесарь* термини билан алмаштирилган.

Дегрез (*котельщик*, *литейщик*), *дегрезлик* (*литейная*, *литейное дело*) терминлари эса кўпинча тавсифий йўл билан ифодаланадиган бўлди. Масалан, русча «литейщик» термини *металл асбоблар ясайдиган ишчи ёки қуловчи* тарзида, «литейная» термини — *металл асбоблар қуйиладиган ишхона* тарзида, «литейный завод» термини — *металл асбоблар ясайдиган завод* тарзида, «литейная форма» термини — *металл асбоблар қуядиган қолип ёки қуюш қолипи* тарзида тавсифий йўл билан ифодаланди. Халқ атамаларидан фойдаланилганда эди ноиҳчам ва ноқулай формадаги бу тавсифий терминлардан осонлик билан қутулган бўлур эдик. У ҳолда русча *литейщик* — *дегрез*, русча *литейное дело* ва *литейная* — *дегрезлик*, *литейный завод* — *дегрезлик заводи*, *литейная форма* — *дег-*

резлик қолипи тарзида ихчам ва халқчил, қўлланиш жиҳатида ҳам қулай терминлар яратилган бўлур эди.

Шундай қилиб, сўз танлашда, айрим соҳаларнинг терминологиясини яратишда она тилига, унинг традицияларига ва бой имкониятларидан, айниқса, халқ терминологиясидан фойдаланиш масаласига жиддий эътибор бермаслик натижасида баъзан асрлар мобайнида ишлатилиб келинган сўзларни ҳам «архаик сўзлар» лавҳаси остида тилимизнинг луғат составидан тамоман чиқариб юбориш ҳоллари ҳам юз бермоқдаки, бунга асло йўл қўйилмаслиги керак. Афсуски, фан ва халқ хўжалигининг айрим соҳаларида иш олиб борувчи олимларимиз ва мутахассисларимиз ҳам ўз соҳаларининг терминологиясини яратишда терминларнинг халқчиллигига, халқ атамаларини қидириб топиб, ўз ўрнида ишлатиш масаласига жиддий эътибор қилмай келаётирлар.

Натижада бу нуқсон луғатчиларимизга ҳам юққан. Жумладан, русча «водораздел» терминининг маъносини ифода қила оладиган бир эмас, ҳатто иккита халқ атамаси (*алиш* ва *жўн*) мавжудлигига қарамасдан, бу сўз русча-ўзбекча луғатларимизда, шунингдек, терминологик луғатларда (масалан, гидротехника терминлари луғатида) *сув айирғич* тарзида берилган. Ўзбекча-русча луғатда эса *алиш* сўзи берилгану, бироқ маҳаллий сўз, яъни айрим шевалардагина ишлатиладиган, адабий тилда ишлатилиши жоиз бўлмаган сўз деб кўрсатилган. Лекин бу сўзнинг адабий тилда ишлатиладиган бирор варианты берилмаган. Тўғри, бу сўз кўпроқ Фарғона водийсидаги шеваларда ишлатилади. Бошқа айрим шеваларда эса «водораздел» маъносига *жўн* термини ишлатилади. Модомики, *алиш* сўзи Фарғона водийсида маълум экан, Тошкент шеvasида бу сўзнинг ишлатилмаслиги учунгина *сув айирғич* деб олмасдан, айнан ўзини олиш ва адабий тил нормасига киритиш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Худди шунингдек, Тошкент шеvasида «мерзлота», «впадина», «сквозняк» сингари анчагина илмий терминларнинг маъносини ифода қила оладиган мувофиқ эквивалентлар йўқ. Шунинг таъсирида бўлса керак, луғатчиларимиз бу сўзларнинг маъноларини халқ тилида айнан ифода қила оладиган эквивалентларини, халқ атамаларини қидириб ўтиришмасдан, уларни тавсифий, баъзан ғализ таржима қилиб қўяқолганлар. Ҳолбуки, қаторлаштириб берилган бу эквивалентлардан биронтасини илмий термин сифатида қабул қилиб бўлмайди. Масалан, бир томлик русча-ўзбекча луғатда бу сўзларга шундай изоҳ берилган: *мерзлота* — музлаб ётиш, музлаб ётадиган ер; *вечная мерзлота* — донм музлаб ётадиган, сира муздан тушмайдиган ер; *впадина* — чуқурча, чўкма, ботиқ ер, ўпирилган ер; *сквозняк* — ғўриллаган шамол.

Масалага жиддий қаралиб, умумхалқ тилидан қидирилса, бунинг сингари кўп сўзларнинг маъноларини аниқ ифодаловчи халқ атамаларини топиш мумкин эди. Чунончи, марҳум геолог олим О. Содиқов Ўзбекистоннинг турли районларида экспедицияда юрган маҳалида геология тушунчаларига доир халқ терминлари билан қизиқиб, «мерзлота» термини халқ тилида *музлақ*, «впадина» эса *чўкиклик* дейилишини аниқлаган эди. Худди шунингдек, ўзбек тилида «сквозняк» сўзнининг маъносини айнан ифодалайдиган адекват *елвизак* сўзи халқ тилида қадимдан мавжуддир. Бу сўз кўпчилик шеваларда унутилган, бироқ Чимкент, Сайрам шеваларида ҳамда Қашқадарёнинг айрим районларида эса ҳозир ҳам ишлатилади.

Демак, *сквозняк* сўзини ноичам ва ноаниқ тарзда *ғўриллаган шамол* деб аташдан кўра, мазкур қадимги халқ атамаси (*елвизак*) билан ифодалаш минг чандон яхши эмасми? Бинобарин, бундай ҳолларда қадимги архаик сўзлардан ҳам дадил фойдаланавериш керак.

Ана шу тарзда *музлақ* (мерзлота), *қўқиклик* (впадина), *алиш* (водораздел), *елвизак* (сквозняк), *қўшпайванд* (аблактировка), *куртакпайванд* (окулировка) сингари маҳаллий номларни — халқ атамаларини илмий терминлар даражасига кўтариш мумкин ва тил тараққиёти процессининг объектив қонунияти ҳам худди шуни тақозо қилади.

Худди шундай аҳвол туғилган пайтларда форс-тожик ва араб тилларининг лугат бойлигидан фойдаланишни ҳам кўр-кўрона равишда нуқсон деб билмаслигимиз керак. Чунончи, эллингинчи йиллардан бошлаб, ўзбек тилида асли тожикча *дугона* (подруга), *хонанда* (певец), арабча *мушоира* (состязание поэтов) сўзлари ишлатила бошланди. Ҳолбуки бу сўзлар эллингинчи йилларгача ўзбек тилида ишлатилмас эди. Шунинг учун ҳам лугатларда ҳам қайд этилмас эди. Ҳозир эса бу сўзлар ўзбек тилининг актив, серистеъмол сўзлари қаторидан жой олди.

Бинобарин, фан ва халқ хўжалиги айрим соҳаларининг терминологиясида учрайдиган бундай терминологик қашшоқлик, ғализлик ва чалкашлик кўпинча маҳаллий номларни, халқ атамаларини қидириб, ўз ўрнида ишлатмасликдан келиб чиқади. Чунончи, доцент Х. Дониёровнинг аниқлашича, чорвадор районларда муайян даврда ўтказиладиган жун қирқиш кампаниясини чорвадорлар *қирқим* сўзи билан ифодалар эканлар. Ана шу ихчам халқ термини мавжуд бўлгани ҳолда матбуот ва радио уни *жун қирқиш*, *жун қирқиш кампанияси* тарзида бирмунча ноқулай ва ноихчам вариантларда қўллайдилар. Самарқандда чиқадиган «Ленин йўли» область газетаси эса диалектологларнинг тавсияси билан бир неча йилдан буён ана шу халқ терминини ўринли ишлатиб келаётир.

Юқорида айтиб ўтилган фикр ва мулоҳазалар, келтирилган далиллар халқ тилининг ҳали яшириниб ётган бойликларидан тўлароқ фойдаланишни, халқ ҳаёти ва халқ хўжалигининг турли соҳаларида ишлатилиб келинган ва ишлатилаётган маҳаллий терминларни — халқ атамаларини синчиклаб ўрганишни ва зарур ўринларда уларни илмий терминология доирасига киритишни тақозо қилади. Шу билан бирга, ўтмиш даврларда яратилган қанчадан-қанча илмий, тарихий ва адабий манбаларда бобокалонларимиз қўллаган турли соҳаларга хос атама ва терминларни тўплаш ва тартибга солиш зарурияти ҳам келиб чиқади. Афсуски, бу масалаларни ташкилий суратда ҳал этиш ва тегишли тadbир-чоралар кўриш ишига ҳамон жиддий эътибор берилмай келаётир.

(Охири бор)

Ф. АБДУЛЛАЕВ, М. ЭМИНОВ

БОШҚАРУВ СИСТЕМАСИДА СТРУКТУР СИНОНИМЛАР МАСАЛАСИ

Туркий тилларда келишик формаларининг функционал алмашиниб келиш ҳодисаси текширувчиларни кўпдан қизиқтириб келади¹. Туркий тиллар бўйича ёзилган грамматик асарларда авторлар бу ҳодисага алоҳида эътибор берадилар, келишикларнинг функционал алмашинишидаги хусусиятлар, семантик-грамматик ўзига хослик томонлари кўрсатилади. Айрим ишларда бу масаланинг анча мураккаб эканлиги, махсус текшириш объекти бўлиши зарурлиги таъкидланади².

Шу муносабат билан келишик формаларининг алмашиниб қўлланишида бошқарувчи феълнинг семантикаси, икки келишик формасидаги отларнинг ўзаро маъно муносабати, структурада содир бўлган ўзгариш натижасида юз берадиган грамматик маъно ўхшашлиги ва фарқлар теманинг жуда муҳим қисмини ташкил этиши керак, деб ўйлаймиз. Сўз бирикмалари синтаксиси темасини ўрганар эканмиз, структур синонимларнинг бошқарувчи феъл ўзгармагани ҳолда бошқарилувчи келишик формаларининг ўрин алмашиниб қўллана олиши ҳодисасини махсус текширмай йўқимиз йўқ. Тўпланган материалларнинг анализи шуни кўрсатдики, айниқса тушум ва жўналиш келишик формаларининг ўзаро функционал алмашиниб қўлланиш ҳодисаси бу жиҳатдан ғоят қизиқарлидир.

Аниқ нисбатдаги (даражадаги) феълларнинг айна бир вақтда икки объектни (тушум ва жўналиш келишигида келган объектни) бошқариб келиши маълум нарса, лекин бу формаларнинг (объектларнинг) ўрин алмашиниб келиши натижасида юзага келадиган ўзгаликлар, грамматик маънода содир бўладиган ўзгаришлар ҳали етарли даражада ўрганилмаган.

Маълумки, аниқ нисбатдаги кўпчилик ўтимли феъллар айнан бир гапнинг ўзида ҳам тушум, ҳам жўналиш келишиги формасидаги икки сўзни бошқариб кела олади: *китобни укамга олдим, хатни Олимга ёздим* каби. Бироқ бу тилдаги гапларда воситасиз ва воситали объект формаларининг алмашиниб қўлланиши мумкин эмас (*укамни китобга олдим,*

¹ А. Н. Кононов, Грамматика современного турецкого лит. языка, М.—Л., 1956, стр. 84 и др.; шу автор. Грамматика современного узбекского лит. языка, М.—Л., 1960, стр. 200; Ф. Г. Исхаков, Имя существительное, ИСГТЯ., II, 1956; Современный казахский язык, Алма-Ата, 1962, стр. 160; «Ҳазирки заман туркмен дили», Ашгабат, 1960, 186—228-бетлар.

² Э. В. Севортян, К истории падежной системы в тюркских языках, «Ученые записки Военного института иностранных языков», М., 1968, № 6, стр. 90—101; А. Фуломов, Узбек тилида келишиклар, СССР ФА Ўзбекистон филиали, Тошкент, 1941, 39—69-бетлар; Н. Базарбаев, Қазирги қазақ тилиндеги септиктердин синтаксистик синонимикасы жөинде, «Қаз. ФА Хабарлары», вып. 3 (16) Алматы, 1960, 71—78-бетлар; И. Зиёева, Келишик аффиксларининг функционал алмашинишига доир, «Ўзбек тили ва адабиети», 1966, 3-сон, 36-бет.

деб бўлмайди). Бунинг сабаби, биринчидан, бу феъллар семантикасида йўналиш маъноси йўқ, иккинчидан тушум келишиги формасидаги сўз (предмет) жўналиш келишиги формасидаги сўзга (предметга) таъсир этмайди, учинчидан, бажарилган ҳаракат фақат тушум формасидаги сўзга тааллуқли бўлади. Аммо аниқ нисбатдаги айрим ўтимли феъллар айни бир гапда тушум ва жўналиш келишиги формаларининг алмашилиб қўлланишини таъминлай олади. Бундай феъллар ҳаракат қилувчи предметларнинг конкрет йўналиши ва ҳаракатнинг предметларга бара-вар тааллуқлигига кўра ўзаро фарқ қилади.

Икки сўзни икки келишик формасида бошқарадиган ўтимли феъллар семантикасидаги ҳаракат бир объектга ўтган, иккинчи объектга йўналган бўлади. Рус тили учун қуйида берилган қоида бу жиҳатдан характерлидир: « Бири тушум келишиги [инкор билдирганда қаратқич (родительный) келишиги]даги тўғри объект ва иккинчиси жўналиш келишигидаги воситали объект маъносини билдирадиган икки отни талаб қилувчи ўтимли феъллар сўз бирикмаларининг алоҳида группасини ташкил қилади. Бундай сўз бирикмалари бевосита ҳаракатга келган предметлар ҳаракатини (тўғри объект) ва ҳаракат йўналган предмет (воситали объект)ни кўрсатади»³.

Бундай ҳолларда келишик формалари алмашилиши билан тўғри объект жўналиш формасидаги ҳаракат йўналтирилган объектга, жўналиш формасидаги сўз эса тўғри объектга айланади: Мисоллар: *пешонасини икки билагига қўйиб йиғлаётган Турғунойни... турғизди* (А. Қ.) гапида ҳаракатни ўз устига олган объект (*пешонасини*) билакка томон йўналган. Бу гапни *Пешонасига икки билагини қўйиб йиғлаётган...* тарзида ўзгартирилганда, ҳаракатни ўз устига олган объект (*билан*) ва ҳаракат қилувчи бўлак (*пешона*) функционал алмашган бўлади. *бошини бир боғ ҳўл бедага қўйиб уйқуга кетди* (Ойбек), ... *китобни маҳкам бағрига босди* (Л. Бать) каби гапларни ... *бошига бир боғ ҳўл бедани қўйиб уйқуга кетди...* китобига маҳкам бағрини босди. ... тарзида қўллаш мумкин. Бундай ҳолларда келишик формалари алмашилиши билан предметларнинг ўзаро тескари йўналиши маъноси англашилади ва маънода *унчалик фарқ сезилмайди*, лекин ... *икки кафтини тиззасига қўйиб зўрға-зўрға қадам ташлар* эди (А. Қ.) гапида объект бўлиб келган сўзларни (*кафтини, тиззасига*) алмаштириш мумкин, албатта лекин биз юқорида қайд қилган структур синоним ҳосил бўлмайди.

Айрим ҳолларда ҳаракат ўтган (синган) ва ҳаракат йўналган предметларнинг келишик формалари алмашилиши билан уларнинг бир-бирларига тескари йўналиши ифодаланади, шу билан бирга бошқача муносабат ҳам бошқача тушунчалар англатилиши мумкин: Масалан, *сўвга дори қўйиди* (*қўйди*)—*дорида сўв қўйиди* (*қўйди*), *сутга сўв қўйишган ва сўвга сут қўйишган* каби конструкцияларда миқдор тушунчаси ҳам очиқ билиниб турибди (*сўв кўп, дори оз, дори кўп, сўв оз*).

Мисоллар кўрсатадиги, бундай конструкцияларда жўналиш келишиги формасидаги сўз тинч турувчи, тушум келишиги формасидаги сўз эса ҳаракат қилувчи предмет бўлиб, уларнинг ўзаро қўшилиши, бирикиши маъноси ифода этилади; *мошга ловия аралаштирган, ловияга мош аралаштирган, унга кепак қўйишган, кепакка ун қўйишган* каби конструкцияларда ҳам худди шундай ҳолатни кўрамиз. Хуллас, айрим ўтимли феъллар бошқарган икки объектли формаларнинг алмашилиб қўллана олиши предметларнинг бир-бирига йўнала олиши семантикаси билан боғлиқ бўлади ва грамматик маънода ҳам ўзгариш сезилади.

Икки объектни бошқара оладиган бир гуруҳ феъллар конкрет ҳаракатни эмас, балки лозимлик-зарурлик муносабатини ифодалайди. Бун-

³ «Грамматика русского языка», II, Синтаксис, ч. I, М., 1954, стр. 130.

дай бирикмаларда предмет билан ҳаракат муносабати ифодаланади. Шунинг учун ҳам уларда ҳаракатнинг тескари йўналиши (тушум формасидаги сўзнинг жўналиш формасидаги сўзга томон ҳаракати) маъноси деярли бўлмайди. *Уни хат ёзишга буюрдим — унга хат ёзишни буюрдим* типидagi гапларда предметнинг ҳаракат орқали бошқа бир ҳаракатга муносабати мавжуд бўлиб, ҳар икки конструкция қўлланганда ҳам ҳаракат номи семантикасидаги лозимлик ҳолати билан қатъий боғлиқ бўлади, яъни гап мазмунидан ёзиш лозимлиги маъноси англашилади.

Ўтимли феълларнинг бу тури *буюрмоқ, мажбур қилмоқ, зўрламоқ, тайинламоқ, ишора қилмоқ, амр қилмоқ, таклиф қилмоқ, қасд қилмоқ* каби семантикасида лозимлик, зарурлик маъноси ўқилган сўзлар бўлиб, предмет билан ҳаракат номини (иш отини) қатъий бошқаради. Масалан, *Отам ов отини эгарлашни буюрди* (Л. Толстой) — *отам ов отини эгарлашга буюрди; Эрлари бу сирни ҳозирча оғиздан чиқармасликка буюришган* (Ойбек) — *...оғиздан чиқармасликни буюришган* ва бошқалар.

Бундай конструкцияларда ўтимли феълдан англашилган ҳаракат ҳам предметга, ҳам иш отига (ҳаракат номига) тааллуқли бўлганлигидан объектлардаги келишик формаларининг алмашилиши грамматик маънога жиддий таъсир кўрсатмайди. Предмет ва ҳаракат муносабатини кўрсатувчи объектларнинг бир-бирига алоқадорлиги семантик хусусият бўлиб, ҳаракат предмет томонидан бажарилиши зарурлиги ўқдирилади.

Бу типдаги феъллар семантикасида ҳаракатнинг ўтиш ва йўналиш маъноси қатъий бўлганлиги сабабли, гап конструкциясида ифода мақсадига кўра объектларнинг бири туширилиши мумкин, унда мазмунан англашилади⁴.

Айрим ўтимли феъллардаги икки хил объектни бошқара олиш хусусияти феъл семантикасидагина эмас, объект бўлиб келувчи предметларнинг ўзаро муносабатига ҳам боғлиқ. Шунинг учун ҳам бир ўринда тескари йўналиш маъносини берган феъл иккинчи ўринда бу хусусиятга эга бўла олмайди: *қуймоқ* феъли — *дориға сув — сувға дори қуймоқ* тарзида қўлланади, ammo *ишиша сув қуймоқ — сувға ишиша қуймоқ* деб бўлмайди. *Менга пахта юклашни буюрди* деганда буйруқ менга қаратилган. Бу мисолда ҳаракат предметга йўналгани сабабли, предмет жўналиш келишигида, ҳаракат номи эса тушум формасида қўлланмоғи лозим эди. Бироқ ҳаракатнинг тўғри объекти шахс — предмет, йўналиш объекти ҳаракат (иш оти) бўлиб қолиши мумкинлигидан тескари ҳолат *Мени пахта юклашга буюрди* — юз беради. Бундай конструкцияларда ҳаракат ҳар иккала объектга ҳам тааллуқли бўлиб, ҳукм йўналтирилган объект жўналиш келишиги формасида қўлланади. Шунга кўра, тушум ва жўналиш келишиги формантларни ўзаро алмашинган ҳолда синоним сифатида қўлланиши мумкин. Бундай типдаги синонимлар бошқа тур синонимлардан ва синтактик параллел конструкциялардан жиддий фарқланади, шунинг учун биз уларни шартли равишда структур синонимлар деб юритдик. Бу типдаги синонимларни нутқда қўллаш, услуб талабига кўра, муайян нутқ моментига қайси бири ўринли эканига боғлиқ. «Синонимларни ажрата билиш, улардан энг ўринлисини ва аниғини танлай олиш муҳим стилистик маҳоратдир»⁵. «Синонимларни танлаш сўзларда мавжуд бўлган оттенкалар ҳақида ўйлашга ва автор олдида турган мақсадни ифодалаш учун улардан энг мувофиғи устида бош қотирлишга мажбур этати»⁶.

⁴ Л. Я. Медведева, Падежное управление побудительного залога в современном уйгурском языке, Сб. «Тюркологические исследования», М.—Л., 1963, стр. 120.

⁵ А. Н. Гвоздев, Очерки по стилистике русского яз., М., 1965, 46-бет.

⁶ Ўша асар, 51-бет.

Предметлар орасидаги турли-туман муносабатларни объектив суратда ифодалаш зарурияти структур синонимлардан ўринли ва мувофиқини танлаб ишлатишни тақозо қилади. Исталган вақтда кўрсатилган формалардан бири ўрнига иккинчисини ишлатавериш ҳамма вақт ҳам мумкин бўлавермайди. Масалан, *сув қуйиш лозимлигини Собирга айтган* ҳолда сўзловчининг *Сув қуйишга Собирни айтдим* дейиши нотўғридир, чунки айтиш (буюриш) ҳаракатга эмас, шахсга йўналган. Структур ўзгариш билан боғлиқ бўлган конструкцияларда ҳаракат номи (иш оти) эгаллик аффиксини олмаган бўлиши шарт. Ҳаракат номи эгаллик аффикси олганда, у фақат тушум келишиги формасида, предмет эса жўналиш ёки қаратқич келишиги формасида бўлади. Бундай ҳолларда конструкция структур синоним хусусиятини йўқотади. Масалан, *Менга нарироқ бориб туришимни ишора қилди* деган гапда *менга* ва *бориб туришимни* бўлакларидagi келишик формаларини алмаштириб қўллаш мумкин эмас, чунки бу гапда ҳаракатни ўз устига олган объект *туришим* бўлиб, *менга* сўзи *бориб туришим* дан англашилган ҳаракатнинг конкрет логик субъектидир. Бу гапни *Менинг нарироқ бориб туришимга ишора қилди* каби формада қўллаш мумкин. Бундай қўлланишда ҳаракатнинг кимга йўналтирилгани эмас, шахснинг нима қилиш лозимлиги биринчи планда туради. *Менга* формасида эса *бошқага эмас* маъноси бўлади. Шунинг учун ҳам *менга* ва *менинг* формаларини ўз ўрнида қўллаш стилистик ифода жиҳатидан муҳимдир. «*Менинг нарироқ бориб туришимни (туришимга) ишора қилди*» гапида феъл бир сўзнинг ўзини ҳам тушум, ҳам жўналиш келишиги формасида бошқарган.

Гапда иш сўзи қўлланган, предмет билан предмет муносабати ифодалангандай бўлади, чунки бу сўз одатда от туркумидаги лексема деб қаралади. Лекин иш сўзи грамматик жиҳатдан тўла маънодаги от бўлмай, балки отларнинг номидир, яъни барча жузъийларнинг умумлашган номидир. Бу маънода иш сўзи ҳаракат номидир, шунинг учун у жўналиш формасида келганда, тушум келишиги формаси билан ёки, аксинча, алмаштириб қўллаш мумкин: *ўқиган қизларга иш буюриб бўлмайдими?* (Уйғун) — *ўқиган қизларни ишга буюриб бўлмайдими?* каби.

Хуллас, лозимлик, зарурлик муносабатини ифодаловчи ўтимли феъллар ҳам тушум, ҳам жўналиш келишиклари формасидаги икки объектнинг бўлишини тақозо қилади. Ҳаракат ҳар икки объектга тааллуқли бўлганидан, уларни синоним сифатида қўллаш мумкин. Бунда ҳаракат қайси объектга йўналтирилгани биринчи планда турса, шу сўз жўналиш формасида қўлланади.

Ўтимлилашган феълларнинг икки объектни (тушум ва жўналиш) якки келишик формасида бошқара олиши, айрим аниқ нисбатдаги ўтимли феълларда бўлгани каби, тинч турувчи ва ҳаракат қилаётган предметларнинг ўзаро муносабатида, бирига иккинчисининг йўналиши таъсир этишига боғлиқ. Ҳар қандай ўтимлилашган феъл ҳам бу хусусиятга эга бўлавермайди.

Аниқ нисбат формасидаги айрим ўтимли феъллар икки объектни келишик формалари алмашган ҳолда бошқарганда, шу объектларнинг тескари таъсир муносабати конкрет бўлади, шунинг учун уларни синоним сифатида қўллаш мумкин эмас.

Баъзи ўтимлилашган феъллар (орттирма нисбат) икки объектни бошқарганда предметларнинг тескари таъсир муносабати жуда ҳам кучсизланиб қолади. Масалан, *Унсин. . . қумғонга сув тўлдириб жўнади* (А. Қ.); *ё раиснинг қўйини пуч ёнғоққа тўлдириб жўнатдингми?* (А. Қ.).

Келтирилган мисолларда *қумғонга, ёнғоққа* сўзларини тушум формасида, *сув, қўйини* сўзларини жўналиш келишиги формасида қўллаш мумкин.

Кўринадики, аниқ нисбатдаги ўтимли феъллар бошқарган объектларнинг ўзаро тескари таъсирига ўхшаш ҳодиса (аналогия) буларда ҳам сақланган.

Аниқ нисбатдаги ўтимли феъллар икки объектни бошқарганда, келишиқ аффиксларининг алмашиниши объектив воқеликнинг тилда аниқ ифода этишининг муҳим омилidir. Бунда икки хил воқелик акс этирилади: *нокка нашвати уламоқ — нашватига нок уламоқ*.

Лекин ўтимлилашган айрим феълларнинг икки объектни алмашган ҳолда бошқариши билан турли воқеликнинг тескари таъсири (предметларнинг тескари йўналиши эмас) ва айни бир воқеликнинг тескари таъсири муносабати ифодаланади: *Қоратой оч қоринни бемаза мошхўрдага тўлдириб... ўтирарди* (Ойбек). *Савдогар бир қутини олтинга тўлғизиб берибди* («Маликаи Ҳуснобод») каби.

Келтирилган мисолларимизда *тўлдирмақ* феълнинг *қорин, мошхўрда, қути* сўзларига муносабатини таҳлил қилиб кўрайлик, биринчи гапни — *қоринга мошхўрдани тўлдириб*, деб қўллаш ҳам мумкин. Зотан, *қорин* хўрдага томон эмас, аксинча, *мошхўрда* *қоринга* томон ҳаракат қилиши керак, аслида *қоринга мошхўрдани* — шаклида қўлланмоғи лозим эди, чунки *қорин* ҳеч қачон *мошхўрдага* тўлдирилмайди. Лекин шунга қарамай, *қоринни... мошхўрдага* формаси қўлланган. Бундай ҳолатда *тўлдирмақ* ҳаракатини қайси объект ўз устига олганлигига, шу объектга эътибор берилганлигига боғлиқ бўлади. Бундан ташқари, предметнинг предметга тескари йўналиши муносабатини кўрсатувчи конструкцияларда аналогия қонунининг таъсири мавжудлиги очиқ сезилиб турибди: *қоринни овқатга тўйдирмоқ* дейиш мумкин, лекин *овқатни қоринга тўйдирмоқ* тарзида қўллаш мумкин эмас, *тўлдирмақ* феъли эса икки хил конструкцияда ҳам бошқарувчи вазифасини адо этаверади. Аналогия кучини шундан билса ҳам бўладикки, *қутини олтинга тўлдирмақни қутини олтин билан тўлдирмақ* тарзида айтиш мумкин, лекин *олтинни қути билан, овқатни қорин билан тўлдирмақ* мумкин эмас (биринчи мисолда жўналиш келишиги формаси кўмакчилик конструкция билан алмашган).

Олтинни қутига тўлдирмақ бирикмасида олтиннинг қутига томон ҳаракати ифода этилган, лекин *қутини олтинга тўлдирмақ* формасида ҳам қутининг олтинга томон ҳаракати маъносини мавжуд; *қорин* ҳеч қачон *овқатга* томон ҳаракат қилмаганидек (*овқатнинг ичига*), аслида *қути* ҳам олтиннинг ичи томонга ҳаракат қилмайди, лекин икки хил грамматик ҳолатда ҳам аслида ҳаракатни ўз устига олган предмет (тўғри объект) бошқа бир предмет томон йўналганлиги, йўналтирилганлиги маъносини уқилаверади.

Биринчи гапда (*қоринни овқатга — овқатни қоринга... тўйдирди*) тескари ҳаракат йўқ, конструкция эса аналогия йўли билан юзага келган, иккинчи гапда эса (*қумғонни сувга тўлдириди — сувни қумғонга тўлдириди*) бундай ҳаракат очиқ сезилиб турибди, учинчи типга тааллуқли конструкцияларда эса нисбий бўлса ҳам, предмет (объект)ларнинг тескари ҳаракати мавжуд (*қути олтин томонга ҳаракат қилиши мумкин*), лекин мантиқан *қути олтинга* (*олтиннинг ичига*) ҳаракат қилмоғи мумкин эмас. Кўринадики, бунда ҳам грамматик аналогиянинг кучи бор.

Бундай конструкциялар сўз бирикмалари синтаксисининг структур синонимлар гуруҳига оид бўлиб, келишиқ формаларининг функционал алмашиниши системаси билан маҳкам боғлиқдирки, уни синчиклаб ўрганиш мутахассислар олдида қўйилган муҳим вазифадир.

Х. Ғ. НЕЪМАТОВ

ФЕЪЛ НИСБАТЛАРИНИНГ МУНОСАБАТИ ҲАҚИДА¹

(М. Кошғарийнинг «Девони луғатит турк» асари асосида)

Мажҳул нисбат. «Девон»да = (-)л—, — (-)н—, баъзан — л/н — қўшимчалари билан ясалади. — (-)л/н — аффикси «Девон»да мажҳулик, медиаллик ва шахсизлик каби уч маънога эга:

1. — (-)л/н — аффиксли феъл мажҳул маънода гапнинг кесими бўлиб келганда, эганинг актив эмаслигини кўрсатади. Аниқ нисбат формасидаги феълнинг воситасиз тўлдирувчиси мажҳул феълнинг эгасига айланади. Аниқ нисбат феълнинг субъекти эса мажҳул феълда ноаниқ, кўрсатилмаган сифатида характерланади ва «Девон» тилида ҳаминша яширингандир (яъни бу субъект бор, лекин гапда ифодаланмаган): тавар *сатилди* — „*мол* (кимнингдир томонидан) *сотилди*“ (II, 137), *бутік жарілді* — *бутоқ* (кимнингдир томонидан) *синдирилди* (III, 86).

Мисоллардан кўриниб турибдики, — (-)л/н-аффиксининг мажҳул маъносида нисбат маъносининг зикр этилган ҳар иккала хусусияти мавжуддир, шунинг учун — (-)л/н-аффиксининг мажҳул маъноси нисбат маънолари турига киради ва бу маъно билан — (-)л/н-аффикси мажҳул нисбат формасини ясайди.

2. Воситасиз тўлдирувчининг формаси, сифати ва белгисини ўзгартирувчи ҳаракатларни ифодаловчи ўтимли феълларга (*эғмоқ*, *ёрмоқ*, *бўямоқ*, *очмоқ* в. ҳ. кабилар) — (-)л/н — аффикси қўшилганда, улар бир вақтда мажҳул ва медиал маъноларни олади: *бутік жарілді* — *бутоқ* (кимнингдир томонидан) *синдирилди* (III, 86) ва *қап жарілді* — *қап ёрилди* (III, 86).

— (-) л/н — аффиксидаги мажҳул ва медиал маънолар орасидаги фарқни аниқлаш учун *јэр түзүлді* — *ер* (кимнингдир томонидан) *текисланди* (II, 145) ва *иш түзүлді* — *иш ўнгланди* (II, 145) гапларининг хусусиятини, фарқли томонларини кўриб ўтамыз.

јэр түзүлді гапида *түз* — феълнинг воситасиз тўлдирувчиси ва унинг субъекти мавжуддир. Лекин бу тўлдирувчи (объект) *түзүл* — феълнинг эгасига айлантирилган. *Түз* — феълнинг субъекти эса *түзүл* — феълда бор, лекин ноаниқ ва яширингандир. *јэр түзүлді* гапини *олјэріг түзді* — *у ерни текислади* (II, 16) гапига айлантириш мумкин, чунки ҳар иккала гапда *түз* — феълнинг объекти ва субъекти бордир. Демак, *түз* ва *түзүл* — феъллари бу ерда ўзак ҳамда объект ва субъектларнинг бирлиги билан узаро боғланган. Бунда кўрилган *түзүл* — феълда — (-) л — аффикси мажҳул маънога эга.

иш түзүлді — *иш ўнгланди* гапида *түз* — ҳаракатини бажарувчи субъект йўқдир ва бўлиши ҳам мумкин эмас, *ишни ҳеч ким ўнглаган эмас*, *алки иш ўз-ўзидан ўнгланди*. Яна қиёсланг: *қап жарілді* —

¹ С. Н. Иванов, Родословное древо тюрок Абул-Гази-Хана, Ташкент, 1969, стр. 134.

ҳеч ким қопни ёрган эмас, у ўз-ўзидан ёрилди. Бунда кўриб ўтилган тўзўл — феълида — (-) л — медиал маънога эга (ҳаракат актив шахснинг иштирокисиз эганинг ичида ўз-ўзидан содир бўлади). Медиал маънодаги тўзўл — феъли билан тўз феъли ўзаро ўзак бирлиги билан боғланган, холос. Булар ўзакдош сўзлардир, аммо сўз формалари эмас (*иш—ишчи—ишла* — сўзлари каби). Медиал маъноли феъллар нисбат формаларидан четга чиққан, лексиклашган феъллардир.

3. — (-) л — аффиксининг шахссизлик маъносида ҳам нисбат маъноси йўқ, чунки бу хил феъллар, биринчидан, ўтимсиз феъллардан ясалади, иккинчидан, уларнинг умуман эгаси йўқдир ва бўлиши ҳам мумкин эмас: *олиймдин қачилди* — *ўлимдан қочдилар* (II, 153), *жэргай бақилди* — *ерга боқдилар* (II, 150). *қачилди* типидagi феълларда — (-) л — аффиксининг маъноси нисбат категорияси билан эмас, шахс/сон категорияси билан алоқадордир².

Хулоса қилиб айтганда, — (-) л(н) аффиксининг уч маъносидан фақат мажхуллик нисбат маънолари турига киради, холос.

Орттирма нисбат — (-) т, — тур —, — (-) р —, — гур —, — (-) з — қўшимчалари ва уларнинг фонетик вариантлари билан ясалади. Бу қўшимчалар ўтимсиз феъллардан ўтимли-орттирма ва ўтимли феъллардан кузатув орттирма (икки марта ўтимли) феъллар ясайди³. Феълга орттирма нисбат қўшимчалари қўшилганда, у битта янги тўлдирувчи билан бириктириш қобилиятига эга бўлади. Ўтимли-орттирма феълларда бу тўлдирувчи тушум келишигида, кузатув-орттирма феълларда эса жўналиш келишигида туради. Орттирма феълларнинг бу янги тўлдирувчиси билан аниқ нисбат феъли аниқланган ҳаракатнинг субъекти ифодаланadi ва бу субъект орттирма феълнинг эгаси томонидан ҳаракатни бажариш, ҳолатни ўзгартиришга рағбатлантирилади, мажбур этилади⁴: ол аңар іш кїлдурдї — уни ишлатди. (II, 223), ол аңар бал жалгаттї — у унга асал ялашга (имкон) рухсат берди (II, 409), ол анї јїглаттї — у уни јїглатди (II, 410), ол мэнї эвга бартурдї — у мени уйга боришга мажбур этди (II, 19).

Ўтимли-орттирма феъллар баъзан ўзакдан англашилган ҳаракатнинг субъектини ифодаловчи тўлдирувчилар билан чекланиб қолмай, субъектни кўрсатмайдиган тўлдирувчилар билан ҳам бирикаверади. Бу ҳодиса, айниқса, актив ҳаракатларни билдирувчи ўтимсиз феъллардан (келмоқ, кетмоқ, юрмоқ) ясалган ўтимли-орттирма феълларда кўп учрайди: јэм кэйдурї — овқат (егулик) кетир (III, 158), ол ташїғ јолдан кэтәрдї — у тошни йўлдан кетказди (олиб ташлади) (III, 204).

ол анї јїглатт ва ол ташїғ золдан кэтәрдї гаплари орасидаги асосий фарқ шундаки, биринчи гапдаги воситасиз тўлдирувчи (анл) орқали јїгла — феълнинг субъекти ифодаланadi, иккинчи гапдаги ташїғ эса кэт — кетмоқ феълнинг субъекти бўлолмайди. Ўзининг воситасиз тўлдирувчиси билан ҳаракатнинг бажарувчисини ифодаламайдиган ўтимли—орттирма феъллар нисбат формалари системасидан тушиб, лексиклашади.

Хулоса қилиб айтганда, феълларга орттирма нисбат қўшимчалари қўшилганда, уларда қуйидаги ўзгаришлар юз беради: а) феъл янги бир тўлдирувчи билан бирика олади; б) бу тўлдирувчи билан аниқ нисбат феълнинг субъекти ифодаланadi; в) бу субъект ҳаракатни орттирма феълнинг эгаси таъсири остида бажаради.

² А. Ф. Гуломов, Феъл, Тошкент, 1954, 39, 58-бетлар; М. Муждабаев, Безличнострадабельные конструкции в совр. узбекском языке, АКД, Ташкент, 1969.

³ А. Ф. Гуломов, Ўша асар, 63—64-бетлар; А. Н. Кононов, Грамматика современного турецкого литературного языка, М. — Л., 1956, стр. 399.

⁴ С. Н. Иванов, Ўша асар, 134-бет.

Аниқ нисбат ҳеч қандай формал кўрсаткичларга эга эмас. Аниқ нисбат формасидаги феълларда ҳаракатнинг субъект ва объектга муносабати формал кўрсаткичлар билан эмас, феълнинг луғавий маъноси билан белгиланади. Шу хусусияти билан аниқ нисбат барча қолган нисбатларга қарама-қарши туради, чунки қолган нисбатларда ҳаракатнинг субъект ва объект алоқалари махсус кўрсаткичлар воситасида кўрсатилади. Биргалик, ўзлик, орттирма, мажҳул нисбат маъноларига эга бўлмаган феълларнинг барчаси аниқ нисбат феълларига кириди⁶.

«Девон»даги феъл нисбатлари ва нисбат формалари ўзаро маълум муносабатларга эга:

1. Ҳзлик, биргалик, мажҳул ва орттирма нисбатларда ҳаракатнинг субъект-объект алоқалари махсус қўшимчалар билан, яъни грамматик воситалар билан ифодаланса, аниқ нисбатда бу алоқалар феълнинг луғавий маъноси, яъни лексик воситалар билан ифодаланadi. Ҳтимли — орттирма ва медиал — мажҳул феълларида юқорида кўрилган лексик ва грамматик маъноларининг қарама-қаршилиги, бу феълларнинг маълум группасини лексиклашиши аниқ ва қолган нисбатлар орасидаги грамматик ва лексик қарама-қаршилиқнинг инъикосидир. Аниқ ва қолган нисбатларнинг лексиклашган формалари аниқ нисбат феълларига эга бўлмаган, оппозициянинг бўш, кучсиз аъзосидир. Шунинг учун қолган нисбатларнинг лексиклашган формалари аниқ нисбат феълларига ўтади. Аниқ нисбатнинг ўзи эса маъно жиҳатдан жуда хилма-хилдир⁶.

2. Биргалик ва ўзлик феълларида аниқ нисбат феълнинг субъекти ва унинг объект (тўлдирувчи)ларидан биттаси бир-бири билан бириккан, бир-бирига сингган ҳолда бир гап бўлаги бўлиб келади. Шу хусусияти билан ўзлик ва биргалик нисбатлар орттирма ва мажҳул нисбатга қарама-қарши туради, чунки орттирма ва мажҳул нисбатларга аниқ нисбат феъл субъектининг унинг объекти билан қўшилиши кўрсатилмаган, ифодаланмагандир.

3. Ҳзлик феълнинг эгасида ҳамиша аниқ нисбат феълнинг субъекти шу феълнинг битта объекти қўшилган ҳолда келади. Ҳзлик феълнинг эгаси ҳамиша ҳаракатни бажарувчи ва айни замонда шу ҳаракатнинг логик объекти бўлиб келади, яъни ўзлик феълда эганиннг объектлик белгиси кўрсатилгандир, эганиннг субъект ва айни замонда объект маъноларига эга бўлиш шартидир.

Биргалик феълларида эганиннг ҳамма вақт ҳам ҳаракатнинг логик объекти бўлиши шарт эмас. Биргалик феълларда эга ҳаракатни бажарувчилардан биттаси бўлиш билан бирга унинг логик объекти бўлиши ҳам (биргалик маъносида), бўлмаслиги ҳам мумкин (ёрдам маъносида). Демак, биргалик феълда эганиннг объектлиги ифодаланмаган, шарт бўлмаган белгидир.

4. Мажҳул феълнинг эгаси ҳамиша пассивдир ва ҳеч қачон актив бўлмайди. Орттирма феълларда эса эганиннг актив, пассивлиги кўрсатилмаган. Шунинг учун орттирма феълларда эга ҳаракатни бажаришга бировни мажбур этувчи (актив) ҳам, ҳаракатни ўз устида бажаришга йўл қўювчи (пассив) ҳам бўла олади⁷.

Хулоса: «Девон»да феъл нисбатлари бирор белгининг бор-йўқлиги, ифодаланган-ифодаланмаганлигига кўра приватив жуфт (бинар) оппозицияларни ташкил этади. Маълум белгига эга бўлмаган оппозициянинг кучсиз, бўш аъзоларининг маънолари шу белгига эга бўлган оппозициянинг белгиланган, кучли аъзоларининг маъносига кўра кенгдир⁸.

⁶ А. А. Юлдашев, Система словообразования и словоизменения в башкирском языке, М., 1958, стр. 103—104.

⁷ Н. К. Дмитриев, Грамматика башкирского языка, М.—Л., 1949, стр. 180.

⁸ А. Н. Кононов, Ҳша асар, 393-бет; А. Ф. Гуломов, Ҳша асар, 63—64-бетлар.

⁹ А. В. Исаченко, Грамматический строй русского языка в сопоставлении с словацким, Морфология, часть II. Глагол, Братислава, 1960, стр. 356; Ю. С. Степанов, Основы языкознания, М., 1966, стр. 25—26.

М. ЖҲРАБОЕВА

ЎЗБЕК ТИЛИДА АФФИКСАЛ ОМОНИМИЯ

Ҳозиргача ўзбек тилида ва умуман туркий тилларда аффиксал омонимия махсус текшириш объекти бўлган эмас. Эргаш морфемаларга хос бўлган бу ҳодисани чегаралашнинг умумий принциплари, асосий критерийлари белгиланмаган, уларнинг специфик хусусиятлари аниқланмаган.

Аффикслардаги омонимликни белгилашда, аввало, ўзбек тилининг синхроник ва диахроник ҳолатларини қориштирмаслик керак. Ҳозирги замон ўзбек тилида аффиксал омонимлар тилнинг синхроник ҳолати асосида белгиланиши лозим, чунки диахроник планда барча аффиксал морфемаларнинг ҳар жиҳатдан ўзгариши табиий. У ёки бу даврда ўзаро омоним бўлган аффикслар тилнинг ҳозирги ҳолатида омоним бўлмай қолиши ёки бунинг акси ҳам бўлиши мумкин. Ўз навбатида бу критерий аффиксал омонимларни белгилашнинг бош принципи ҳисобланади. Шу асосда ўзбек тилидаги омоним аффиксларга хос бўлган қуйидаги белги-хусусиятларни кўрсатиш мумкин:

1. Ўзбек тилида ўзаро омонимлик ҳосил қилаётган ҳар бир аффикс бир-бири билан ҳам талаффуз, ҳам ёзилиш жиҳатидан бир хил бўлиши керак. Агар омонимик группага кирувчи аффикслар бир-бирдан ё ай-тилиш, ё ёзилиш жиҳатдан фарқланса, аффиксал омонимлар ичида ҳам, худди лексик омонимлардаги сингари, омографик ва омофоник ҳолатларни ажратишга тўғри келади. Бундай ҳолат одатда эргаш морфемаларнинг жарангли ва жарангсиз фонетик вариантлари, айрим аффиксларнинг маълум позициядаги талаффузи, шунингдек, морфологик кўрсаткичларнинг урғуда фарқланиши натижасида келиб чиқади. Масалан, форма ясовчи **-гин I** кўрсаткич (**айт-гин**) билан сўз ясовчи **-гин II I/-кин II** аффикслари (**кес + кин**) ҳамда **тонг + и** сўзидаги III шахс эгалик кўрсаткичи — **и I** билан **тонг + ги** сўзидаги сифат ясовчи **-ги I** қўшимчалари ўзаро омофон элементларидир: улар бир хил талаффуз қилиниб, ҳар хил ёзилади. Аммо **ғам + гин**, **эз + гин** формаларидаги **-гин II** билан **кир + гин**, **бор + гин** формаларидаги **-гин I** ўзаро омоним элементлар саналади, чунки улар ҳам ёзлиш, ҳам талаффуз жиҳатдан тенг бўлган, ҳар хил маъно ифодаловчи кўрсаткичлардир. От ясовчи **-ма I** (**бош-қар + ма**), **-инди I** (**чиқ + инди**), сифат ясовчи **-гин II** (**ғам + гин**) кўрсаткичлари билан форма ясовчи **-ма II** (февъллардаги инкор кўрсаткичи: **бор + ма**), **-инди II** (февълларнинг ўтган замон, III шахс ўзлик, мажҳул нисбати формаси: **кий — ин + ди**, **ол — ин + ди**), **гин I** (буйруқ майли кўрсаткичи; **айт + гин**) аффикслари эса ўзаро омограф кўрсаткичлардир: улар урғуга кўра, жарангли, жарангсизликка кўра ҳар хил талаффуз қилинса ҳам, бир хил ёзилади. Бироқ от

ясовчи **-ма I** ва сифат ясовчи **-ма II** (*қайнат + ма*) формантлари бир-бирига нисбатан омоним элементлар саналади.

2. Ҳар бир омоним аффикс ўзи бирикаётган ўзак — негизга қўшадиган маъноси жиҳатдан фарқли бўлади. Албатта, бу маънолар бир-бири билан туташмаслиги керак. Агар шаклан бир хил бўлган аффикслар ифодалаётган маънолар қандайдир умумий бир маъно доирасида ўзаро боғланса, аффиксал полисемия ҳақида гапириш керак бўлади. Чунончи, ҳозирги замон ўзбек тилидаги **-ли** кўрсаткичи полисемантик аффикслардандир, чунки бу сўз ясовчи сифат ясовчи аффикснинг эгалик, ўрин-жойга муносабат, мўллик, яроқлилик каби маънолари бир умумий маъно — эгалик маъноси билан боғланади. Шунингдек, форма ясовчи **-лар** аффиксининг кўplik тушунчаси доирасидаги жамлик, умумийлик, ҳурмат, тахмин, кесатиқ, кучайтирув каби маъноларини ҳам шу кўрсаткичининг полисемантик хусусияти сифатида изоҳлаш мумкин.

Бундай ҳолатларда, аввало, морфологик ва синтактик ҳодисаларни (у ёки бу кўрсаткич билан улар ёрдамида ясалган сўзнинг — кенг маънода — синтактик функцияси кабиларни), иккинчидан, умуман грамматик омонимия билан аффиксал омонимияни фарқлаш керак. Акс ҳолда бу айрим кўрсаткичларнинг омонимик ҳолатларини нотўғри белгилаш ёки омонимлик хусусиятига эга бўлмаган морфологик кўрсаткичларни омоним аффикслар сифатида талқин қилишга олиб келиши мумкин. Чунончи, айрим ишларда¹ *ўқиган бола*, *бола* — *ўқиган* конструкциялардаги **-ган** элементига омоним аффикс сифатида қаралади. Бинобарин, **-ган** сифатдош кўрсаткичининг омонимик характери унинг турли синтактик функцияни бажаришига сабаб бўлади, деб кўрсатилади. Бироқ бу аффиксал омонимларни белгилаш принципларига зид келади, чунки бу мисолларда шаклан тенг 2 хил аффикс эмас, балки 2 хил функцияни бажарувчи битта морфологик кўрсаткич бор; **-ган** кўрсаткичининг икки хил функцияни бажариши шу элементни олиб келган сўзнинг ҳар хил позицияда келганлиги билан боғлиқ. Шундай экан, бу ўринда **-ган** кўрсаткичи орқали ясалган сўзнинг контекстда юзага келган 2 хил синтактик функцияси, ҳамда **-ган** элементининг синтактик кўп функциялиги ҳақида гапириш кўп жиҳатдан тўғрига ўхшайди. Бу аффиксал омонимия, аффиксал полисемия, аффиксал кўп функциялилик ҳодисаларини ҳам чегаралаш лозимлигини кўсатади.

3. Бажараётган функциясига кўра бир группа доирасига кирувчи аффикслар ҳам ўзаро омонимик ҳолатни юзага келтириши мумкин².

Ҳозирги замон ўзбек тилида функция жиҳатдан бир хил бўлган аффиксларда омонимлик ҳолати: 1) иккита сўз ясовчи аффикс ўртасида [**-чи I** — шахс оти ясовчи (*ўқув + чи*, *иш + чи*), **-чи II** — нарса-предмет маъносидаги от ясовчи (*том + чи*, *суял + чи*); **-бон I** — шахс оти ясовчи (*боғ + бон*), **-бон II** — предмет оти ясовчи (*соя + бон*); 2) иккита форма ясовчи аффикс ўртасида [**(и) ш I** — сифат туркумидаги даража кўрсаткичи (*оқ + иш*), **-(и) ш II** — феъллардаги даража кўрсаткичи (*бор + иш + ди*): уларнинг биринчиси белгининг кучсизлиги маъносини ифодаласа, иккинчиси эса, ҳаракат процессидаги биргаликни кўрсатади.]; 3) иккита сўз ўзгартувчи аффикс ўртасида [**-м I** — феълларда биринчи шахс, бирлик сонни кўрсатувчи тусловчи қўшимча (*ёзди + м*), **-м II** — отларда биринчи шахс, бирлик сонни кўрсатувчи турловчи қўшимча

¹ В. Алиев, Озарбайжон ва ўзбек тилларида сифатдош, Қараи: «Ўзбек тили ва адабиёти», 3-сон, 1964 йил, 55-бет.

² «Функция» деганда биз ўзбек тилидаги аффиксларнинг маъно ва функция жиҳатидан бўлишини (сўз ясовчилар, форма ясовчилар, сўз ўзгартувчилар) назарда тутамиз.

(ручка + м): уларнинг биринчиси ҳаракатнинг шахсга муносабатини ифодаласа, иккинчиси предметнинг шахсга муносабатини — қарашлилигини билдиради) бўлиши мумкин. Шу билан бирга, бажарган вазифасига кўра ҳар хил гурӯҳга кирувчи аффикслар ҳам ўзаро омоним бўла олади. **Омонимлик:** 1) сўз ясовчи ва форма ясовчи аффикс ўртасида [-**лоқ** I—жой номини билдирувчи от ясовчи (*ўт+лоқ, тош+лоқ*), -**лоқ** II отларнинг кичрайтиш — еркалаш маъносидаги «субъектив баҳо» формасини ифодаловчи (*бўта+лоқ, той+лоқ*)]; 2) сўз ясовчи ва сўз ўзгартувчи аффикс ўртасида [-**и** I — шахснинг хусусиятини кўрсатувчи сифат ясовчи (*бузуқ+и*) -**и** II—эгаллик қўшимчаларининг III шахс бирликдаги кўрсаткичи (*китоб+и*)]; 3) форма ясовчи ва сўз ўзгартувчи аффикс ўртасида [-**ка** I — отлардаги кичрайтиш аффикси *йўл+ка/йўл+ак*], **ка** II — жўналиш келишиги қўшимчасининг фонетик варианты (*терақ+ка*)] бўла олади.

Юқоридагилардан омонимик қаторда фақат иккала кўрсаткич иштирок этар экан деган фикр келиб чиқмаслиги керак: омонимлик шаклий тенгликка эга бўлган, маъно жиҳатдан фарқланувчи икки ва ундан ортиқ аффиксал морфемалар ўртасида ҳам бўлиши мумкин. Масалан, -**ма** I нарса-предмет маъносини ифодаловчи от ясовчи (*суз+ма, туг+ма*); -**ма** II — ўрин-жой маъносидаги от ясовчи (*бостир+ма, пистир+ма*); -**ма** III — ҳаракат натижасидаги белгини кўрсатувчи сифат ясовчи (*ағдар+ма, қайнат+ма*); -**ма** IV — инкор маъносидаги феъл формасини ифодаловчи (бор+ма); -**ма** у³ — сўзларни ўзаро боғлашга хизмат қилувчи сўз ўзгартувчи (*кўча+ма-кўча, бет+ма-бет*).

Бироқ шуни айтиш керакки, баъзи морфологик кўрсаткичларнинг омонимлиги шу формадаги бир неча аффиксал морфема иштирок этаётган омонимик қаторга нисбатан кўпичча нисбий характерга эга бўлади. Бошқача айтганда, у ёки бу кўрсаткич билан омоним бўлган баъзи элементлар шу омонимик гурӯҳда худди шу формадаги бошқа формант билан маъно ва грамматик жиҳатдан умумийликка эга бўлиши — омонимик ҳолатни юзага келтира олмаслиги мумкин. Масалан: -**ди** I (ўтган замон кўрсаткичи: *ўз+ди*) билан -**ди** II (ўтган замон формасидаги тўлиқсиз редукцияга учраган ҳолати: *борган+ди*) элементларини маъно жиҳатдан ўхшаш (ҳатто тенг) бўлганлиги учун, гарчи улар шу шаклдаги омонимик қаторда мустақил формалар сифатида иштирок этса-да, уларни ўзаро омоним дейиш мумкин эмас. Ҳолбуки, бу кўрсаткичларнинг ҳар иккиси умуман ўзбек тили фактлари нуқтаи назаридан -**ди** III (тушум ва қараткич келишкларининг диалектал варианты) элементи билан омонимлик ҳосил қила олади. Шунга кўра, бундай хусусиятга эга бўлган кўрсаткичларни конкрет омонимик қаторга нисбатан нисбий аффиксал омонимлар дейиш мумкин.

4. Аффиксал омонимия бир сўз туркуми доирасидаги аффикслар ўртасида ҳам, ҳар хил сўз туркумини ясовчи аффикслар ўртасида ҳам бўлиши мумкин. Жумладан, ўзбек тилида ўқувчи шахс маъносини ифодаловчи от ясовчи (*газет+хон*) — **хон** I, отлардаги «субъектив баҳо» кўрсаткичи (*Салима+хон*) **хон** II, шарт майли аффикси (бор+са) **са** I, отлардан феъл ясовчи (*сув+са*) -**са** II кўрсаткичларини бир сўз туркуми доирасидаги аффиксал омонимларга мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

³ Аслида энг сўнгги -**ма** аффиксини тожикча «ба» элементи билан боғлайдилар. Аммо ҳозирги замон ўзбек тилида у икки сўзни ўзаро боғлашга хизмат қилади. Ўзбек тилида шу қўшимча ўрнида бошқа воситалар, хусусан, келишк қўшимчаларини қўллаш мумкин бўлганлиги учун биз шу ўрнида унга сўз ўзгартувчи сифатида қарадик. Бу ҳақда қаранг: А. Ҳо жи ев, *Ўзбек тилида қўшма, жуфт ва такрорий сўзлар*, ЎзФАН Тошкент, 1963, 106—109-бетлар.

Баъзи тилшунослар⁴ бу каби ҳолларга омонимия ҳодисаси сифатида қарамайдилар. Улар бир сўз туркуми доирасида ҳар хил маънони ифодалашга хизмат қилган аффиксларни полисемантик аффикслар сифатида талқин қилишади. Шунинг натижасида ўзбек тилидаги **-оқ** шаклидаги омоним аффикс нотўғри изоҳланади. Ҳолбуки **-оқ I** — жой номини билдирувчи от ясовчи (*ёт+оқ, қўн+оқ* — бу сўзнинг бошқа маъноси ҳам бор); **-оқ II** — нарса-предмет, ҳаракат қуроли маъносини ифодаловчи от ясовчи (*ўртоқ*); **-оқ III** — процесс номини билдирувчи от ясовчи (*ўр+оқ* — ўриш процесси, *ўт+оқ* — ўтти ўташ процесси); **-оқ IV** — кичрайтиш маъносидаги от ясовчи (*бош+оқ*. Қиёсланг: *урвоқ, увоқ*). Бу аффикслар билдирган маъноларни эса, ўзаро боғлаб ҳам бўлмайди. (*-оқ/қ* формасида бундан бошқа аффикслар ҳам бор. Уларни бу ўринда санаб ўлтирмадик).

Англашиладики, тилнинг ҳозирги ҳолатида айтилиш ва ёзилиш жиҳатдан бир хил бўлган аффикслар функция ва туркум жиҳатдан бир группа доирасига кирса ҳам, аммо ўзи бирикаётган ўзак-негизга қўшган маъносига кўра фарқланса, уларни омоним аффикс ҳисоблаш керак бўлади. Бироқ, аффиксал морфемаларнинг омонимлик ҳолатини белгилашда юқорида кўрсатилган асосий критерийлардан ташқари, бошқа ёрдамчи белгиларга ҳам суяниладики, булар ўша аффиксал морфемаларнинг келиб чиқиши, тарихий тараққиети, қўлланиш доираси, экспрессив-стилистик хусусиятлари кабилар билан боғлиқ.

Умуман аффиксал морфемаларнинг шаклий тенглиги ўхшашлиги масаласи ўрганилиши лозим бўлган проблематик масалалар қаторига киради.

⁴ Я. Д. Пинхасов. Ҳозирги замон ўзбек тилида омонимик ва синонимик аффиксларга доир. Қаванг: Доклады научно-теоретической конференции Бухарского гос. пед. ин-та им. С. Орджоникидзе, Бухара, 1957, стр. 81—83; У. Турсунов, Ж. Мухторов, Ш. Раҳматуллаев, Ҳозирги ўзбек адабий тили, Тошкент, 1965, 6-бет.

ИЛМИЙ АХБОРОТ

ШОИР УМИДИЙНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ

Марғилонлик Муҳаммад Умар Умидий XIX асрнинг иккинчи ярмида ижод қилган пешқадам ўзбек шоирларида биридир. Унинг бизгача етиб келган «Бадавлатнома ёки тарихи Ҳўқанд», «Жангома» каби адабий-тарихий дostonлари, «Равшан Қиёс ва Зебо Ҳуси» номли лиро-эпик дostonи ҳамда турли манбаларда сақланиб келаётган лирик мероси Умидийнинг ҳақиқатан ҳам ўз замонасининг етук шоири бўлганлигини исботлайди.

Муҳаммад Умар «Ҳавоний тахаллуси билан ҳам ижод қилганлиги ҳақида ўз асарларида қайд қилиб ўтади. Манбалар шоир яшаган асрда Қўқон, Уш ва Наманганда Ҳавоний тахаллусли бир неча қаламкашлар бўлганлигини кўрсатади, лекин уларнинг ҳаёти, ижоди ҳақида тўлиқроқ маълумотлар ҳозирча йўқ.

Адабиётшунослигимизда шоир Умидий ижодини ўрганиш борасида бирорта илмий иш қилинмаган. Шу жиҳатдан Умидийнинг ижодий меросини тўплаш ва уни илмий нуқтаи назардан текшириб баҳолаш мақсадга мувофиқдир. Умидий турли жанрларда қалам тебратган, тематик ва ғоявий позицияси жиҳатидан ўзбек демократик йўналишига яқин бўлган сермахсул шоирдир.

Умидийнинг биографиясига оид айрим маълумотларни унинг асарларидан ҳамда марғилонлик кексаларнинг хотираларидан олиш мумкин. Ҳозир Марғилонда яшовчи 80 ёшга кирган кекса шоир Муфаззал Шоумаров Умидийни кўрганлигини, ўзининг ўғай отаси бўлмиш Мулла Тошболтунинг уйда уларнинг адабий суҳбатларига қатнашиб турганлигини эслайди. Унинг айтишича, Умидий 1905—1906 йилларда вафот этган. Агар Умидийнинг кексалик ва хасталик пайтида ёзган қуйидаги мисраларини эътиборга олсак, унинг 1835—1836 йилларда туғилганлигини, 70 ёшдан ортиқроқ умр кўрганлигини биламиз:

Ешим етмиш билан кетмиш, қолиб ваҳми
қисматда.
Муҳаммад ном ила ёре Умар баста Умидийман.

Муҳаммад Умар эски усулдаги мактабда саводини чиқарган, сўнгра мадраса таҳсилини кўрган, кўпроқ мутолаа билан ўзбек ва форс-тожик классикларини ўрганган, ижодиётда уларга эргашган. Бу ҳақда у кейинроқ шундай деб хабар беради:

Олиб ул кунда илкимга қаламини,
Юриттим қоғоз устига рақамни.
Қалам жавлонга келди Хизр ўлуб ёр,
Низомий бирла Фирдавсий мададкор.
Пирим Жомий билан Ҳазрат Навоний,
Тахаллус аввали сўзда «Ҳавоний».

XIX асрнинг иккинчи ярмида Қўқон хонлигида ўзаро жанжаллар жуда кучайиб кетди, хонликдан оппозицион кучлар ўсиб чиқиб, айрим беклар, амалдорлар ажралиб кета бошладилар. 1864 йилда Қашқарга Яъқуббек боргандан кейин бир оз вақт ўтгач, тахминан 1865 йил бошларида у Қўқондан ёрдам сўрайди. Шу йили Қашқарга Муҳаммад Умарнинг отаси Неъматулло охун, унинг тоғалари кетадилар. Умидийнинг ёзишича, у отаси вафот этгач, Яъқуббекдан Қўқонга қайтишга рухсат сўрайди, лекин рад жавобини олади. Умидий Яъқуббек даргоҳида гоҳ хат юритувчи, гоҳ айрим шаҳарларга ҳокимлик лавозимларида ишлаб юради. Яъқуббек вафотидан сўнг (1877—1878) қўқонлик ва андижонлик мухожирлар билан бирга Марғилонга қайтиб ўз ижодий ишини давом эттиради.

Муҳаммад Умар ҳижрий 1296 (мелодий 1879) йилда Бухоройи шариф расолари илтимоси билан Навонийнинг бир ғазалига мухаммас боғлаганини ёзади. Яна унинг 1895 йилда ёзган Машраб ғазалига мухаммасида Бухоро мадрасалари талабалари ҳаётига оид насрий изоҳ бор. Шунингдек, у Бухорога бағишланган бир форсча шеърий мактуб (1882) ҳам ёзган. Булар шоирнинг Бухорода ҳам озроқ таҳсил олганлигини кўрсатади. Бу тахминан 1879—1882 йилларга тўғри келади. У Бухородан қайтгач ҳам бирор расмий лавозимда ишламайди. Шоирнинг аълоллари маълумотига кўра, Умидий жуда кўп жойларни кезиб юрган. Бу ҳолни унинг қуйидаги мисралари ҳам тасдиқлайди:

... Гаҳ манзилим эрди сойи Хўқанд,
Ош ўрнида суве топилмаюб чанд.
Савдое бошим узра кўзголиб, оҳ.
Гаҳи Уш ила Андижон қароргоҳ.
Ҳар қайда ман, э шикастаи зор.
Зиндони ғама ўлиб гирифтор.

Шоир қаерда бўлмасин ўз илмини оширишга интилган, тарихий манбаларни излаб топган ва ўзининг бўлғуси тарихий дostonлари учун замин ҳозирлаган:

Қайси тарафа тушар гузорим,
Мазмун гулини дериш — шiorим.
Тарих йўлуида кўп югурдум,
Машҳур ўлан нусхаларни кўрдум.

Лирикада маълум муваффақиятларни қўлга киритган шоир 1884 йилда «Мактубчаи хон» шеърий дostonини яратади. Асарда Қўқон хони Шералихон давридан то Урта Осиёнинг Россия составига қўшиб олинishi, Худоёрхоннинг сўнгги йиллардаги фаолияти ҳақида ҳикоя қилинган. Китоб Тошкентдан Абдурахим ва Мулла Охунларнинг Марғилонга, шоирга ёзган илтимосларига биноан яратилган. Шуниси диққатга сазоворки, Умидий ўз китобида хонликда бўлган урушларга, талон-торожларга салбий муносабатда бўлади ва чор Россияси бу қон тўкишларга бирмунча барҳам берганлигини ижобий баҳолайди.

... Утуб бир-икки йил ўртада фурсат,
Келиб Оқ подшодин элчи бирлан хат,
Омонлик икки подшо ўртасида,
Уруш йўқ, бир-бирига чу расида.
Бу сўз машҳур бўлиб Фарғона ичра,
Фуқаро шод ўлуб ҳар хона ичра.
Бориш-келиш арода бўлди бисёр,
Икки шаҳни бўлиб дўстлиги изҳор,
Тижорат аҳлига иш бўлди осон,
Чароки бўлди маҳкам аҳду паймон.

Умидий 1887—1888 йилларда Қўқондан Марғилонга борган Фурқат билан учрашади. Рожий Марғилоний, Мулла Тошбалту, Ҳафиз Ҳожи, Умидийлар иштирокида бўлиб турадиган адабий суҳбатларда Фурқат

ҳам қатнашиб туради. Фурқатнинг Марғилонга бориши муносабати билан Муқимий Умидийга ёзган мактубида «бир таъби расо, хушфёъл, шоири оташнафас йигит»нинг Марғилонга жўнаганини айтиб, Умидийдан «ёрдамларини дариғ тутмаслиги» ва «ўзининг ҳам бориши» мумкин эканлигини ёзади. Бизгача Фурқатнинг Ёрқентдан Умидийга ёзган мактуби, Умидийнинг Фурқат ғазалларига боғлаган мухаммаслари ва Муқимийнинг Умидий ғазалига боғлаган бир мухаммаси етиб келганки, булар ҳар учала шоирларнинг кейинги йилларда ҳам шахсий ва ижодий алоқалари бўлганлигини кўрсатади.

Умидий ўз даври зиддиятларидан бутунлай холи бўла олмади, унинг айрим асарларида ҳаётдан норозилик туфайли тушкун кайфиятлар, шунингдек айрим бек ва амалдорларни мақташ ҳоллари ҳам сезилиб туради. Умидий ўз даври воқеа-ҳодисаларини реалистик бўёқда катта поэтик маҳорат билан тасвирловчи, хонларнинг беҳуда қон тўқишларини қораловчи адабий-тарихий дostonлар («Бадавлатнома ёки тарихи Хўқанд» — 1890; «Жангнома» — 1888), инсон меҳнати, муҳаббатини, маърифатни улуғловчи дилкаш лирик асарлар («Девони Умидий» — 1891), халқни алдаб, жаҳолатга тортувчи дин ақидалари ва унинг тарғиботчиларини, бой, бозор базозларини кескин фош қилувчи ҳозиржавоб ҳажвиялар яратди. Шоир 1892 йилда кўпгина воқеабанд ғазаллари, насрий латифалари ва Алишер Навоийга боғлаган мухаммасларини йиғиб китоб қилиб, уни «Қачқули қаландарий» деб номлайди. Юқоридаги асарлар, ҳозир СССР ФА ШИ Ленинград фондида сақланмоқда. Умидийнинг сўнгги йилларда ёзган кўп лирик, сатирик асарлари тарқоқ ҳолда фарғоналик, қўқонлик, марғилонлик адабиёт мухлислари қўлларидаги босма ва қўлёзма баёзларда учрайди.

Шоир китобларида табобат ва астрономия илмларига оид катта-катта маснавийлар ҳам учрайдики, булар унинг ана шу соҳалар билан ҳам жиддий шуғулланганлигини кўрсатади. Бизгача Умидийнинг Алишер Навоийга эргашиб ёзган катта ҳажмдаги «Ҳайрат ул-олам», «Мантиқ ут-тайр» номли асарларидан айрим боллари ҳам етиб келган. Бу асарлар ахлоқий-дидактик ва фалсафий характерда бўлиб, шоирнинг ўз даври ижтимоий фикри шаклланишига маълум ҳисса қўшганлигини билдиради.

Умидий лирикаси тематикасига кўра ранг-барангдир. Унда соф севаги, вафодорлик, инсонга, табиат гўзалликларига меҳр, мавжуд тузумдан норозилик мотивлари асосий ўринни эгаллайди. Шоирнинг бизгача етиб келган 20 дан ортиқ рубойлари, соқийномалари антиклерикал адабиётнинг чиройли намуналари ҳисобланади.

Юқорида қайд қилганимиздек, Умидий поэзиясида замондан шикоят мотивлари кўпроқ учрайди. Бу ҳолат XIX аср иккинчи ярми ижтимоий ҳаётида бўлаётган ҳодисалар тугдирган шарт-шаронинг акс-садоси эди. «Ул золим фалек. . .» деб бошланувчи мухаммасида жамият аъзоларини ўзаро кескин фарқ қилувчи икки гуруҳга ажратиб тасвирлайди: бирининг ҳурмати балайд, тилаклари муҳайё, давлатманд ва шод; иккинчисининг кўз ёши селоба, жигари қон, қилган меҳнатлари ҳузурдан маҳрум. Умидий буларни контраст усулида баён қилар экан, жамиятдаги тенгсизликни тушуниб етиш даражасига кўтарилади-ю, лекин уларнинг туб социал сабабларини очиб бера олмайди. Зотан, у ўз даврнинг фарзанди сифатида, жамиятнинг тараққиёт процесси ва синфлар ҳақидаги назариядан беҳабар эди. Уша даврнинг бошқа илғор қарашли шоирлари қатори, Умидий ҳам ҳақсизлик, адолатсизлик ва қашшоқликни келтириб чиқарган ана шу тузумга қарата қуйидагича хитоб қилиш билан чекланган эди:

.... Дод этай юз ил билан бу даҳр нофаржомдин,
Бир-бирдан бадтаринроқ бесубут айёмдин.

Ҳар замон ком олмоқ истарлар ман э нокомдин,
Қўргузуб май ўрнида заҳри халоҳим жомдин,
Бенаво Умидийдек маҳбуси зиндон айлади.

Умидий ижодининг ўзбек демократик адабий йўналишига хос бўлган хусусиятларидан бири унинг шу давр адабиётида кенг қўлланган реал кишилар образини яратишда ҳам моҳирлик кўрсатишидир. Бу жиҳатдан унинг «Дукчи эшон» сарлавҳали икки шеър, «Ҳажви Мусокал баззоз», «Ҳажви жавоники...», «Ҳажви Обид халифа», Ҳажви Нуъмон қози», «Шайх Домла Аббос ҳажви» каби қатор асарлари мақтовга лойиқдир. Умидийнинг илғор маърифий қарашларини ифодалаган қуйидаги мисралари ҳам уни ғоявий позицияси жиҳатидан ўзбек демократик адабий мактабига яқинлаштиради:

...Маориф сурмасидан рўшнолик топмаган кўзни,
Бу кун ғам ноҳуни бирла харош айлаб, яро айлай,
Насиҳат дурри билан яхшилардан топмаган зийнат —
Қулоғимни юлб беҳидин итларга ғизо айлай.

Шоир келажакка умид билан қараган, ўзининг асарларини келгуси авлодлар ўқишига ишонган эди. Бу ҳақда у башорат билан шундай ёзди:

... Ки бир юз йил ўтуб бу даври олам,
Бўлак олам бўлуб, бир ўзга одам,
Келурлар ер юзига ўзгача хасм,
Тутарлар қондани ўзгача қисм.
Буларни ўтгон ишлардин хабардор
Қилурга бўлса бир мактуби изҳор.
Езилиб қолса яхши бўлгуси деб,
Ки то маҳшаргача ўқулгуси деб.

Умидийнинг ўн минг мисрага яқин поэтик мероси турли манбаларда қолиб кетмоқда. Шоир ижодини тўплаш, ўрганиш ва оммалаштириш адабиётшунослигимизнинг галдаги вафидаларидан биридир.

Т. Ҳожибоев

УРГУТИЙ ВА УНИНГ АДАБИЙ МЕРОСИ

Ургутлик шоирлар ичида мукамал девонлари ва бошқа асарлари билан ажралиб турадигани мулло Жумақули Хумулий Ургутийдир. Бу шоирнинг ҳаёти ва адабий мероси ўзбек адабиётшунослигида ўрганилган эмас. Хумулий Ургутнинг Чеп қишлоғидадир. Унинг отаси Тоғай чўпон бўлиб, ўғлини саводхон қилиш ниятида аввал масжид қошидаги мактабга, сўнгра Бухоро мадрасасига ўқишга юборди. Жумъақули мадрасани тугатгач Бухоро хони Амир Насруллоҳ давлатига қарашли Ургут вилоятига қозилик лавозимига тайинланади. Шеър ёзиш билан ҳам жиддий шуғулланади. Ўзига Хумулий (ном-нишонсиз) таҳаллусини таълаб олади. Поэзияга муҳаббат қўйган бўлгуси шоир Навоий, Бедил ва классиклар асарларини қунт билан мутолаа қилади. Унинг неча ёшидан шеър ёза бошлагани бизга номаълум. Шунингдек, Хумулийнинг туғилган ва ўлган йиллари ҳам аниқ эмас. Аммо ургутлик кексаларнинг айтишларича ҳамда шоирнинг ҳаёти Амир Насруллоҳ ҳукмронлик қилган (1827—1860) даврга тўғри келишини ҳисобга олиб, шоир Хумулий XVIII асрнинг 90-йилларида туғилган ва XIX асрнинг 70-йилларида вафот этган дейиш мумкин. Хумулий «То етиб етмишга ёшим, қоридим» деб бошланувчи рубойисида қайд этишича, шоир салкам 80 йилча умр кўрган. (Хумулийнинг ЎзССР ФА Шарқшунослик институтида сақланаётган «Тарихи Хумулий» асарида шоир ҳаёти ҳақида атрофлича маълумотлар берилган).

XIX аср тазкиранависларидан Қори Раҳматулло Возеҳ Бухорий ўзининг 1871 йилда яратган «Тухфат-ал аҳбоб фи тазкират-ул асҳоб» асарига Хумулий шахсияти ва ижодиёти ҳақида қисқа маълумот берадики, бу юқоридаги фикримизни янада ойдинлаштиради (Биз ўзбекча таржимасини беряпмиз):

«Хумулий тахаллуси, Мулла Жумақули Ургут вилоятининг қозисидир. Шу жойнинг ўзбекларидан. Мазкур ажойиб замон ва давроннинг нодир кишиларидан ҳисобланади. Қўкнор чекиб хаёл сифат бўлса-да, аммо шеър ва тарихлар ёзиб, ўз вилоятида ном чиқарган эди. Бир тўплами ҳам бор...»¹.

Бундан кўринадики, Хумулий қозиликдан ташқари классик поэзияда ўз замонасининг талантили адиби сифатида ҳам танилган. У икки тилли, зуллисонайн шоир эди. Шоирнинг девони ва бошқа айрим асарлари бизгача етиб келган. Бу асарлар унинг истеъдодли шоир эканлигидан дарак беради. Хумулийнинг бизгача етиб келган «Тарихи Хумулий» («Хумулий йилномаси»), «Шоҳ ва гадо», «Девони Хумулий», «Шайх Мусохон ад-Даҳбедийнинг таржиман ҳоли», «Манзумоти тарихийя» («Шеърӣ тарих») сингари асарлари ЎзССР ФА Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлғамалар фондида ва бошқа асарлари Тожикистон ССР ФА Шарқ қўлғамалари ва адабий мерос фондида сақланмоқда.

Биз 1889 йилда Ургутдаги сўфиёнлик хаттот Муҳаммад Турсунхўжа томонидан кўчирилган шоирнинг яна бир қўлғам девонини топдик, девоннинг 165 варағича тарихий прозаик асар, қолган 163 варағича эса Хумулийнинг 150 га яқин ғазали, 13 муҳаммаси, 30 га яқин тарих шеърлари, 44 рубоий ва туюқ ҳамда марсия, соқийнома, мусаддас, қасидалари шунингдек, «Шоҳ ва Гадо» дostonи берилади.

Хумулий лирикасида ишқ-муҳаббат темаси, ошиқ-маъшуклар образи, шайх ва зоҳидларга қарши айтилган, антиклерикал мотивлар тасвири ва ахлоқий-таълимий, шунингдек, ижтимоий-сиёсий, социал-фалсафий фикрлар ифодаланган.

Хумулий лирикасида севги темаси шоир ижодининг асосий объектиларидан бири ҳисобланади. Бу тема шоир қаламидан турли кўринишларда тўкилади: гоҳ лирик қаҳрамон гўзалликда тенгсиз санамнинг ишқида парвона бўлади, гоҳ ишқ йўлида рақибларга — тиканларга дуч келади. Гоҳ шоир гўзали бевафоликда рақиблар даврасида айшу ишратда, гоҳ шоир севгилисининг мақтовлар сандиғидан сўзлар териб, таърифлаб, у билан улфатда. Гоҳ муҳаббатдан йигитлик бошига тож қилолмай, замондан шикоятда, гоҳ умр дарахти кексайиб, «севги оламини сайр этма» деб ўзини жеркишда.

То қачон, давронда бизни хоксор этгай фироқ,
Заррадек, мустар қўйиндек беқарор этгай фироқ, —

деб ёр васлига эриша олмай, унинг дийдорига тўёлмай, ҳажр оловида куйган, фироқ дунёсидан висол дунёсига ўтиш учун давронга нидо қилган, қачонгача айрилиқда муҳаббат куртаклари хазон бўлади, дея қайғурган шоир, ёр васлига етиша олмасликнинг бирдан-бир сабабини ҳаётдан ахтаради. Ошиқ ва маъшукларнинг пок севгисига ёмон ният билан қаровчи, уларнинг орзу-умидларига тўсиқ бўлувчи рақиблар — тиканлардан зорланади.

Хумулий тафаккурида, ҳаёт денгизида муҳаббат қайиғини тутган киши ҳақиқий пок севги эгаси бўлмоғи зарур. Унингча ошиқ кўп ёр эта-

¹ Қори Раҳматулло Возеҳ, Тухфат-ал аҳбоб фи тазкират-ул асҳоб, 93—94-бетлар.

гини тутиши, ўз ёридан бошқасини ҳавас қилиши инсонийликдан эмас. Шоир бир ғазалида айтганидек:

Нақш пойе талаб ул ёҳаси саҳрои жунун,
Е ҳавас қилма, тавоб этма кўп ёр этагин.

Ёки, феодализмнинг мараз қолдиғи бўлган, эллик — олтмиш ёшли эр-как ўн етти ёшли гулдек барно қизни никоҳига олишига ишора қилиб, бу ифлос разилликни қоралаб:

Умр ўтиб чун қаридинг, тарк эт йигитлик ишқини,
Субҳ чун беларда бўлди ёқмағил зинҳор шам,—

деган шоир бошқа бир ғазалида бераҳм, бевафо ёрдан ошиғига содиқ, севгисига вафодор ёр чиқмаслигини файласуфона ифодалайди:

Фигон чун бўлмади бетавфур, қачон фарёд этар таъсир,
Кийик бўлгон эмас тасхир, кучук қилган ила ғавго.

Хумулий лирикасининг ишқий дунёси бой, шоир бу борада анча истеъдодини кўрсатган, инсон севгисига меҳр-муҳаббат билан қараган.

Хумулий фақат ишқ-муҳаббат куйчиси бўлиб қолмай, балки у ахлоқий-таълимий фикрларга ҳам катта эътибор берган. Шоир бир қатор шеърларида камтарлик, дўст билан душманни ажрата билиш, ота-онани ҳурматлаш, ҳаётда мақсадли яшаш сингари хислатларни улуғлайди. Шоир бир рубойида асл инсон яхшиликни тарк этмаса, яхшилар томонидан доимо эъзозланишини, хотирланишини айтади ва шундай дейди:

Умри даврони Хумулий қилди кўнглимни синиқ,
Ори қаттиқ донага қўрғон тегирмондур фалак.

Мисга ҳар қанча сайқал берсанг-да, тилло бўлмаганидек, ақлсиз, фаросатсиз одам доно, донишманд бўлиши қийин. Шоир ўз лирикасида бу масалага ёндашаркан жонли мисраларда шундай дейди:

Эти ноқобилга қилмас суҳбати доно асар,
Бўлса эшак гарчи Исо маркаби бўлмас парас.

Биз юқорида баён қилиб ўтганимиздек мулло Жумақули Хумулий қозилик лавозимида ишлаган. Аммо унинг адабий меросини кўздан кечирар эканмиз, унда шоир текинхўр шахсларнинг кирдикорларини фош қилади, тенгсизлик ҳукм сурган замондан нолийди. Ҳатто, ўз лавозимидан ҳам норози бўлиб, ҳасадгўй зоҳидларга нисбатан:

Қозилиғ оти билан қирқ йил бўлибман подабон,
Зоҳиди гўсала ҳўб билмиш ҳалол ошим менниг.
Гарчи ичим қон бўлганин, лаълинг ғамидин билмасанг,
Билдирур қабримга қўйган лаълигун тошим менниг,—

деб маъюс ўқинади.

Турфадуру зоҳидга бир бош минг бедори бор,
Мунча оғир юк билан саксон қарич дастори бор

сингари байти билан бошланувчи ғазалида шоир Хумулий зоҳид, эшон ва шайхларни аччиқ сўзлар билан калтақлайди. Бу зоҳидлар ўзлари ғирт саводсиз бўлиб, илмли ва олим кишиларни ўта ёмон кўрганлигидан, уларга паст назарда қарашидан шоир кулади ва:

Неча аҳмоқдин Хумулий шиква қилгондек товол,
Шайхи комилнинг бу нокас фитнасинин ори бор,

дейди.

Феодал тузуми ҳукмрон бўлган даврда таъмагир ва текинхўрларнинг қилмишидан ғазабланиб, уларни ҳажвлаш бошқа шоирлар сингари Хумулий учун ҳам оғир эди. Шунинг учун ҳам шоир ачиқ сўзлар эвазига азоб-уқубатлар орттирганини бир ғазалида шундай ифодалайди,

Улки бесарфа Хумулийга қатор маҳмил сўз,
То абад ўз сўзидин бўйинга гулдур-гулдур.

Мамлакатдаги ноҳақлик, шайх-зоҳидларнинг фитнасига қарши шоир қуйидаги мисраларни ёзади:

Фалак тавсанлиг айлаб, кош тарҳи инқилоб этса,
Қи эшшакларнинг ғавғоси вафо аҳли малол этмиш.

Шоирликка ҳавас қилган Хумулий ўзидан олдин ўтган буюк Навоий ва Ҳиндистонда яратилган форс-тожик адабиётининг йирик вакили файласуф шоир Мирзо Бедилларни ўзига устоз деб билди. Уларнинг асарларини ўқиб ўз билим савиясини орттирибгина қолмай, балки туркигўйликда Навоий ғазаларига, форсигўйликда эса Бедил асарларига мухаммаслар ҳам битди. Буни шоир девонидаги мухаммаслар мисолида кўрса бўлади. Девонда келтирилган 13 мухаммаснинг 3 таси Навоий ғазалига, 2 таси Бедил ғазалига, қолганлари эса бошқа ўзбек ва тожик шоирларининг ғазаларига боғлангандир.

Умуман, Жумақули Хумулий Ургутий XIX аср ўзбек ва тожик поэзиясига маълум даражада ҳисса қўшган таниқли шоирларимиз қаторидан ўзига хос бир ўрин олишга сазовордир. У XVIII аср охири ва XIX асрнинг биринчи ярми, ўзбек адабиётининг Сайқалий, Мужрум Обид, Шавқий, Каттақўрғоний, Ғозий, Маъдан, Мирзоқурбон Хиромий каби намоедалари сингари адабиётимиз тарихида из қолдира олди. У ўзининг сермазмун шеърлари билан мухлислари қалбига кира олган, замондош шоирларга маъқул бўлган ва ўз халафларига таъсир кўрсатган.

Демак, юқоридагилардан кўринадики катта адабий мерос қолдирган шоир ўзининг талай мухлисларига эга экан. Аммо шуни таъкидлаб ўтмоқ керакки, адабиётшунослигимизда Хумулий ижоди ҳали текширилмаган.

Р. Орзибеков, А. Абдурахмонов

ТУРКИСТОН ШЕВАЛАРИНИНГ ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК АДАБИИ ТИЛИ ВА АЙРИМ ЎЗБЕК ШЕВАЛАРИГА МУНОСАБАТИ

Туркистон шеvasининг шаклланиш тарихи жуда мураккаб бўлиб, унинг тадрижий такомилли узоқ даврларни ўз ичига олади. Тарихий обидалар ва манбаларнинг хабар беришича, ҳозирги Туркистон территорияси, Сирдарёнинг ўрта оқими бўйида VI аср ўрталари ва VII аср бошларига қадар ўғузларнинг, VIII асрга келиб қорлуқларнинг, ниҳоят, X, XI ва XVI асрларда қорахонийлар, салжуқийлар, шайбонийларнинг ҳукмронлиги мазкур территориядаги қабилалар шеваларига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмас эди.

Проф. И. А. Батманов жуда тўғри кўрсатганидек, ким сўнгги марта истилочи сифатида келган бўлса, у ўз хоҳишига кўра, энг яхши жойни танлаб олиш имкониятига эга бўлган ва ҳар қандай янги истило, забт қилиш, ҳар қандай янги миграцион тўлқин диалектларнинг ўзаро тут-

ган ўрни, вазияти ва алоқаларига муҳим ўзгаришлар киритган¹. Шу сабабли биз ўрганаётган Туркистон қорлуқ шеваларида ўғуз ва қипчоқ шеваларига хос хусусиятларнинг мавжудлиги табиийдир. Қуйида ўша белгиларни тавсиф этамиз:

Фонетик белгилар:

1. Шевада унлилар сони 9 та бўлиб, **о — ө, у — Ү, а — э, ы — ь** контраст жуфтларига эга. Бу хусусиятига кўра қипчоқ, ўғуз группа шевалари билан умумийликка эга бўлса, 6—7 унли фонемали қорлуқ группасига мансуб бўлган таянч шаҳар шевалари ва 6 фонемали Самарқанд — Бухоро тип шевалардан фарқ қилади².

2. Таянч шаҳар шеваларида ва ҳозирги адабий тилда **үху=у, өхо=о** ад. орф. (**ў**), **ыхъ=ъ** ад. орф. (**и**) шаклида конвергенцияга учраган бўлса³, шевада улар қипчоқ ва ўғуз группа шеваларидаги каби мустақил фонема сифатида маъно фарқлаш хусусиятига эга: **өн** (фезъл) — **он** (сон), **туз** (фезъл) — **туз** (от) каби.

3. Таянч шаҳар шеваларида ва адабий тилда умумтуркий **а** дивергенцияга учраб **а>э** бўлган бўлса, шевада бу ҳодиса қайд қилинмади. Қийёсланг:

Шевада	„Девон“да	Таянч шаҳар шеваларида	ад. тил.
<i>ат</i>	<i>ат</i>	<i>эт</i>	<i>от</i>
<i>айақ</i>	<i>азақ џа ақ</i>	<i>эйэҕ//эйақ</i>	<i>оёқ</i>
<i>ала</i>	<i>ала</i>	<i>эла</i>	<i>ола</i>
<i>ахсақ</i>	<i>ахсақ</i>	<i>эқсэқ</i>	<i>оқсоқ</i>

4. Шевада **а** фонемаси дивергенцияга учрамаганлиги туфайли Тошкент шеvasидаги **о** ва **э**, ҳамда ўзбек адабий тилидаги **[о]** ва **[а]** унлиларига мос келади:

шевада	тошкент.	ад. орф.
<i>қара</i>	<i>қэрэ</i>	<i>қора</i>
<i>адаш</i>	<i>эдэш</i>	<i>адаш</i>
<i>барамыз</i>	<i>бэрэвүзэ</i>	<i>борамиз</i>

5. Ўғуз группа шеваларида бўлганидек, айрим сўзларда маъно фарқловчи чўзиқ унли из қолдирган *ат* — (лошадь) *а : д* (имя), *зат* (нарса) — *за : д* (уруғ) бўлса, қатор сўзларда маъно фарқлаш хусусиятини йўқотган ҳолда қотиб қолган чўзиқ унлилар ҳам бор: *да : да, хи : нэ, ди : дар, сҮ : т* каби. Бу хусусият ўғуз шевалари билан бирлаштирса, лекин ўғиз группа шеваларидаги *кҮ : з, и : рёк, му : з, у :* (пойдевор), *ө : р* (тепалик), *мо : йьн, е : р* (барвақт)⁴ каби сўзларнинг *кҮз, йирёк, муз, ул* (пойдевор), *өр* (тепалик), *мойын, ер* тарзида талаффуз қилиниши билан Чимкент, Тулкибош ва бошқа қорлуқ шевалари билан яқинлаштиради.

¹ И. А. Батманов, Вопросы классификации узбекских говоров, Сб. «Проблемы языка», Ташкент, 1934, стр. 21.

² Ш. Шоабдурахмонов, Узбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари, Тошкент, 1962, 38-бет; М. Мирзаев, Узбек тилининг Бухоро группа шевалари, Тошкент, 1969, 28-бет.

³ Қаранг: Ш. Шоабдурахмонов, Кўрс. асар, 43-бет.

⁴ Қаранг: Ф. Абдуллаев, Қарноқ шеvasининг фонетикасидан, Узбек тили ва адабиёти, 1966, 6-сон, 18-бет.

6. Таянч шаҳар шевалари, адабий тил ва бошқа қорлуқ группа шеваларида **ө**, **е** фонемалари фақат биринчи бўғинда амал қилади⁵. Шевада қипчоқ тип шевалари сингари иккинчи ва сўнгги бўғинларига ўта олади: *ертен, йурсе, бөлөгъдей,, бҮрчөккө*.

7. Шева **Ғ>в>** нуль туфайли **о>у** ҳодисаси билан қипчоқ группа шевалари билан умумийликка эга бўлса, **у>ө** алмашилиши жиҳатидан ўғуз группа шеваларига яқинлашади: *уры<оғры, ту: ры — тоғры, йуван<йоған; ҳөкәмәт<ҳукумәт; ҳөнәр<хҮнәр. ҳөснә<хҮснә*. Қиёсланг: Хоразм. ўғуз *тө : мәт* (туҳмат), *ҳөкәмәт* (ҳукумат)⁶.

8. Туркистон шевасида қипчоқ группа шевалари учун характерли бўлган: а) сўз бошида **э, о, ө** унлиларнинг **Иэ, Уо, Уө** тарзида дифтонглашиши; б) **-ийт, -бийт** типидagi дифтонглашиш; в) сўз бошида **й>ж**, яъни ж-лаиш ҳодисаси йўқ. Бу фонетик ҳодисалар шева учун хос эмас. Мазкур хусусияти билан шева қипчоқ шеваларидан фарқланса, лекин **Ғ>в, Ғ>й, Ғ>й** алмашилиши ва интервокал ҳолатда **п—б** га ўгиши билан қипчоқ шеваси билан умумийликка эга бўлади: *тав<тағ, баб<бағ, ийнальш<ийғълиш, сыйёр<сәғёр, тыйёрман<теғёрман; қап>қобь, көп>қөбь*. Бу ҳодиса қарноқ ва Иқон шеваларида ҳам қайд қилинган⁷.

9. Шевада Тошкент тип шевалар каби **й** ундошидан аввал **а>и** бўлади: *барий, бармий, сҮрий, сҮрабий, қарийдъ*. Қиёсланг: Тошк. *боръй, бормъй, соръй, сорәмъй*.

10. **э** унлисининг биринчи бўғинда ишлатиш доираси қорлуқ ва қипчоқ группа шеваларига нисбатан анча кенг. Адабий тил ва таянч шаҳар шеваларида биринчи бўғинда келадиган **е** ўрнида шевада тил олди кенг **э** ишлатилади. Бу хусусиятига кўра шева ўғуз группа шеваларига мос келади. Қиёсланг: шевада *кәннайъ* (кеннойи), *кәсәм* (келсам), *тәң тәңъ бълән тәзәк қапъ бълән* (мақол), (тенг тенги билан тезак қоли билан). *кәсәк* (кесак), *кәнжәтай* (кенжатой), Тошк. *кәннайъ, ке(л)сәм, тен, кесәй, кәнжәтой*. Қорн. *тәмър, кәлән, тәзәк, кәт(л)*.

11. Шеваниннг ўзига хос хусусиятларидан яна бири, барча шаҳар шевалари ва бошқа қорлуқ шеваларидан фарқли интервокал ҳолатда б ундошининг турғунлигидир: тошбақа *сәбъбъ* (причина), *сабаб* (сава-лаб), *сабър* — Тошк. *тәшвәқа, сәвәп, сәвәр*. Бу ҳолат *кәръба : дъ, бълъб а : дъ, барьбъдъ, альбъдъ* типидagi қўшма феълларда ҳам сақланади. Мазкур хусусиятига кўра шева адабий тил ва атроф ўғуз группа шевалари билан умумийликка эгадир. Қиёсланг: қорн. *сәбъб, кабаб, қабат*⁸.

12. Шевада **т** ундоши ўғуз группа шеваларидагидек жаранглашиб *дор* (тур), *доп* (тўп), *дарбыз* (тарвуз) каби талаффуз этилса-да, лекин таянч шаҳар ва бошқа қорлуқ шеваларидагидек *тъл, чъш/тъш, търсәк тъннақ тҮр*.

13. Шевада **л** ва **р** ундоши билан бошланувчи сўзлар ўзбек тилининг қипчоқ группа шеваларидагидек, протеза ҳисобига чегараланмаган эмас. Қиёсланг: *лайқа, лаққа, рас, рәндә, рәжәп*, Манғ. *ылайқа, ылақа* (лақа), *ырас, ьрәджәп, ьрәндә*⁹.

⁵ Ш. Шоабдурахмонов, Кўрс. асар, 51-бет; И. Фармонов, Уш шевасининг фонетик ва лексик хусусиятлари, УДМ., II, 399-бет; Т. З. Мирсоатов, Ўзбек тилининг қирқ шеваси, УДМ., I, 333-бет; М. Мирзоев, Ўзбек тилининг Бухоро шевалари, Тошкент, 1969, 29-бет; Ф. Абдуллаев, Фонетика Хорезмских говоров, Ташкент, 1967, стр. 37.

⁶ Ф. Абдуллаев. Кўрс. асар, 37-бет.

⁷ Қаранг: Ф. Абдуллаев, Қарноқ шевасининг фонетикасидан, Ўзбек тили ва адабиёти, 1966, 6-сон, 20-бет.

⁸ Ф. Абдуллаев, Кўрс. асар, 20-бет.

⁹ Қаранг: А. Ишаев, Манғит шевасининг баъзи бир фонетик хусусиятлари, УДМ., II, Тошкент, 1960, 97-бет; В. В. Решетов, Узбекский язык, ч. I, Ташкент, 1959, стр. 307; Ф. Абдуллаев, Фонетика Хорезмских говоров, Ташкент, 1967, стр. 73—74.

Морфологик белгилар:

1. Таянч шаҳар шевалари Самарқанд — Бухоро ва Қарши — Жиззах, Чимкент — Тўлкибош каби¹⁰ қорлуқ группа шеваларидан фарқли ўлароқ, келишиклар миқдори олтига.

Қаратқич келишиги қипчоқ тип шевалар учун хос *-ның, -дѣң, -тѣң, -дың, -тың* ва ўғуз шевалари учун мансуб *-ѣң, -ың, -ң* вариантларига эга.

2. Кишилик олмошлари жўналиш келишиги билан ҳар учала (қорлуқ, ўғуз, қипчоқ) шеваларга хос формада турланади: *мѣңгѣ, сѣңгѣ, уңгѣ* (қорлуқ): *маңа, саңа, уңа* (ўғуз); *маған, саған оған* (қипчоқ). Булардан 2 ва 3 турларининг қўлланиш доираси кең бўлиб, биринчи тури асосан шаҳарда ва интеллигенция нутқидагина қайд қилинди.

3. Жўналиш келишиги қорлуқ қипчоқ шевалари учун умумий бўлган *-кѣ, -қа, -гѣ, -ға* формалари билан бирга ўғуз шеваларига мансуб бўлган *-ѣ, -а* кўринишларига ҳам эга.

4. Чиқиш келишиги қадимий *-дѣн, -дын, -тѣн, -тын* формасини сақлаган. Шу билан бирга *-дѣн, -дан, -тѣн, -тан* аффиксларининг ишлатилиши ҳам учрайди.

5. Шевада қипчоқ ва қипчоқ тип шеваларга кирувчи қозоқ тилига мансуб сифат ясовчи *-тав, лав, -ав* аффикслари амал қилади. Бу ҳодиса қипчоқ шеваси орқали қардош қозоқ тилининг баракали таъсири билан изоҳланади¹¹.

6. Адабий тил ва таянч шаҳар шеваларидан фарқли равишда шевада саноқ ва жамловчи сонлар *-та* аффикси билан эмас, балки *-ав, -ев, -ѣв* аффикслари орқали ясалади. Бу ҳодиса қозоқ ва қорақалпоқ адабий тилларида норма ҳисобланади¹².

7. Ҳозирги замон феъл формаларининг *-йатыр, йап, -йѣп* формалари билан таянч шаҳар шевалари ва адабий тил билан умумийликка эга бўлса, *-йатѣр, -ат, -йат* формалари билан атроф ўғуз шеваларига мос келади. Шева учун *-жатыр* формаси хос эмас, бу форма қипчоқ группасига кирувчи *сўзоқ, чўлоққўрғон* шеваларида мавжуд.

8. Шевага онд яна бир муҳим хусусиятлардан бири шуки, сифатдош ясовчи ад. орф. *-диган* аффиксининг ҳар учала йирик қорлуқ, ўғуз, қипчоқ диалектига хос формалар сақланган бўлиб, йиғилган фактларнинг кўрсатишича, уларнинг қўлланиш доираси ҳам чегараланмаган. Улар параллел ишлатилаверади. Булар қуйидагичадир: *-дѣгѣн// -дуған, -туған// -тыған// -туғын: -тын// -тѣн// -тун// -тѣн*. Қиёсланг: Тошк. *-дѣгон*¹³, Қўқон *-дѣгѣн// -дѣгон// -дѣгон*¹⁴; Чимк. *-дѣгѣн/дѣған*. Шевада *-дѣгѣн* формаси қорлуқ группа шеваларига мос келади. *-дуған//дыған* формалари ўғуз шеваларида мавжуд бўлган Қораб. *-дугон*¹⁵, Хоразм, ўғуз *-доғын*¹⁶ формалари билан умумийликка эга. *-тыгон// -тугон// -туғын* формалари қипчоқ тил шеваларига хос хусусият. Ҳатто *-туған* аффиксининг қисқарган *-тын// -тѣн// -тун// -тѣн* формалари қозоқ ва қорақалпоқ¹⁷ адабий тилида ясовчи ҳисобланади.

¹⁰ Қаранг: Ш. Шоабдурахмонов, Кўрс. асар, 141-бет; Қаранг: М. Мирзаев, Кўрс. асар, 46-бет; Қаранг: А. Шерматов, Қарши шевасининг баъзи морфологик хусусиятлари, УДМ., II, 181-бет; Ҳ. Фуломов, Ўзбек тилининг Жиззах шеваси, УДМ., I, 84-бет.

¹¹ Қаранг: «Современный казахский язык», Алма-Ата, 1962, стр. 204.

¹² Кўрс. асар, 219-бет; Н. А. Баскаков, Каракалпакский язык, II, ч. I, Фонетика и морфология, М., 1952, стр. 231.

¹³ Я. Г. Гулямов, Грамматика Ташкентского говора, Ташкент, 1968, стр. 70.

¹⁴ Ш. Носиров, Ўзбек тилининг Қўқон шеваси, КД., Тошкент, 1965, 238-бет.

¹⁵ К. К. Юдахин, Некоторые особенности Карабулакского говора, Ўзбек диалектологиясидан материаллар, I, Тошкент, 1957, 32-бет.

¹⁶ Ф. Абдуллаев, Хоразм шевалари, I, Тошкент, 1961, 172-бет.

¹⁷ «Современный казахский язык», Алма-Ата, 1969, стр. 322—323; Н. А. Баскаков, Каракалпакский язык, II, ч. I, Фонетика и морфология, М., 1952, стр. 430.

Демак, шева ўзининг фонетик ва морфологик белгиларига кўра бир томондан қорлуқ группа шевалари билан умумийликка эга бўлса, иккинчи томондан, қипчоқ, ўғуз группа шеваларига хос белгилари билан ажралиб туради.

УЎА 1970/3/54.

К. Муҳаммаджонов

«НАВОИЙ» РОМАНИДАГИ ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРНИНГ РУС ТИЛИГА ТАРЖИМАСИ

Халқлар дўстлиги ва ҳамжиҳатлиги ҳаётбахш куч бўлган бизнинг ватанимизда адабиётнинг ноёб намуналарини бир тилдан иккинчи тилга таржима қилиш жуда муҳим роль ўйнайди. Бу таржималар ўзга халқлар маданиятига бўлган меҳр-муҳаббат ва ҳурматни тарбиялашга ҳисса қўшибгина қолмай, миллий адабиётни бойитишга, халқларнинг интернационал алоқалари ва дўстлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Масалага шу нуқтаи назардан қараганда, миллий тиллардаги асарларни рус тилига таржима қилиш ҳам катта аҳамиятга эга.

Рус тилига муваффақиятли таржима қилинган — автор услубининг ўзига хос индивидуаллигини сақлаган асарлар иттифоқимизнинг кўп миллионли катта халқи ёки кичик халқи адабиётида яратилишидан қатъий назар, дунёнинг кўп мамлакатларидаги кенг китобхонлар оммасининг сеvimли дўстларига айланиб қолди.

Ойбекнинг «Навоий» романи 1945 йилда М. Салье¹, 1947 йилда эса П. Слётов² томонидан рус тилига таржима қилиниб Иттифоқимиз китобхонларига тарқалди. Роман кейинги йилларда бир неча бор рус тилида нашр этилди. Биз бу кичик мақолада романнинг рус тилига таржима қилишда эришилган ютуқ ва камчиликлари ҳақида сўз юритмоқчи эмасмиз. Биз, фақат, романда учрайдиган фразеологик иборалар — мақол, матал, идиомалар ва фразеологик чатишмаларнинг таржимаси ҳақида сўз юритмоқчимиз.

Ўзбек халқ адабиётини, тилининг нозик оҳангларини, барча кўз илғамас ички сирларини, тилнинг бутун бойлигини «ўзининг беш бармоғидек» билган академик ёзувчимиз Ойбек «Навоий» романида жуда кўп фразеологик иборалар — мақол, матал ва идиомаларни ўз ўрнида ва «чертиб-чертиб» ишлатган. Бу иборалар ҳақиқатан ҳам «гапнинг қаймоғи» бўлиб, ҳар бири олам-олам маъно беради.

Автор образларнинг характерларини очиш, содир бўлаётган воқеалар таассуротини янада ошириш, сарой аҳллари, уламолар-у лашкар-бошилардан тортиб то оддий фуқаро вакиллари тилларини жонлантириш мақсадида аниқ, ўткир мақол, матал ва идиомалардан моҳирона фойдаланган.

Асарда ишлатилган фразеологик ибораларни, уларнинг рус тилига қилинган таржималари билан (М. Салье таржимасида ҳам, П. Слётов таржимасида ҳам) синчиклаб солиштириб чиқсак: 1) айримлари сўзма-сўз таржима қилинганини; 2) айримлари рус тилида мавжуд бўлган эквивалентлар билан берилганини; 3) айримлари эса, умуман асарнинг рус тилидаги нашрида тушириб қолдирилганини аниқлашимиз мумкин. Биринчи группа асардаги барча фразеологик ибораларнинг ярмидан кўпини ташкил қилади. Уларнинг бир хиллари муваффақиятли чиққан бўлса (қисқа, лекин лўнда, аниқ маъно берувчи; халқ оғзаки адабиёти

¹ Айбек, Соч. в 5 томах, т. 2, «Навои», перевод М. Салье. Ташкент, 1962.

² Айбек, Навои, перевод П. Слётова, изд. «Известия», М., 1961.

намуналари каби содда, равон қилиб ағдарилган), айримларида эса, оригиналдаги ўткир, аниқ маъно бир оз сийқаланиб, ноаниқ, хато маъно келиб чиқади. Қуйидаги мисолларга эътибор беринг:

«— Арзи-додимни кимга айтайин, қулоқ сол, болам! — мулойимланиб деди кампир.

— Кўп сўз эшакка юк... Қозонни ос. (Мўл қилиб этни сол)... (49-бет).

«— Кого просить, кому жаловаться? Послушай меня, сынок, — опять просительно начала старуха.

— Много слов — бремя для осла... Ставь котёл, положи побольше мяса...» («Навои», М. Салье таржимаси, 50-бет).

«— Кого же просить, кому жаловаться? Послушай меня, сынок, — умоляющим голосом сказала старуха.

— Много слов — бремя для осла... Повесь котёл, положи побольше мяса («Навои», П. Слётов таржимаси, 51-бет).

«— Ит акиллади қўйди-да. Камбағалнинг қозонига зорми у? (52-бет).

«— Собака полагает и перестанет. Нужен ли ей котёл бедняка?». (М. Салье тарж., 52-бет; Слётов тарж., 53-бет).

Юқорида келтирилган мисолларда ўзбек мақол, маталлари аниқ, ихчам таржима қилинган.

«— ... Лекин бундан кейин эҳтиёт бўлмоқ керак. Элнинг бир сўзи бор: ўзингга эҳтиёт бўл, қўшинингни ўғри тутма» (183-бет).

Бу мақолни ҳар иккала таржимон ҳам мана бундай ағдаришган.

«— ... У нас в городе говорят: «смотри за своим домом, не лови во-ра у соседа» (М. Салье таржимаси, 172-бет, Слётов тарж., 177-бет). Таржимонлар ўзбек мақолида бўлган «тутма» — «тутмоқ» сўзининг «держат себя» — *ўзини эркин тутмоқ*; «считать» — *бировни ўзига дўст тутмоқ* каби маъноларини назарга олмай, «ловить» маъносини ишлатганлар. Шунинг учун мақолнинг иккинчи ярминини маъноси оригиналдан бир оз узоқлашган.

«... Дастлаб «бўлса бўлар, бўлмаса, говлаб кетар» деган эр энди хотиннинг қўнглига қараб қизиқсинди» (311-бет). Бу матал эса ҳар иккала таржимон томонидан ҳам: «Есть — так есть, а нет — так потом больше будет» (М. Салье таржимаси, 297-бет, Слётов тарж., 306-бет), деб нотўғри ағдаришган. Профессор А. К. Боровков таҳририда босмадан чиққан 40 минг сўзли «Узбекско-русский словарь»да³ — «говламоқ» — *буйно расти, пойти в ботву*, — деб берилган (644-бет) ва мисол тариқасида ана шу матал келтирилиб, «Будь что будет» — деб, маталларга хос ихчамликда ағдаришган.

«... Аммо дўнғиллаб Соҳиб Доро кириб келди ва Биноийга қараб деди:

— Бас-э! Гап битди, қани, танбурни эштайлик!

— Ҳазилни билмаган кал фозил! — деди Биноий, — Сен ўтир, ёки жўна: қаёққа — олатоққа-» (250-бет).

Юқоридаги парчада келтирилган матал ва фразеологик чатишмаларни М. Салье қуйидагича таржима қилган:

«Эй ты, лысый, не понимающий шутки! — сказал Беннаи, ты или садись или убирайся куда-нибудь» (М. Салье тарж., 238-бет). (Хей, сен ҳазилни тушунмайдиган кал. Ёки ўтир, ёки бир ёққа жўна!)

«... Ну хватит! Послушаем тамбур».

Иккинчи таржимон Слётов бўлса, умуман бу парчани тушириб қолдириган.

³ «Узбекско-русский словарь АН УзССР», Госиздат иностранных и национальных словарей, М., 1959.

Найза каби ўткир кинояли бу матал М. Салье таржимасида Биноийнинг Соҳиб Дорога қараб қўпол муомалада айтган оддий бир жумласига айланиб қолган, холос. Мазмундан, ҳатто, Соҳиб Доро бошида сочи йўқ кал бўлиб ҳам чиқади.

Таржимон масалага ижодий ёндошиб, оригиналдаги асосий мазмунни ифодалайдиган мақол, матал яратса ёки унинг асосий мазмунини китобхонларга етказиб берадиган таржима яратса, асарнинг бадий қийматини яратувчи омиллардан бири оригиналга яқин таассурот берувчи қилиб яратилар эди.

Иккинчи бир группа фразеологик иборалар асар таржимасида рус тилида мавжуд бўлган эквивалентлар билан берилган. Масалан, Мажиддин Шаҳобиддинга қараб, жеркиб дейди:

«— Қуйишқондан ташқари чиқманг, тақсир. Унга туҳмат қилган эмишсиз.

— Шаккок у, шаккок! — қўпол муомиладан гўлдираб қолди Шаҳобиддин» (292-бет).

Бу матални иккала таржимон ҳам рус тилида мавжуд бўлган, мазмун ва бадий пишиқлик жиҳатидан оригиналига яқин келадиган бир матал билан берганлар:

«— Не прыгайте выше головы, господин. Вы клевете на Султан-мурада» (М. Салье тарж., 278-бет, Слётов тарж., 295-бет).

«... Темирни қизигида бос» деган мақолга амал қилиб, унга мадҳасано ўқишга бошлади» (106-бет).

«... Следуя пословице «Куй железо пока горячо», он начал всячески восхвалять султана и несколько раз повторил, сложив на груди...» (М. Салье тарж., 102-бет, Слётов тарж. 107-бет).

Учинчи гуруҳ мақол, матал ва идиомалар эса рус тилига таржима ҳам қилинмаган, рус тилидаги эквивалентлар орқали ҳам берилмай, умуман асарнинг рус тилидаги нашридан тушириб қолдирилган. Қуйидаги мисолни олиб қарайлик:

«— Болам, у қўшниники... — ишонтаришга киришди кампир.

— На зарари бор? Туя кўрдингми — йўқ! Заҳарханда қилди Тўғонбек» (49-бет).

«— Сынок, это соседская, — попыталась урезонить его старуха.

— Что за беда? И чужую можно, — ехидно засмеялся Туганбек». (М. Салье таржимаси, 50-бет).

«— Сынок, это соседская, — поспешно откликнулась старуха.

— Что за беда? Туганбек злобно засмеялся.

(Слётов таржимаси, 51-бет).

Ҳар иккала таржимон ҳам рус тилида яратилган таржималарида «Туя кўрдингми — йўқ!» матали функциясини муваффақият билан олиб боровчи эквивалент келтиришдан кўра, бу матални тушириб қолдиришни афзал кўрганлар.

Албатта, конструктив тузилиш элементларига кўра Ўрта Осиё халқлари фольклорига мансуб бўлган бу матални рус тилига муваффақиятли таржима қилиш мушкул иш. Лекин, рус тилида бу маталга мазмун жиҳатидан яқин келадиган, ихчам ва тасвирланаётган воқеанинг моҳиятига мойил тушадиган матал топилб ишлатилса, «узукка кўз солингандек», мақсадга мувофиқ бўлар эди (Масалан: «Держи язык за зубами», ёки «Не пойман — не вор»).

Алишер Навоийнинг Астрободдаги ошпази, Мажиддиннинг маҳфий жосуси Абдусамаднинг болалиги ҳақида сўз борганда автор қуйидаги ибораларни ишлатади:

«Ўғай ота, ёши улғайиб фарзанд кўрмаган эса-да», отнинг асли қартадир, асли тагида тортадир» деган гапга ишонганидан бўлса керак, етимга кун бермади» (302-бет).

Таржимон П. Слётов бу образли иборани «икки оғиз сўз» билан: «отчим Абд-ас-Самада невзлюбил сироту, хотя подростшего пасынка почти не бывало дома» (297-бет), — деб бериб қўя қолган. М. Салье бўлса ундан ҳам қисқароқ қилиб «Отчим невзлюбил Абд-ас-Самада» деб таржима қилган (288-бет).

Ахир рус тилида «Как волка не корми, он всё в лес глядит», ёки юмшоқроқ қилиб айтилган — «Яблоко от яблони недалеко падает» мақоллари бор-ку!

Таржима ишига катта истеъдод талаб қиладиган ижодий иш деб қаралса, асарнинг бадийий қийматига, авторнинг услубига, унинг индивидуаллигига, образларнинг ифодали бўёқларига заррача бўлса ҳам путур етказмаслик ниятида таржима қилинаётган тилнинг сўз хазинасида синчиклаб изланса, ижодий изланиш ўз мевасини бериши муқаррардир.

Л. Азизхонова

КАСБ-ҲУНАР ЛЕКСИКАСИДА АФФИКСАЦИЯ УСУЛИ БИЛАН СЎЗ ЯСАШ

Касб-ҳунарни ҳозиргача ўрганилган тармоқлари лексикасида сўз-терминларнинг маълум қисмини аффиксация усулида ҳосил қилинган сўзлар ташкил қилади. Биз бу ҳақдаги баъзи бир мулоҳазаларимизни, асосан чеварлик-каштачилик ва дўппидўзлик касбига оид фактик материаллар, қисман ҳозиргача тадқиқ этилган бошқа касб-кор тармоқлари лексикаси, диалектал лексика ва адабий тил фактларига қиёслаш асосида баён этамиз.

Ўзбек тили касб-ҳунар лексикасида учрайдиган сўз ясовчи элементлар, асосан, ўзбек адабий тили доирасида хизмат қиладиган ясовчилар бўлиб, уларнинг айримларигина касб-корнинг бир ёки бир неча тармоқлари ёхуд айрим ўзбек шевалари лексикаси доирасидагина чекланиб қоладилар.

Чунончи, ўзбек тилининг чеварлик-каштачилик ва дўппидўзлик лексикасида ясама сўз-терминлар **-а, -ак, -бур, -в(-уз), -ги(-ки), -гич, -ғич, -дон, -дор, -дўз(-дўз+и, -дўз±лик) -и, -к, -қ, (-иқ), -каш(каш+лик), -лик, -ма, -печ, -пўш, -пуруш, -пуруш+лик), -ча, -чи, -ш(иш)** каби ясовчи элементлар ёрдамида ҳосил қилинади. Булардан **-а, -ак, -ги, (-ки)** аффикслари чеварлик лексикасида кўпроқ тожикча ва арабча сўзларга қўшилиб сўз ясайдилар. Чунончи: **-а** аффикси феъл ва отларга қўшилиб буюм ва нақш номлари ясайди: *занжира, дандона, тофта, гула, ранга*.

-а аффикси профессионал лексиканинг бошқа тармоқларида ўзбекча сўзларга ҳам, тожикча сўзларга ҳам қўшилиб от ясайди: *тақа (тақ+а — от ва эшак туёғига қоқиладиган нарса), картнома* (заргарлик термини), *анжом, даста*¹ каби.

-ак — отларга қўшилиб нақш номлари ва баъзан қурол-асбоб номлари ясайди: *алифак, танобак, қанотак, қаторак, қошак, қиличак* каби. Бу аффикс профессионал лексиканинг бошқа тармоқларида (*варварак, чамбарак*)², ўзбек тили шеваларида *ҳамак, хомэй*³, (*хатън — хатън+эк — хотин чалиш*)⁴, ўзбек адабий тилида от, сифат, тақлидий сўзлар-

¹ С. Иброҳимов. Фарғона шеваларининг касб-ҳунар лексикаси, Тошкент, 1959, 172—179-бетлар.

² С. Иброҳимов, Уша асар, 172-бет.

³ Ш. Шобдуррахмонов, Ўзбек тили ва ўзбек халқ шевалари, Тошкент, 1962, 178-бет.

⁴ Ф. Абдуллаев, Хоразм шевалари, 1, Тошкент, 1961., 188-бет.

дан (*миллак, кўрак, гулдурак*)⁵, феъллардан (*эмизак—эмиз+ак, кесак—кес+ак*) от ясайди, лекин унумсиз ясовчи ҳисобланади.

-ги (-ки) аффикслари отларга қўшилиб, шу от маъносига хосликни билдирадиган буюм номи ясайди. Мисоллар: *бачки* (тож. *бача+ги*), *эрониги* (ипнинг бир тури), *шабаги* (нозик дўппи тури). Тожик тилидаги **-ги** аффикси баъзан маъноси ўзбекча **-лик** аффиксининг функциясига тўғри келадиган отлар ясайди. Қиёс қилинг: *букриги* (*букри+ги—горбатость*)⁷. Ўзбек адабий тилида эса **-ги (-ки)** аффикслари феълларга қўшилиб от, отларга қўшилиб сифат ясайди: *сулурги, сурги, тепки, кузги, ички каби*.

-бур элементи чеварлик лексикасида отларга қўшилиб касб-ҳунар эгалари номини ясайди: *гулбур* (<тож. *буридан—кесмоқ, гул—бур—гул кесувчи уста*), *дарзбур* (<тож. *дарз+чок, дарз+бур—ўзб. бичиқчи*), *тарҳбур* (*тарҳ—расм, план ва бур<буридан—кесмоқ—зардўзликда гул кесувчи уста*).

-гич (-ғич) аффикслари феъл ўзак-негизларига қўшилиб, қурол ва буюм отлари ясайди: *ўчирғич, тўғноғич, кийғич* (аёллар бош кийимининг бир тури). Бу аффикс адабий тилда от, сифат ясайди: *сўрғич, сузоғич*; Тошкент тип шеваларда кўпроқ **-ғич** формаси сифат ясайди: *тепонғич—тепонғъч*⁹ каби. **гич (-ғич)** касб-ҳунар лексикасининг бошқа тармоқларида ҳам мавжуд бўлиб, феълларга қўшилиб буюм номи ясайди: *пудағич, қирғич*¹⁰.

-дон аффикси профессионал лексика тармоқларида отларга қўшилиб, ўша от англатган нарса солинадиган буюм номи ясайди: *муҳрдон, сурмадон, қаламдон*; чеварлик лексикасида: *ойнадон* (келинларнинг упал-элик ва ойна солиб қўядиган каштали халтаси), *тароқдон, шонадон* (кашта тикилган тароқ халтаси).

-дор отларга қўшилиб маълум сифатга эга бўлган буюм тури номини ясайди: *заминдор* (гаги қуюқ тикилган сўзана типи), *буттадор* (орнаментал хусусиятига кўра номланган зардўзи тўн тури). Адабий тил ва шевалар лексикасида¹¹ бу аффикс кўпинча отдан сифат ясайди.

-дўз (тож. *духтан—тикмоқ феълидан*) отларга қўшилиб тикиши иши билан боғланган ҳунар турлари билан шуғулланувчи шахс номлари ясайди: *дўппидўз* (дўппи тикувчи), *зардўз, зехдўз, йўрмадўз, каштадўз, қалпоқдўз*. Қиёсланг: адабий тилдаги *этикдўз, мўйнадўз*; шеваларда: *шаппошдўз—шаппошдоз*¹², *тўппдўз* каби.

дўзи (дўз+и) — мураккаб аффикси чеварлик лексикасида отларга қўшилиб, шу от орқали англашилган предмет асосида пайдо бўлган буюм тури ва шу буюмга хос сифат номи ясайди: *бирешимдўзи* (тож. *абрешим—ипак*), *гулдўзи* (фақат чизилган гули зар билан тикилган зардўзи буюм), *зардўзи* (зар билан тикилган буюм), *заминдўзи* (тож. таги тикилган зардўзи буюм тури) каби.

⁵ М. Маъруфов, Словообразовательные и словозменительные аффиксы узбекского языка, «Узбекско-русский словарь», М., 1959, стр. 716.

⁶ А. К. Боровков, Узбек тилининг қисқача грамматик очерки, «Узбекско-русский словарь», М., 1959, стр. 689.

⁷ А. К. Боровков, Таджикско-узбекское двуязычие и вопрос о взаимовлиянии таджикского и узбекского языка. Уч. зап. Инст. Вост., IV, М., 1952, стр. 197.

⁸ А. Шерматов материалларидан.

⁹ Ш. Шобдуррахмонов, Юқоридаги асар, 181-бет.

¹⁰ С. Иброҳимов, Юқоридаги асар, 173-бет.

¹¹ Ф. Абдуллаев, Хоразм шевалари, I, Тошкент, 1961, 191-бет; Ш. Шобдуррахмонов, Юқоридаги асар, 182-бет.

¹² Б. Жўраев, Юқори Қашқадарё ўзбек шевалари лексикаси, «Ўзбек шевалари лексикаси», ФАИ нашриёти, Тошкент, 1966, 166-бет.

-дўзлик (дўз+лик) — отларга қўшилиб, шу от англатган буюмни ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи касб номлари ясаиди: *дўппидўзлик, зардўзлик, каштадўзлик, мунчоқдўзлик*.

-и аффикси қурол номларига қўшилиб, шу қурол ёрдамида ишлаб чиқарилган буюм тури — номини ясаиди: *бигизи* (жияк тури), айрим отларга қўшилиб, шу от — предмет рангига хос бўлган буюм номи ясаиди: *долчини* (долчин рангли ипак), *зангори* (зангор рангли ипак); баъзи бир жой номини билдирадиган отларга қўшилиб, шу жойга хос иш усули номини ясаиди: *кобули* (Кобул зардўзлигига хос тикиш тури), *қандаҳори* (Қандаҳор зардўзлигига хос тикиш тури) каби. -и аффикси касб-хунарниқ бошқа тармоқларида ҳам от ясаиди¹³. Хоразм шеваларида -и аффиксининг бир варианты сифатдан от ясаиди: *қизил-қизили* — чала янчилган буғдой¹⁴.

-к, -к, иқ аффикслари феъл ўзак-негизларига қўшилиб, иш процесси, иш усулига доир номлар ясаиди: *йўрмак* (йўрмоқ феълидан; тикиш номи), *тепчик* (тепчимоқ феълидан), *бўёқ* (бўямоқ феълидан); *пилдироқ, илмоқ, айлантириқ, босиқ, бостириқ, ўтқизиқ* каби.

-каш (тож. *кашидан* — тортмоқ, олиб бормоқ, чизмоқ феълнинг ўзаги) — ўзбек тилида аффиксга айланган бу ясовчи элемент отларга қўшилиб *пилтакач* (пилта+каш), *тахтакач* (тахта+каш) каби қурол отлари ва касб эгалари номлари ясаиди: *найчакаш, чизмакаш, қаламкаш*.

-кашлик — бу мураккаб аффикс от ва феъл негизларига қўшилиб, касб номлари ясаиди: *чизмакашлик, қаламкашлик* каби.

-лик — бу аффикс бирор буюм учун хосланган, маълум ўлчовда мўлжалланган¹⁵ буюм ва буюмнинг қисмлари номини ясаиди: *астарлик* (дўппи астари учун), *учгалик* (нақшнинг маълум сон билан ўлчаниб тикиладиган қисми) ва бошқалар.

-пуруш, -пурушлик (тож. *фурухтан* — сотмоқ феълнинг негизи) — ўзбек тилида ясовчи саналадиган бу элемент отларга қўшилиб, шу отдан англашилган буюм билан савдо қилувчи шахс номи ясаиди: *дўппипуруш, дўппипурушлик, чойшабпуруш, чорсипурушлик, қийиқчапуруш* каби.

-ма — бу аффикс феъл, ўзак ва негизларга қўшилиб асосан, ўзакда ифода этилган ҳаракатга тааллуқли бўлган ёки ўша иш натижасида юзага келган буюм ёки ҳаракат усули номларини билдиради: *босма* (тикиш усули), *бостирма* (чок тури), *бўртма, илма, ёлма* (ёпмоқ феълидан; тикиш усули асосида номанган сўзана тури), *йўрма* (тикиш усулига кўра номланган жияк тури), *кўклама, кўптирма, санама, чекма, терма* (чок турлари номи), *тепчима* (дўппи тури) каби.

-печ (тож. *печидан* — ўрмоқ, ёпмоқ феълидан) — отларга қўшилиб, маълум предмет ёки жойни ўраш, ёпиш учун фойдаланиладиган буюм отлари ясаиди: *дорпеч* (дор ёпиғи), *дасторпеч* (саллани ўраб қўйиладиган буюм), *кирпеч, тоқчапеч, бўқчапеч* каби.

-пўш (тож. *пўшидан* — ёймоқ) отларга қўшилиб, шу отдан англашилган предметни ўраб, ёпиб қўядиган буюм номи ясаиди: *ёстиқпўш, тоқчапўш, сандалипўш*. Солиштиринг: сэрпош, шэппош¹⁶.

-ча — бу аффикс кўпчилик адабиётларда кичрайтиш-эркалаш аффикси ҳисобланиб, янги маъноли сўз ясовчилар қаторига киритилмай-

¹³ С. Иброҳимов, Юқоридаги асар, 174-бет.

¹⁴ Ф. Абдуллаев, Юқоридаги асар, 195-бет.

¹⁵ «Ҳозирги замон ўзбек тили», Тошкент, 1967, 337-бет.

¹⁶ Б. Жўраев, Юқоридаги асар, 166-бет.

¹⁷ А. Н. Кононов, Грамматика узбекского языка, Ташкент, 1947, стр. 97—98; З. Маъруфов, Ўзбек тилида от ясовчи суффикслар, УзФАН, 1941; Н. А. Баскаков, Каракалпакский язык, часть II, М., 1952, стр. 179; А. Н. Кононов, Грамматика современного узбекского литературного языка, АН СССР, М. — Л., 1960, стр. 126.

ди¹⁷. «Ҳозирги замон ўзбек тили» китобида: **-ча** ёрдами билан сифатлардан от ясалади: *қизилча* (лавлагги), *кўкча* (қовун тури), *олача*¹⁸, деб кўрсатилади. Бу изоҳ унча етарли эмасга ўхшайди. Чунки *бўйинча*, *қаламча* каби сўзларда отдан от ясалган.

А. Ғ. Ғуломов **-ча** аффиксининг ҳозирги ўзбек тилида қўлланиладиган эркалаш-кичрайтиш аффиксларидан фарқлиниши ва унда қисман янги сўз ясашга интилиш тенденцияси мавжуд эканлигини кўрсатиб ўтган (*қизилча* — лавлагининг бир тури)¹⁹. З. Маъруфов ҳам *декча*, *найча* (тўқимачилик термини), *белча* (косибчилик термини), *шолча*, *қийиқча* каби сўзлар кичиклик маъноларини йўқотиб, алоҳида луғат каби тасаввур этилади, деб ёзади²⁰. Хоразм шеваларида бўлса **-ча** аффикси буюм турини ясайди: *тамав* — *тамав+ча* (рўмолнинг бир тури)²¹.

-чи аффикси чеварлар лексикасида отларга қўшилиб касб эгалари ва ишлаб чиқариш процессининг айрим қисмлари билан шуғулланувчи шахс отлари ясайди: *биқиқчи*, *бўёқчи*, *дўппичи*, *закатопчи* (газотовчи), *ийгчи*, *каштачи*, *маталчи*, *найчачи*, *пресчи*, *тепчикчи*, *чалувчи*, *шинончи*, *қалпоқчи* кабилар.

-чилик. Бу мураккаб аффикс отларга қўшилиб, касб номлари ясайди: *бўёқчилик*, *дўппичилик*, *каштачилик*, *косибчилик*, *попопчилик* ва бошқалар.

-ш(-иш) — феъл ўзак ва негизларига қўшилиб, ишлаб чиқариш процесси номлари ясайди: *астарлаш* (дўппига астар ўрнатиш), *бичиш*, *босиш* (гул тушириш), *бостириш*, *бўяш*, *дазмоллаш*, *кесиш*, *сайиш* (игна санчиш), *тепчиш*, *эчиш*, *тоблаш*, *пишитиш*, *тарклаш*, *пресслаш*, *қолиплаш* каби.

-в(-ув) аффикси ҳам **-ш(-иш)** каби феълларга қўшилиб, ҳаракат, иш процесси номи ясайди: *тепчув*, *йирик тепчув*, *тайёрлов*, *қўйиув* каби. Чеварлик лексикасида ҳаракат ишлаб чиқариш процесси номлари асосан, **-ш(-иш)** аффикслари воситасида ясалади. **-в(-ув)** аффикси билан яслиш профессионал лексикасида жуда сийрак учрайди. **-чи**, **чилик**, **-ш(-иш)** аффиксларининг қўлланиши эса адабий тил билан тамоман мос келади.

Юқорида кўриб ўтилган аффикслар орасида ўзбек тилига тожик тилидан кирган **-дўз** (тож. *дўхтан* — тикмоқ феълидан), *каш* (тож. *кашидан* — олиб бормоқ, тортмоқ, чизмоқ феълидан), **-дор** (тож. *доштан* — эга бўлмоқ феълидан) каби элементлар борки, улар ўзбек тилида мустақил сўзга нисбатан ясовчи аффиксга кўпроқ яқин туради ва ҳар икки тил базасида сўз ясайди (*дўппидўз*, *каштадўз*, *қалпоқдўз* каби). Тожик тили базасида ясалган сўзларда булар мустақил сўз саналади. **-дор**, **-дўз** каби элементлар тожик тилида ўзакларни бириктириш йўли билан ясалган қўшма сўзнинг компоненти ҳисобланади.

Т. Турсунсва

УРФ-ОДАТ НОМЛАРИ

Ўзбек халқи орасида тарқалган урф-одатлар жуда кўп ва хилма-хил бўлиб, уни ифода этадиган ва ўрганилиши зарур бўлган атамалар ҳам шунча кўп ва хилма-хилдир. Улар ўзларининг яшовчанлиги, урф-одатларнинг асрдан-асрга ўта боришлари натижасида бир қанчаси ҳо-

¹⁸ «Ҳозирги замон ўзбек тили», Тошкент, 1957, 315-бет.

¹⁹ А. Ғ. Ғуломов. Проблемы исторического словообразования узбекского языка, Аффиксация, ч. I, Словообразующие аффиксы имен. Автореферат докт. дисс., Ташкент, 1955, стр. 20.

²⁰ З. Маъруфов, Сўз состави. От за сифат, Тошкент, 1956, 43-бет.

²¹ Ф. Абдуллаев, Хоразм шевалари, I, Тошкент, 1961, 207-бет.

зирги давргача етиб келган; айримлари эса, ўша одатлар қолиб кетганлиги сабабли ишлатилмаган, баъзиларининг лексик маъносида силжиш рўй берган, иккинчи бирларининг формасида баъзи ўзгаришлар бўлган. Шунингдек, кейинчалик кишиларнинг бахтли ҳаётни севиши, дилларидаги чексиз хурсандчилик, меҳмондўстлик одатининг ривожланиши ва ниҳоят, СССР халқлари ўртасидаги бузилмас дўстлик, ҳамкорликнинг кучайиши орқасида бир-бирларидаги илғор традицияларнинг ўтиши натижасида *Брильянт тўй*, *Олтин тўй*, *Кумуш*, *тўй*, *Қизил тўй*, *Янги йил*, *Именина*, *Диплом тўйи*, *Баҳор байрами*, *Гул байрами*, *Пахта байрами*, *Ҳосил тўйи* (*Ҳосил байрами*), *Уй тўйи*, *Жўнатиш тўйи* каби бир қанча янги одатларнинг номлари пайдо бўлган. Булар ҳозирги ўзбек адабий тили лексикасидаги актив атамалардан саналади.

Урф-одат номларини лексик-семантик нуқтаи назардан классификация қилиш мумкин:

1. Бола туғилиши муносабати билан вужудга келган урф-одатларни ифодаловчи атамалар.
2. Хатна тўйи билан боғлиқ бўлган расм-русумлар.
3. Никоҳ тўйи муносабати билан юзага келган одат ва маросимлар.
4. Меҳмондорчилик, зиёфат ва ўтириш номлари.
5. Халқ байрамлари ва тантанали кунларни нишонлаш одатлари.
6. Деҳқончилик ва бошқа касб-кор соҳаларига тааллуқли бўлган урф-одатлар.
7. Ҳар хил ўйинларнинг номлари.
8. Диний ва хурофий одатларнинг номлари.
9. Киши вафотидан кейин амал қилинадиган одат ва маросимларнинг номлари ва ҳ. к.

Ўзбек тилидаги урф-одатларни ифодаловчи ҳамма ном-атамаларни тўплаш, уларни оқоридаги классификацияга мувофиқ бирма-бир таҳлил қилиш жуда катта меҳнатни талаб қиладиган мураккаб ишдир. Бунинг мураккаблигининг сабаби шуки, қадимда ўзбек халқи жуда кўп қабилалар ва уруғлардан таркиб топган. Буларнинг яшаган жойлари ва кун кечириш тарзи ҳам ҳар хил бўлиб, урф-одатлари ҳам ранг-барангдир. Уларнинг айримлари бир-бирига ўхшаш бўлса, кўплари ўзаро фарқланади. Уларнинг номланишида ҳам ҳар хиллик учрайди. Масалан, *никоҳ* тўйидан сўнг келин ота-оналарининг қизи ва куёвини қақриши одати Тошкентда *чарлар*, Андижонда *куёв қақирди*, *чақирди*, Фарғона ва Марғилонда *чақирқ* деб номланади. Хатна тўйи кунни тўй қилувчи шахсдан, шунингдек, унинг яқин кишиларидан пул ундириш одати, Андижонда *қул боғлади*, *боғланди*, *боғлади* деб юритилса, Избоскан районида *кампир боғлади*. Қўрғонтепа қишлоғида *боғланди-боғланди*, Қўқон шевасида эса *бсғлар* дейилади. Шеваларда бир одатнинг бундай турлича номланиши ҳоллари жуда кўп учрайди.

Бирор шеванинг ўзидаги барча расм-русумларни акс эттирувчи атамаларни кўрсатилган классификацияга асосланган ҳолда ўрганишнинг ўзи ҳам осон иш эмас. Ана шуларни эътиборга олиб, биз фақат Андижон группа шеваларидаги хатна тўйи ва никоҳ тўйига алоқадор бўлган урф-одатларни ифодаловчи атамаларнигина тўплаш ва лингвистик томондан ўрганишни ишимизнинг асосий объекти қилиб олганмиз, шунинг учун ҳам биз бу мақолада шу ҳар икки маросимнинг номлари ҳақида қисқача маълумот бермоқчимиз.

Хатна қилиш одатини дастлаб кишилар тош қуролини ишлата бошлаган даврда¹, мисрликлар кашф этган². Бу ибтидоий жамиятда ўсмирларнинг катталар қаторига ўтишини нишонловчи, шунингдек, уларнинг

¹ Е. М. Ярославский, Библия для верующих и неверующих, 1959, стр. 124.

² М. С. Беленьский, Иуданизм, 1966, стр. 108.

ҳар қандай қийин ишларни ҳам қила олиш қобилиятини синаб кўрувчи хурофий одатлардан бири сифатида юзага келган. Биз хатна қилиш одатини қайси халқда учратмайлик, улар формаларининг социал моҳияти жиҳатидан бир-бирдан фарқланишини кўрамиз. Бу ҳақда Поль Лафарг шундай дейди: «Суннат, биз қайси халқда кўрмайлик, турли синф ва халқларда турлича бўлиб, бир-бирдан фарқ қилган»³. Урта Осиё халқларини орасида хатнани араблар «суннат» тариқасида тарқатганлар. *Суннат*, (*Хатна*) қайси динга мансубликни кўрсатувчи ташқи белги саналган ва мусулмонларни бошқа динга мансуб кишилардан ажратиш мақсадига хизмат қилган. Натижада туркий халқларнинг тилида бу одат арабча *Суннат*, *Хатна* (кейинчалик эса *Суннат тўйи*, *Хатна тўйи* ва ҳоказо) деб номланади. Бу маросимга боғлиқ бўлган ҳолда бир қанча янги одат ва маросимлар таркиб топдики, улар ўз ўрнида ўзбек адабий тили ва халқ шевалари лексикасидаги урф-одатларни англатувчи турли-туман этнографик атамаларнинг шаклланишига сабаб бўлади.

Хатна тўйини маросими билан боғланган расм-русум номларини Андижон шеvasи материаллари асосида қуйидагича тематик группаларга ажратиш мақсадга мувофиқдир:

1. Тўй номини ифодаловчи атамалар.
2. Хатна тўйини бўладиган кунгача ўтказиладиган расм-русумларнинг номлари.
3. Хатна тўйини кунини амал қилинадиган урф-одатларнинг номлари.
4. Хатна тўйида ўтказиладиган ҳар хил ўйин ва бошқа миллий одатлар номларини англатувчи атамалар.
5. Хатна тўйидан сўнг шу тўйга боғлиқ бўлган ҳолда ўтказиладиган урф-одатларнинг номлари.

Супра солди — хатна тўйи муносабати билан биринчи бор нон ёпишга тайёргарлик кўриш одати. Бунда ён қўшнилardan кекса бир аёл супрани очиб, ун элаб беради. Кейин ишни бошқа аёллар давом эттиради. Бундаги *Супра ёзди* атамаси тўй бошланди деган ички маънони англатади. Одат Андижоннинг ўзида *Супра очди* деб ҳам номланади. Уш областининг Ўзганд шаҳрида истиқомат қилувчи ўзбеклар шеvasида эса *Супра ёйди* дейилади.

Жиянговоқ — тўй эгасининг ўз жиянини алоҳида товоқдаги гўшт билан меҳмон қилиш одати. Бу атама Юқори Қашқадарё ўзбек шеваларида «тўй қилувчининг жияни ўз уйида қилиб келган ош (у тўйдаги-ларга оз-оздан улашилади)» маъносида қўлланилади⁷.

Қизни йигитга унаштириш, тўйгача ўзаро муносабат, тўй ва ундан сўнгги маросим ва одатларни ифодаловчи сўз-терминлар ҳам хилма-хилдир.

Ўйланиш муносабати билан вужудга келган урф-одатларни ифодаловчи атамаларнинг тематик жиҳатдан группаланиши тубандагича:

1. Никоҳгача бўладиган расм-русум.
2. Никоҳ тўйи кундаги расм-русумлар. Чунончи: келинни тушуриб келишгача ва олиб келинганидан сўнг қилинадиган расм-русумларнинг номлари.
3. Никоҳ тўйи кундаги ўйин номлари.
4. Никоҳ тўйини ўтгандан кейин тўйга боғлиқ ҳолда қўлланиладиган расм-русумларни акс эттирувчи терминлар.
5. Янгича тўй муносабати билан юзага келган расм-одатларни билдирувчи терминлар.

Мисоллар келтирамиз:

Этак йиртиш, *Бешик кетди* — қиз билан йигитни чақалоқлик пайтларида унаштириб қўйиш одатининг номлари. Бу одатга деярли барча

³ Поль Лафарг. Маданият тарихи очерклари, М.—Л., 1962, 182-бет.

жойларда амал қилинади, шунинг учун ҳам унинг атамаси ёзма адабиётда, айниқса бадний адабиётда, кенг қўлланилмоқда. Масалан: Уртада бир андиша бор, у ҳам бўлса ёшликлариди *этакйиртиш* қилиб қўйганмиз, холос. — *Этакйиртиш!* Қани энди уйдаги гап кўчага тўғри келса, дўстим» (М. Исмоилий, Ф. т. отг.). Бизлар ҳам «қизимиз ёш, қолаберса бир йигитга *бешик кетди* қилинган», деб ипини узиб юбордик (Мирмуҳсин, Чўри). Тўтиқиз Дилшодга *бешик кетди* қилиб қўйилганини яхши билса, бунга кўникиб кетган бўлса ҳам яна қизлик ибоси қўймайди... (М. Исмоилий, Ф. т. отг.).

Энг эски расм-рисуслардан бири ҳисобланган бу одат ўзбек халқ шеваларида *Сирға солди* (Хўжабод шеvasи), *Бэхшэнна* (Юқори Қашқадарё ўзбек шевалари) деб ҳам номланади⁴. Бошқа халқларда эса бу одат *Говорабахш горовабахш*, *говорабахшиши хийҳай* (тожик)⁵, *гаҳворабахш* (Урта Оснё яҳудийлари), *Жастай қудаласу* (қозоқ)⁶ *Қудатусиу* (Амударёнинг қуйи соҳилларида яшовчи қозоқларда)⁷ деб юритилади. Шуниси характерлики, Амударёнинг қуйи соҳилларида яшовчи қозоқларда бола туғилмасдан олдин ҳам унаштириб қўйиш одати бор. Бу унаштитиш *Актайынан қудатусиу* деб аталса, ёшликда унаштириш «кишкентайынан койган» деб номланади.

Хом тугун — қизни йигитга унаштириш учун биринчи марта олиб бериладиган совға. Бу совға фақат қизнинг ота-оналари розилигини олиш учун олиб борилади, шунинг учун ҳам у унча кўп бўлмайди. Бу номни ифодаловчи қўшма атаманинг биринчи компоненти ҳисобланган «хом» сўзи «асосий совға эмас» деган маънодадир. Бу совға Избосканда Хамир учидан патир дейилади. Бутун ҳолда кўча маънода қўлланган ва фразеологик бирлашма (бутунлик) ҳисобланган бу турғун бирикма «келажакда бериладиган катта, кўп нарсадан бир бўлак» сингари маънони англатади. Уш областининг Бозорқўрғон қишлоғида эса, биринчи совғанинг номи Кичик сават, Кичик патир деб юритилади.

Хуллас, юқоридагилардан кўринадики, халқ этнографиясига оид атамалар жуда бой ва ранг-баранг бўлиб, булар айрим лаҳжаларимиз лексикасида ҳам, умумхалқ тили лексикасида ҳам алоҳида бой қатламдир. Халқ тилидаги бундай бойликларни тўплаш лексикологияни илмий терминологияни ишлаш, луғатлар, айниқса, изоҳли луғат тузиш, тил тарихини ўрганиш учун жуда кераклидир. Бундай иш фақат тилшунослик фани учун эмас, балки тарих, этнография фанлари ва бошқа соҳалар учун қимматли материал бўла олади.

А. Жўрабоев

ЎЗБЕК ТИЛИДА ҲИСОБЛАШ ТЕХНИКАСИ ТЕРМИНЛАРИНИНГ ЯСАЛИШИГА ДОИР

Кейинги ўн йил ичида мамлакатимизда электрон ҳисоблаш машиналарини ишлаб чиқаришга катта аҳамият берилмоқда. Ҳозирги вақтда техникага оид бўлган жуда кўп ва мураккаб математик масалалар машина ёрдамида тез ва яқин ечилмоқда. Ҳисоблаш техникаси атом физикаси, астрономия, геофизика, космонавтика сингари фан ва техниканинг қатор соҳаларида кенг қўлланилаётган бир вақтда, ўзбек тилида ҳисоблаш техникаси терминологияси ишлаб чиқилган эмас. Шунинг учун ҳам қатор адабиётларда бир хил тушунчани турли терминлар билан ёки

⁴ «Ўзбек шевалари лексикаси», Тошкент, 1966, 188-бет.

⁵ Н. А. Кисляков, *Семья и брак у таджиков*, М. — Л., 1959, 75—76-бет.

⁶ «Народы Средней Азии и Казахстана», II, М., 1963, 434, 625-бетлар.

⁷ У. Х. Шапленов, *Казахи в низовьях Амударьи*, Тошкент, 1966, стр. 242.

турли тушунчаларни бир термин билан ифодалашга ҳаракат қилинади. Шу сабабли ҳисоблаш техникаси терминларига аниқлик киритиш зарур илмий масалалардан бири бўлиб қолди.

Биз бу мақолада ҳисоблаш техникасига оид терминларни яшашнинг баъзи бир усулларини кўриб ўтамиз.

Бизнингча, ўзбек тилида ҳисоблаш техникаси терминлари яшашда қуйидагиларга амал қилиш мақсадга мувофиқдир:

1. Русча ёки интернационал терминларни айнан қабул қилиш. Масалан: *автоматика, триггер, адрес, биакс, криатрон, трансфлюксор*.

2. Аффикация усули билан термин яшаш. Русча сўз таркибидаги *-ость* суффикси ўзбек тилида *-ув, -увчанлик* аффикслари билан (*проводимость — ўтказувчанлик*) ифода қилинади. Рус тилидаги *-ский, (-ская, ское), -ческий, -ический* каби суффикслар ўрнига ўзбек тилида *-ик* аффикси қўлланади: *автоматическая защита — автоматик ҳимоя, алгоритмический синтез — алгоритмик синтез, циклический код — циклик код*.

Русча терминлар таркибида *-изация, -ирование, -ировка* суффикслари бўлган сўзлар ўзбек тилида шуларга мос келувчи *-лаш, -лаштириш* аффикслари билан алмаштирилади; *агрегатизация — агрегатлаш, резервирование — резервлаш, кодирование — кодлаш*. Рус тилига чет тилидан кирган *-альн, -ив, -ион, -ичн* аффикслари билан тугаган сифатлар ўзбек тилида охириги қўшимчасиз *-ал, -ив, -ик* билан тугайди. *Локальный — локал, итерационный цикл — итерацион цикл* каби.

Рус тилидаги *-иц (-аиц, -уиц, -юиц)* суффикси билан тугаган терминлар ўзбек тилида *-увчи, -ловчи, -ланувчи* аффикси билан тугайди, *вращающийся — айланувчи, размагничивающее поле — магнитсизловчи майдон* каби.

Рус тилидаги *-пере* олд қўшимчаси билан ифодаланган сўзлар ўзбекча терминларда *қайта, ўта* сўзлари билан ифодаланади: *переманитивание — қайта магнитлаш, переадресация — қайта адреслаш*.

Рус тилидаги инкор юкласи (*без-, бес-*) ўзбек терминларда *-сиз* аффикси билан ифодаланади. *Безусловный оператор — шартсиз оператор, бесконечный автомат — чексиз автомат, бесконтактное магнитное реле — контактсиз магнит реле*.

3. Калькаләш усули билан сўз яшаш. Ҳисоблаш техникасига оид русча терминларни ўзбек тилида беришда, айниқса, калька усули алоҳида ўрин тутади.

Ўзбек тилида калькаләш йўли билан ясалган терминлар тузилиши жиҳатидан икки хил бўлади: 1) лексик калькалар; 2) фразеологик калькалар.

Лексик калькалар ўз навбатида яна икки гурпуага: морфологик ва семантик калькаларга бўлинади.

Лексик калькалар ўзбек тили лугат составида асосий ўринни эгаллайди. У ўзбек тилида кенг тарқалган ҳодисадир.

Морфологик калькаләшда сўзларнинг морфологик структураси айнан таржима қилинади. Рус тилидан калька йўли билан ясалган терминлар ўзбек тилининг ички имкониятлари асосида юзага келтирилади. Аниқроғи, бунда ўзбек тилининг морфологик структураси муҳим роль ўйнайди. *Усилитель — кучайтиргич, регулятор — ростлагич, устройство — қурилма* қабилда ясалган терминлар морфологик калькалар жумласига киради. Булардан бошқа рус тилидан ўзбек тилига қўшма ва бирикмали терминлар ҳам калькаланади. Қўшма ва бирикмали терминлар (ўзбек тилида ва бошқа миллий тилларда ҳам шундай) сермаҳсул калька ҳисобланади. Ўзбек тилида ҳисоблаш техникасига оид қўшма ва бирикмали терминларга қуйидагиларни киритиш мумкин: *волновое сопротивление — тўлқин қаршилиги; случайное число — тасодифий сон; полупроводник — яримўтказгичлар* ва ҳоказо.

Рус тилидан ўзбек тилига русча қўшма терминлар калькаланганда, ўзбек тилида қўшма эмас, балки бирикмали термин ҳосил бўлади (масалан, *полупроводник* — *яримўтказгич*; *звукпровод* — *товушўтказгич* каби).

Юқоридаги мисоллардан кўринадики, ҳисоблаш техникасига оид қатор терминлар ўзбек тилида айнан калька қилиб олинган.

Маълумки, тилшуносликда, умуман калькалар (яъни калькалаштирилган сўз ва бирикмалар) тўлиқ ва ярим калькалар деб юритилади.

Шунга биноан, ўзбек тилидаги ҳисоблаш техникасига оид терминлар ичида ҳам бундай калькаларни кўплаб учратиш мумкин. Юқорида кўриб ўтилган калькаларнинг ҳаммаси тўлиқ калькага мисол бўлади.

Ўзбек тили луғат составидан тўлиқ калькалар билан бир қаторда, ярим калькалар ҳам мустақкам ўрин олган. Ярим калька қилинган терминларнинг бир қисми ўзга тилдан ўзлаштирилади, қолган қисми эса ўзбек тилининг ўзига оид сўзлардан иборат бўлади. Бу тип калькада ҳам ясама сўзлар (сода ва қўшма) ва сўз бирикмалари ҳамда аффикслар калькаланади. Қўйидаги мисоллар ярим калькалар жумласидандир: *моделирование* — *моделлаш*, *индуктивность* — *индуктивлик*, *ультразвук* — *ультратовуш*, *анодное напряжение* — *анод кучланиши* ва ҳоказо.

Ўзбек тили луғат составининг бойишида семантик калька йўли билан сўз ясаш ҳам алоҳида ўрин тутаяди.

Семантик калькалашда чет сўзнинг муайян бир маъноси она тили сўзларига юклатилади. Агарда бошқа тип калькаларда, масалан, морфологик калькаларда сўзларнинг маъноли қисмлари, морфемалари бирма-бир таржима қилинса, семантик калькада айни бир сўзнинг бирор маъносигина кўчирилади. Бунда сўз қабул қилувчи тилнинг луғат составидаги бирор сўзнинг янги маъно билан бойишини кўриш мумкин.

Ҳисоблаш техникасига оид қўйидаги терминлар семантик калькага мисол бўла олади: *катушка* — *ғалтак* (*катушка индуктивности* — *индуктивлик ғалтаги*), *сопротивление* — *қаршилик* (*сопротивление обратной связи* — *тесқари боғланиш қаршилиги*), *дополнение* — *қўшимча* (*дополнительный код* — *қўшимча код*) кабилар.

Бу ерда *ғалтак*, *қаршилик*, *қўшимча* сўзлари ўзининг асл маъносидан ташқари ҳисоблаш техникасидаги маъноларни ҳам англатиб келади. Демак, юқоридаги сўзлар ўз маъносидан ташқари яна бир маъно билан бойиган. Шунинг ҳам айтиш керакки, маълум бир терминнинг семантик калька қилинганлигини контекстдан пайқаб олиш мумкин.

Хулоса қилиб шунини айтиш мумкинки, ўзбек тили, бир томондан, рус тилининг баракали таъсири натижасида, иккинчи томондан, ўз ички имкониятлари асосида ўзбекча ҳисоблаш техникаси терминларининг ясалиши учун катта имкониятларга эга.

О. Абдуллаев, Э. Шоаҳмедов

КЛАССИК АДАБИЁТ ПОЭТИ-
КАСИДАН МАЪЛУМОТЛАР

Е. ИСҲОҚОВ

ТАЛМЕҲ¹

Талмеҳ (арабча لِمَح — чақмоқ чақилиши; لِمَحَه — бир назар ташлаш) классик поэзияда кенг қўлланилган маънавий санъатларнинг энг характерлиларидан бири бўлиб, ўзбек совет шоирлари ижодига ҳам учраб туради.

Классик поэтикага доир бир қатор асарларда берилган бу санъатнинг таърифи асосан бир-бирига мос келади. Масалан, «Ал-мўъжам фи маъоир — ул-ашъор — ул-ажам»да: «Шоир озгина сўз билан кўп маънони ифодаласа, ана шунга талмеҳ дейилади. Бу санъат балоғат эгалари назарида итнбдан (гапни чўзишдан — *Е. И.*) кўра мақбулроқдир»², дейилса, «Мабони-юл-иншо»да «Талмеҳ сабқати зикри воқеъ ўлмақсинин қиссая ёхуд масали соир ҳукминда бўлгон бир шеъра ишорат айламақдир», деб изоҳланади³. «Мезон-ул-балоға», «Балоғати усмония» ва «Илми бадеъ дар забони форсий»да берилган таърифлар асосида ҳам асосан шу фикрлар ётади. Чунончи, сўнгги асарда қуйидагича таъриф берилади: «Талмеҳ шуки, сўзловчи (яъни ёзувчи, баён қилувчи) назм ё насрда ўз матлабининг исботи учун машҳур қиссага ё оятга, ё ҳадистга, ё маълум масал ва шу кабиларга ишорат қилади. Шеърда баъзи илмий истилоҳларни ишлатишни ҳам шу санъат доирасига киритганлар»⁴.

Шундай қилиб, «Ал-мўъжам»да берилган талмеҳнинг таърифи кейинги асарларда янада конкретлаштирилган; санъаткорнинг талмеҳни ишлатишдан кузатадиган мақсадигина эмас, балки ана шу мақсадга эришиш воситалари ҳам кўрсатиб берилган. Демак, талмеҳ шоирга бир ишора билан чуқур маънони ифодалаш имконини берувчи санъатдир. У истиора, ташбеҳ каби санъатлардан фарқли ўлароқ, ижодкорга тарихий ё афсонавий веқеаларга, масаллар, машҳур асарлар ва қаҳрамонлар образига ишора қилиш ва шу йўл билан ўз фикрини мўъжаз ҳолда

¹ Шеъринг санъатлар бўйича консультация тарзида берилган мақолаларнинг давоми. Боши журналнинг I-сонига.

² كتاب المعجم فى معاير اشعار العجم تأليف شمس الدين محمد بن قيس الرازى، بتصحيح استاد معظم آقاى محمد بن عبدالوهاب قزوینى، طهران، ۱۳۱۴، ص ۲۷۹۰

³ ميرالای سلیمان بیك، مبانى الانشا، جلد ثانى، استانبول، ۱۲۸۹، ص ۸۳

⁴ عبدالرحمن ثوبى، میزان البلاغ، استانبول، ۱۳۰۳، ص ۳۷۴

احمد جودت، بلاغت عثمانیه، استانبول، ۱۳۱۵، ص ۱۶۳۰

سید محمد رضادائى جواد، «علم بدیع در زبان فارسى»، اصفهان (۱۹۵۶) ۱۹۳ ص ۱۹۵

кучайтириш учун имконият туғдиради. Масалан, Лутфий қуйидаги байтда Юсуф қиссасига ишора қилади:

Яъқуб бикин кўп йигидин қолмади сенсиз,
Нури басарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Уқувчи кенжа ўғли Юсуфдан айрилиб, унинг фироқида чексиз кўз ёшлари тўкиши оқибатида кўзлари ногирон бўлиб қолган Яъқубнинг ҳолатини эслаши билан ошиқ — шоирнинг ўз севгилиси иштиёқида қандай аҳволга тушиб қолганлигини дарҳол кўз олдига келтиради.

Отойнинг қуйидаги байтларида машҳур «Вомиқ ва Азро» ҳамда «Гул ва Наврўз» афсоналарига ишора қилинган:

Санго менсиз не ғам, жоно, ки мандек ошиқнинг юз минг,
Вале Азродан айрилмоқ балоий жони Вомиқдур.

Чун юзунг кўрди кўзум, қилди ватаннинг таркини:
Гулни чун Наврўз топди, ёди Навшод айламас.

Маълумки, Сулаймон пайғамбар ҳақида турли халқларда жуда кўплаб афсоналар мавжуд. Араб, форс ва ўзбек шоирлари ўз шеърларида Сулаймон номи билан боғлиқ бўлган ҳикоялар ва улардаги персонажлардан истифода этганлар.

Хоразмий:

Дунё сенга қолурму, Сулаймонга қолмади,
Улким анга мусаххар эди деуу ҳам пари?

Отойи:

Юзи ҳусн ичра Юсуфча туман минг,
Вале зулфи Сулаймон лашкаридур.
Рикобингда Отойи ушбу йўлда
Эрур мўре, Сулаймон бирла ҳамроҳ.

Ўзбек шоирларининг бундай шеърларини тўғри ва мукамал тушуномқ учун китобхон Сулаймон пайғамбар ва унинг номи билан боғлиқ бўлган ривоятлардан хабардор бўлиши лозим. Сулаймон ҳақидаги ривоятлар «Қуръон»нинг 27-сурасида ва бошқа тафсириларда кўплаб келтирилади. Сулаймон Довуднинг ўн тўққизта ўғли ичида энг билимдон ва энг ақллиси эди. Отасининг халфаси бўлган Сулаймон кейинчалик подшоҳ бўлади. Унинг қўлидаги узукка исми аъзам битилган бўлиб, Сулаймон шу узук ёрдами билан бутун инсонлар ва ҳайвонлар устидан ҳукмронлик қилади. У барча қушлар ва ҳашоратларнинг тилини тушунади ва улар билан доимо мулоқотда бўлади. Шамол ҳам бутунлай Сулаймоннинг иштиёрида бўлиб, унинг буйруқларини адо этади ва Сулаймон сафарга чиққудек бўлса, унинг тахтини олиб юради.

Сулаймоннинг шону шавкати ва қудрати «Кашфул асрор» сингари тафсир китобларда батафсил ҳикоя қилинади. Бу китобларда айтилишича, Сулаймоннинг одамлар, девлар, йиртқичлар ва қушлардан иборат катта лашкари, мингта тахти ва шунча канизаги бўлган. Халқ ўз фантазиясининг бутун кучини ишга солиб, Сулаймоннинг ҳарбий қудрати, жаннатнамо муҳити ва илоҳийлашган ҳаёти ҳақида афсоналар тўқиган. Бу эса ўз навбатида ўзбек классик адабиётининг намоёндаларига бирор реал ҳодисани Сулаймон пайғамбар билан боғлаш орқали шу ҳодисанинг тасвирий кучини ошириш учун имконият туғдириб келган.

Хоразмийнинг юқорида келтирилган байтида талмеҳ Сулаймоннинг деуу париларини мусаххар этса ҳам, дунёда абадий қолмаганлиги билан боғлиқ бўлса, Отойдан олинган биринчи байтда шоир Юсуфдек гўзал жаноннинг юзиви тўсиб турган қора сочларни тасвирлар экан, Сулаймон лашкарини кўз олдига келтиради.

Маълумки, классик шеърятда Сулаймон — қудрат, дабаба ва ҳашамат симболи бўлса, чумоли — ожизлик, хоксорлик, донолик рамзи сифатида қўлланган. Отойи ҳам иккинчи байтида маъшуқани ҳашаматли Сулаймонга, ўзини эса унинг остонасида турган заиф чумолига ўхшатар экан, ана шу анъана доирасида фикр юртади.

Сулаймон образи билан боғлиқ бўлган шеърлар бошқа ўзбек классиклари ижодида ҳам учрайди. Масалан, Саккокий бир ғазалида ёзади:

Юз узра гўйиё зулфинг Сулаймон мулкани тутмиш;
Ул аҳраманнинг илкиндин ҳазорон оҳу вовайло.

Аҳраман, қадимги эронийлар ақидасига кўра, поклик худоси Аҳурмаздога қарши курашиб, нопоклик ва ёмонлик тимсолига айланган. У Сулаймон ҳақидаги афсоналарда подшоҳ хизматидаги девлардан бири сифатида кўринади. У Сулаймоннинг узугини ўғирлаб олиб, қирқ кун мамлакатда ҳукмронлик қилади (Саккокий ўз байтида девнинг ҳукмронлиги пайтидаги жабр-зулмга ишора қилмоқда). Сўнгра узук дарёга тушиб кетади. Уни ютган балиқ эса овчининг қармоғига илинади. Сулаймон ундан узукни сотиб олиб, яна ҳокимият тепасига келади.

Сулаймон образи билан боғлиқ талмехлар Навоий шеърларида ҳам кўринади: Шоир ёзади:

Гар Навоийга Сулаймон мулкича бордур, не тонг,
Буки Билқиси замон назмини таҳсин айламиш.

Гар Сулаймон мажмаида бўлмаса жуз аҳраман,
Кимга ул мажмаъ аро, ё раб, нидо қилғай суруш.

Кўнгулдур ул паридин ишқ мулкнинг Сулаймони,
Қи ҳам бор ойдин ел ҳукмида, ҳам доғидин хотам.

Навоий биринчи байтда Сулаймон ва унинг севгилиси Билқис образидан фойдаланган. Билқис — Сабо маликаси. Сулаймон унинг таърифни эшитиб, ўша томонга йўл олади. Бу ҳақда Худҳуд хабар етказди. Билқис йўлга чиққанда, Сулаймоннинг хоҳиши билан, ҳудо унинг тахтини бир нафасда подшоҳнинг ҳузурига келтириб қўяди. Билқис Сулаймонга имон келтириб, унинг никоҳига ўтади.

Навоийнинг бу байтидан маълум бўлишича, шоирнинг қайсидир бир шеърини подшоҳнинг хотини ўқиб қолиб, уни мақтаган. Шоир бу байтда ана шу воқеага ишора қилмоқда.

Шоир иккинчи байтда шоҳнинг атрофини фақат девлар эгаллаб олса, фаришталарнинг нидосини ким ҳам эшитади, деган фикрINI айтиш учун Сулаймон ва аҳраман образларидан фойдаланади. Ниҳоят, Навоий охириги байтда шамол (ел) ва Сулаймоннинг узуги (хотам)га ишора қилиш орқали ҳам чуқур маънони ифодалаган.

Демак, бир афсонавий қаҳрамон ва у ҳақдаги ривоятлардан турли шонрлар турли мақсадда ва турлича аспектда фойдаланганлар.

Классик адабиётимизда кенг қўлланган талмех санъати ҳозирги шеърятимизда ҳам ўзининг бадий-тасвирий функциясини муваффақият билан бажариб келмоқда. Ўзбек совет адабиётининг пешқадам вакиллари талмехдан фойдаланиб, классик адабиётимизда деярли ишлатилмаган тарихий воқеалар, афсоналар, мифологик ва реал қаҳрамонларни ўз асарларига жалб этмоқдалар. Бу борада Фафур Гулом ижодини намуна қилиб кўрсатиш мумкин.

Тўғри, Фафур Гулом сингари новатар шоирлар классик шеърятимизда қайта-қайта ишлатилган традицион «материал» (масалан, Лайли ва Мажнун, Фарҳод ва Ширин, Вомиқ ва Азро; Искандар, дашти Карбало каби)дан фойдаланганда уларнинг янги қирраларини очишга, ян-

гича талқин қилишга интилсалар, айрим шоирлар традициянинг кучли таъсири остида шеърӣй шаблондан нари ўтолмаяптилар (айниқса ғазалларда).

Хуллас, талмеҳ классик ва ҳозирги замон шеърӣятидаги актив санъатлардан бири бўлиб, унинг қай йўсинда ишлатилиши ижодкорнинг эстетик принциплари ва поэтик маҳорати билан чамбарчас боғланган. Талмеҳ учун танлаб олинган объектнинг талқини ҳам ҳар бир шоирнинг дунёқараши ва асосий мақсади билан узвий алоқадордир.

ТАЖОҲУЛ-УЛ-ОРИФ

Тажоҳул-ул-ориф (تجاهل العارف) билувчининг билмаган бўлиб кўриниши) — шеърӣятда жуда кўп ишлатиладиган маънавий санъатлардан. Бу ҳақда «Арузи ҳумоюн»да (105-бет) шундай дейилади:

«Бу санъат шундайки, сўзловчи мавзунӣ ўзи билади, аммо сўрайди; гапнинг боришидан англашилиб турган мазмундан гўё бехабардек, ўзини билмасликка солади». «Жамъи мухтасар»да (89): «Бу ерда тажоҳул-ул-ориф шуки, шоир нима эканлигини билади, аммо ўзини билмаганга олади ва сен умисан ё бумисан деб савол беради».

Умуман, бу санъатнинг хусусиятини шундай изоҳлаш мумкин: шоир ўзи тасвир этаётган нарса ёки ҳодисани ёхуд унинг характерли хусусиятини яхши билади. Ана шу хусусият ёки белгиларни ёрқин ва таъсирли қилиб ифодалаш мақсадида, оддий хабар, баён йўлидан бормай, риторик савол усулидан фойдаланади. Бироқ шу саволнинг ўзида жавоб ҳам, яъни шоирнинг муддаоси кўриниб туради. Бу санъатнинг замирида ҳам, кўпинча, ташбеҳ ётади. Бироқ бунда қиёслаш савол йўли билан юзага чиқади. Мисоллар:

Юзунг майдин ўлдиму гул-гул ваё
Сочар чарх гулбаргу нарсин санго?
(Навоӣ).

Гул юзи атрофида ул лолаи асфармудур?
Енида зулфимудур ё кокули анбармудур?
(Хусайнӣ).

.. Чеҳранг чароғи нури мусаввар дагулмудур?
Анвар лоязолиға мазҳар дагулмудур?

Зулфунг саводидаким эрур ҳалқа-ҳалқа руҳ,
Ишрат соат эрмаси маҳшар дагулмудур?

Юзунг хаёли ғам кечаси хатту хол ила
Жон хилватида шамъи мунаввар дагулмудур? ...
(Лутфӣй)

Классик шеърӣятимизда кенг қўлланилган тажоҳул-ул-орифни ўзбек совет лирикасида (хусусан, Ҳабибӣй, Собир Абдулла ва Эркин Воҳидов ғазалларида) ҳам кўплаб учратиш мумкин.

ЮБИЛЯРЛАРИМИЗ

МАШХУР ТУРКШУНОС ОЛИМ

Кўзга кўринган талантли совет туркшуносларидан бири, СССР Педагогика фанлари академиясининг ҳақиқий аъзоси, Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор Виктор Васильевич Решетовнинг туғилганига олтиш, илмий-педагогик фаолиятига қирқ йил тўлди.



Виктор Васильевич ўзининг совет туркологияси ва айниқса ўзбек тилшунослиги, диалектологияси, лексикографияси масалаларига бағишланган кўплаб монография ҳамда мақолалари билан тилшунослик тараққиётига салмоқли ҳисса қўшди ва қўшмоқда.

Ўзбек тилшунослиги тарихига назар ташлар эканмиз, профессор Виктор Васильевич Решетовнинг Ўзбекистонда тилшунослик фанининг шаклланиши ва камолот босқичига кўтарилишида жуда катта ва самарали хизматларини кўраимиз. Қирқ йилдан ошиқдир-ки, Виктор Васильевич тилшунослигимизда ҳормай-толмай қалам тебратиб, ўзининг илмий ва назарий асарлари билан бу фаннинг бойишига салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда.

Виктор Васильевичнинг илмий фаолияти ранг-баранг ва серқиррали. У ўзбек тилшунослигининг барча соҳалари юзасидан 140 дан ортиқ дарсликлар, қўлланмалар, программалар, икки тилли луғатлар, ўзбек тили ва диалектологиясининг назарий масалаларини ёритишга бағишланган тадқиқотлар яратди, қирққа яқин монография, илмий тўпلامлар, дарсликлар ва луғатларга муҳаррирлик қилди.

В. В. Решетовнинг бу илмий-текширув ишлари фактик материални изчиллик билан ўрганиш, қизиқарли, ишонarli хулосалари ва умумлашмалари билан ажралиб туради. Олимнинг биринчи илмий иши ўзбек тили лексик составини аниқлашга бағишланган эди. Шундан сўнг у ўзбекчарусча, русча-ўзбекча луғатлар тузиш билан, илмий-методик ишлар билан шуғулланиб, ўрта мактаб ва олий ўқув юртлари учун ўқув-методик қўлланмалар яратади. Неча йиллардики, Ўзбекистондаги рус мактабларида таҳсил олаётган ўқувчилар Виктор Васильевичнинг ўзбек тили дарслигидан фойдаланиб келмоқдалар.

В. В. Решетов ўзининг бир қатор луғатлари, дарслик, методик қўл-

ланмалари, программалари билан ўзбек лексикологияси ривожига, ўзбек тили грамматик қурилишини ўрганиш ишига катта ҳисса қўшди. В. В. Решетовнинг илмий фаолиятида ўзбек диалектологиясига бағишланган асарлар алоҳида ўринни эгаллайди. Ўзбек тилининг нозик томонларини чуқур, атрофлича билган Виктор Васильевичнинг диалектологияга бағишланган илмий-назарий ишлари ўзининг аниқлиги билан ажралиб туради.

Профессор Е. Д. Поливанов айтганидек, ўзбек тили диалектал жиҳатдан ранг-баранг ва бойдир. Чунки ўзбек халқи ўзининг шаклланишида жуда мураккаб этногенетик процессни бошдан кечирган. Ўзбек тили диалектларида туркий қабилла тилларига хос хусусиятлар билан бир қаторда, туркий бўлмаган этник гуруҳларнинг тил хусусиятлари таъсири ҳам бор. Бу икки омил ўзбек халқининг шаклланиш процессида ҳал қилувчи ролни ўйнаб, ўзбек диалектларининг ранг-баранг бўлишига олиб келган. Мана шу турли-туман ўзбек диалектларини ўрганиш жуда катта илмий ва практик аҳамиятга эга. Диалектларни ўрганиш тил тарихи учун ҳам, халқ тарихи учун ҳам жуда бой материаллар беради, унинг айрим ноаниқ масалаларини ёритишда манба бўлади. Шу билан бир қаторда ҳозирги замон ўзбек тили курсини яратиш, изоҳли луғатлар тузиш ҳамда ўзбек орфографияси ва орфоэпияси қонун-қоидаларини стабиллаштириш учун ҳам муҳимдир. Олимнинг ўзбек диалектологиясига тааллуқли қатор асарлари, айниқса «Ўзбек диалектологияси» (1959), «Ўзбек тили диалектларини монографик ўрганиш» (1960), «Ўзбек диалектологияси курси» (1960) каби тадқиқотлари ўзбек диалектологияси фанининг вужудга келишига, шаклланишига асос бўлди. В. В. Решетов ўзбек диалект — шеваларини ўрганиш учун махсус транскрипция яратди. Бу транскрипция асосида бир қанча ёш шевашунос олимлар (уларнинг кўпчилиги ҳурматли устознинг шогирдлари) илмий тадқиқот ишлари олиб бориб, кандидатлик ва докторлик диссертациялар ёздилар ва муваффақиятли ҳимоя қилдилар.

В. В. Решетов бош бўлган диалектал кузатишлар натижасида ўзбек диалектологияси диалектографик боқичдан ўтиб, ҳозирги кунда республикамиздагина эмас, балки иттифоқимизда тилшуносликнинг илғор соҳаларидан бирига айланди.

Булардан ташқари, олимнинг олий ўқув юртларининг ўзбек тили ва адабиёти факультетларида ўзбек диалектологиясини ўқитиш ишларини яхшилашдаги хизмати ҳам алоҳида қайд этиб ўтмоқ керак. В. В. Решетов раҳбарлигида ва иштирокида (проф. Ш. Ш. Шоабдураҳмонов билан ҳамкорликда) тузилган „Ўзбек диалектологияси“, (1962) дарслиги тўнғич асар бўлиб, бу фанни системали ўқитиш борасида олий ўқув юрти ўқитувчилари учун бирдан-бир қўлланмадир.

В. В. Решетовнинг 1959 йилда босилиб чиққан «Ўзбекский язык» (1 қисм) асари тилшунослигимизда алоҳида қимматга эгадир. Ўзбек фонетикасига бағишланган бу илмий тадқиқот иши назарий ва амалий аҳамияти жиҳатидан на фақат ўзбек тилшунослигида, балки совет туркологиясида эътиборга сазовордир.

Бу ишда авторнинг узоқ йиллик ўзбек фонетикаси юзасидан кузатишлари адабий тил ва шева хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда системалаштириб берилган. Мазкур капитал ишнинг бир қисмида ўзбек ва тожик тилларининг ўзаро муносабати, таъсири масаласи, тарихий жиҳатдан узвий боғланиши атрофлича ёритилган.

В. В. Решетов ўзбек тили ва унинг шеваларини ўрганиш билан бир қаторда рус тили грамматикаси, миллий мактабларда рус тилини ўқитиш методикаси билан ҳам шугулланди. Бу соҳада, айниқса 1960, 1968 йилларда нашр этилган «Рус тили грамматикаси» катта аҳамиятга эгадир.

Сўнги йилларда В. В. Решетов миллий кадрлар, айниқса, ўзбеклардан рус тили ўқитувчилари тайёрлаш масалаларига бағишланган бир қанча мақолалар ёзди ва Бутуниттифоқ конференцияларида докладлар қилди, бу докладлар иттифоқимиз олимлари томонидан юқори баҳоланди.

В. В. Решетов томонидан русча-ўзбекча мактаб луғатлари яратиш соҳасида қилинган ишларни ҳам алоҳида қайд этмоқ керак. Виктор Васильевичнинг 1957 йилда нашр этилган «Русча-ўзбекча луғат»и ҳозир қайтадан ишланиб, бир неча минг сўз қўшилгани ҳолда нашриётга топширилди. Мазкур луғат босмадан чиқиш арафасида.

1963 йили Тошкентда Республика рус тили ва адабиёти педагогика институти ташкил этилиши муносабати билан В. В. Решетов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг фармойиши билан шу институтнинг ректори қилиб тайинланди. В. В. Решетов институтнинг ректори сифатида жуда катта илмий ҳамда амалий ишларни бажарди. Айниқса рус тилини ўқитиш учун зарур бўлган методик адабиётларни тузишда ва ўқиш-ўқитиш ишларини яхшилаш билан боғлиқ барча тадбирларни амалга оширишда В. В. Решетов шахсан иштирок этмоқда, бу унинг зўр олим, моҳир педагог, забардаст ташкилотчи, ажойиб, жонкуяр раҳбар эканлигини кўрсатиб турибди.

Виктор Васильевич ўзининг 41 йиллик педагогик фаолияти давомида моҳир педагог, ажойиб ғамхўр раҳбар сифатида кўплаб миллий кадрлар етиштирди. Унинг раҳбарлигида Ўзбекистон ФА мухбир-аъзолари, филология фанлари докторлари профессор Ш. Ш. Шоабдураҳмонов, проф. Ғ. А. Абдураҳмонов, филология фанлари докторлари проф. М. М. Мирзаев, проф. А. Р. Рустамов ва бошқалар докторлик ва кандидатлик диссертацияларини ёзишиб, муваффақиятли ҳимоя қилдилар. Ҳозирги кунда В. В. Решетовнинг шогирдлари Ўзбекистон, Туркманистон, Қорақалпоғистон илмий-текшириш институтларида, илмий ўқув юртларида тилшуносликнинг барча соҳалари бўйича илмий-тадқиқот ва педагогик ишлар олиб бормоқдалар.

В. В. Решетовнинг кўп йиллик самарали илмий ва педагогик фаолияти партия ва Ҳукуматимиз томонидан юқори баҳоланди. У Меҳнат Қизил Байроқ, Ҳурмат белгиси орденлари ва қатор медаллар ва фахрий ёрлиқлар билан мукофотланди. 1964 йилда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми фармони билан унга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби» деган фахрий унвон берилди.

Сермаҳсул олимимиз, ғайрати тўлиб-тошган ажойиб муаллимимиз Виктор Васильевични муборак айём билан чин юракдан самимий табриклаймиз, унга узоқ умр, сихат-саломатлик, илмий-педагогик ҳамда жамоат ишларида катта муваффақиятлар тилаймиз.

Ҳ. Ғуломов

ЎЗБЕК ЁЗУВЧИЛАРИНИНГ ТАРЖИМАИ ҲОЛИ

СОБИР АБДУЛЛА

ШОИРЛАР ШАҲРИ, ФОЗИЛЛАР ФАҲРИ — ҚЎҚОНДАНМЕН

Мен мана шу шаҳарда таваллуд топдим, ёшлик йилларимда мана шу шаҳар менинг бешигим бўлди, шу шаҳарда тарбияландим, ўқидим, ижод алифбосининг биринчи дарслари шу шаҳарда ўтган улуг шоирлар баёзларидан, тирикларининг ўз оғизларидан эшитишдан бошланди, ўша даврнинг маданиятли оиласида, яъни маърифатли ота-она тарбиясида саккиз ёшимда устозлар ғазалларини ҳижжалаб ўқиб, унча-мунча маъзини чайнаш, улар таъсирида пой-ма-пой сатрлар машқ қилишга муваффақ бўлган эдим.

Отам Абдуллажон Алимов, аввалари мирзо, кейинча пахта заводларида бухгалтер ва пахта қабул қилувчи сифатида кўпроқ Андижон атрофидаги Ҳақулобод, Қўқонқишлоқ ва Бозорқўрғон заводларида пахта мавсумидан қиш ярмигача бўлиб, сўнг Қўқон қайтар, баҳор ва ёз ойларида боғдорлик билан катта оилани бошқарар эди.

Отам Муқимий, Фурқат, Завқий, Мавланий Йўлдош каби ўша даврнинг илғор шоирлари билан улфат эди. Бунга сабаб, унинг ўзбек, форс-тожик, классик адабиётидан тўла хабардорлиги, зўр бедилхон, зўр сатранж устаси эканлиги эди. Шунингдек, отам даҳрий киши ҳам эди.

Онам Ҳожарбиби Муҳаммадамин қизи бўлиб, унинг отаси ўзбек, онаси уйғур эди. Онам ҳам ўқимишли, маданиятли, китобхон аёл эканлиги учун бўлса керак, катта онам Саодат Ногирон тахаллуси билан, аммам Осиеҳоним эса Осие тахаллуси билан ғазал ёзар эди, мен бу икки шоира ўртасида почталёонлик вазифасини бажариб, бунинг ёзганини унга, унинг ёзганини бунга ташир, йўл-йўлакай конвертсиз сариқ қоғозлардаги ғазал ва мактубларни ҳижжалаб ўқиб юрар эдим.

Саодат онамининг Ногирон деб тахаллус қўйишига сабаб, унинг бир оёғи ногиронлиги, ёшлигида баланд олма шохидан қулаб, чўлоқ бўлиб қолганлиги эди. Бу бахтсизлик уни ёшлик гаштини суришдан бутунлай маҳрум этганидан у кўпинча дардли ғазаллар машқ қилар ва ўзи мисолида кўпчилик бахтсиз ўзбек хотин-қизларининг аянчли ҳаётини тараннум қилар эди.



Ногирон дostonга ўхшаш узун бир шеърда зoлим, нoдон, қиморбoз эрдан жабрланган жувоннинг айтган алласи орқали ўзининг оҳ-ноласини берган эди. Мен буни сақлаб 1953 йилда «Муқимий» номли музикали драмада бахтсиз шоира Офарин қўшиғи ўрнида фойдаландим:

Қўйчивон қўйингни бергил, боқаман,
Ҳасратимдан чўлда гулхан ёқаман,
Тола зулфимга кўзимдан ёш териб, алла,
Қўзилар бўйнига мунчоқ тақаман.

Қўйчивон кел, най-наво сoз айлагил,
Чал, юпат, дилда ғамим oз айлагил.
Тонг ёриши Маърифатхон, алла,
Ухла, йиғлатмай, сарафроз айлагил...

Мен эски мактабга қатнамай, уйда онам ва Саодат опам мураббийлигида савод чиқаздим, жуда ёшлиқдан классик китобларни «тимдалаб» ўқиш, ўрганишга киришдим, ҳуснихат машқи учун бир кекса хаттотга шоғирд берилдим, журғирни тизимга қўйиб, қамиш қаламда астойдил машқ қилиш орқасида ёшлиқданоқ таҳсинга арзигудек фазилатга эга бўлган эдимки, унинг ижобий натижалари кейинчалик ўз самарасини кўрсатди. Қаминан камтаринининг, ўзбек совет адабиётининг асосчиси, биринчи қалдирғочи Ҳамза Ҳақимзодага маъқул ва манзур бўлишида унинг хушхатлиги айниқса таҳсинга сазовор қилган эди.

Ҳа! Менинг бутун вужудим билан орзу-тилагим шоир бўлиш эди! Бу орзу-истагим улур Октябрь инқилоби фазосида қанот ёзди, кучга кирди. Отам буни олқишлади, биринчилар қаторида совет мактабига элиб топширди.

Бундан бир неча йил олдин халқпарвар шоир Убайдулло Завқийнинг инқилоб тонгини олқишлаб ёзган «Ажаб эрмас» мухаммаси халқ орасида қўлма-қўл севилиб ўқилган бўлса, букун Ҳамза Ҳақимзода Ниёзийнинг «Яша, Шўро»си оғиздан-оғизга кўчиб, севилиб куйлана бошлади. Бу озодлик садолари мендек ёш қалам булҳавасларига янгича руҳ, янгича илҳом бағишлаб, олдинга ундар эди.

Мактаб деворий газеталарида шеърларим ёзилиб чиқа бошлагандан кейин аввали мактабда, кейинча Қўқон ёшлари орасида шоир бўлиб танила бошладим, руҳим тобора кўтарилиб, тобора дурустроқ ёзишга интилдим.

Уша йиллар анчагина оғир йиллар эди. Озодлик душманлари тишу тирноғи билан қуролланиб, ёш Совет давлатини ағдарिश учун қонли кураш олиб бормоқда. Шу жумладан Фарғона водийсида бош кўтарган босмачилар шайқаларининг ваҳшиёна талон-тарож ва қонхўрликлари шаҳар ва қишлоқ аҳлининг инка-тинкасини қуритган эди.

Шу ўринда бир воқеани эслашга ижозат бергайсиз.

1920 йилнинг кеч кузи, шоира Ногирон вафотидан бир ойгина кейин ўлим тушагида ётган мушфиқ онам оила аъзоларига, шу жумладан менга шундай деб васият қила бошлади: «— Яхши тушунаман, шоир бўлиш ҳар кимга ҳам муяссар бўлмайди. Нечунки у энг ноёб касб. Аммо-лекин кўпчилик шоирлар қашшоқликда ҳаёт кечириб дунёдан ўтдилар! Қўрқаман, сен ҳам шоирлик қашшоқлигини боширидан кечирмагаймикинсан?! Яна сатранж ўйинига ҳам қизиқасан. Тўғри, сатранж кишини тadbиркорликка, ўн ўлчаб бир кесишга ўргатади, буни нодонлар эмас, донишманд кишилар ўйнайди. Аммо сатранжга берилиб кетган эркакларнинг хотинлари ҳар доим интизорликда яшайдилар; дамлаган чойлари совиб, дамлаган ошлари ланж бўлиб қолади. Бундан хотинга озор етади. Буни мен ўз бошимдан кечирдим. Сендан илтимосим шу! Жон ўғлим! Шу икки фазилатдан воз кеч!...»

Мен кўзимда ёш, ерга қараганча жим ўтирар эди. Отам онамнинг оппоқ сочларига қўл югуртириб, қалтироқ оҳангда шундай деди: «Собир майли сатранжга бўлган ҳавасини тарк қилсин! Бунга мен ҳам розиман. Аммо бунинг шоир бўлишига хурсандчилик билан фотиҳа беринг бека! Чунки умри қашшоқликда ўтган шоирлар замони ўзга эди, ҳозир ўзгача замонда, янгича замонда яшамоқдамиз. Шундай замоннинг шоири бўлиш ўғлимизга муяссар бўлар экан, унинг йўлини тўсиш эмас, унга ҳар иккимиз оқ йўл тилайлик! Шуни ҳам айтиб қўяйки, нотоблик ўлим эмас. Инсон нотоб бўлади, соғаяди, ҳаёт кечиради, бола-чақаларининг орзу-ҳавасини кўради! Ҳаёт қонуни шундай экан, бу ерда васиятга ўрин йўқ!..»

Икки кундан кейин онам оилада икки йил ичида тўққизинчи бўлиб ёруғ дунё билан абадий хайрлашди, ўн икки жон оила аъзоларидан уч кишигина ҳаёт қолдик.

...Мақтабдан билим юртига кўчган ўртоқларим қаторида мен ҳам бор эдим. Билим юртимиз музофот газетаси «Фарғона» редакцияси яқинида жойлашган бўлиб, кичик-кичик шеър ва хабарларим билан газетада қатнашиш, бир неча мактаб деворий газеталарини чиқаришда ўз хушхатлигим билан амалда кўмаклаша, шу йўл билан чиниқа ва адабий майдонга яқинлаша бошладим. Охирги курсга ўтганимда билим юртимиз Фарғона шаҳрига кўчиб, кекса, ёлғиз отани қолдириб кета олмай, ўқишни тарк қилиб, музофот ижроня комитетига иш юритувчи вазифасига жойландим. Мана шу йили қўқонлик ёш қалам эгаларидан Шокир Сулаймон, Ҳусайн Шамс, Шариф Ризо ва Абдулла Қаҳҳор билан танишишга муваффақ бўлдим.

Уша йилларда Тошкентни кўриш иштиёқи билан яшар эканман, музофот ижроқумининг раиси Алихўжаев мени Тошкентга, совет тузилиши ва қонунларини ўрганиш олти ойлик курсига юборди. Бу менинг Қўқондан ташқарига биринчи чиқишим бўлиб, Тошкент томон қанот боғлаб учдим.

Мен Тошкентга келган йилим (1924) курс ётоқхонаси Сағбоннинг Ҳофиз куйки кўчасида эди. Уқишдан бўш кунларим марказий газета редакциялари, «Муштум» журналига бориш учун ошиқар, хабар ёки қисқа шеър билан кириб борар эдим.

Шу йили Ўрта Осиёда миллий чегараланиш бўлиб ўтди. Ўзбекистон совет социалистик республикаси тузилиши муносабати билан Эски жўва деб аталувчи ҳозирги Калинин майдони ўрнида тантанали намойиш ўтказилди. Бу намойишда М. И. Калинин иштирок этди ва нутқ сўзлади. Намойиш қизил байроқлар остида саф чеккан минг-минг толиби илмлар қатори менда ҳам зўр таассурот қолдирди. Ётоққа қайтиб, ўз таассуротимни қоғозга тушурдим, эртаси уни олиб «Қизил Ўзбекистон» газетаси томон жўнадим. Газета масъул котиби Аъзам Айюб чиройли, дўмбоқ ва салобатли йигит экан, мен билан қуюқ сўрашгач, ёнидаги шахмат тахтасини ўраб олган йигитларга «қўқонлик ёш шоир!..» деб мени таништирди.

Бутун диққатини шахматга берган сабзак, кичик мўйловли йигит менга ўгирилиб, сўрашиш учун қўл узатди ва мендан «Фарғона» газетасидаги кишиларни сўраб, Қўқонда ойлаб яшаб, улар билан дўстлашганидан сўз очди. Бу чиройли сабзак йигит Абдулла Қодирий (Жулқунбой) эди. Бир кўришни орзу қилиб юрган киши билан учрашиш муяссар бўлди, шундан кейин «Муштум» журналига тез-тез келадиган бўлдим. Ғози Юнус, Мўминжон (Меҳтарбод) билан ҳам дўстлашдим, кичик-кичик шеърлар билан «Муштум» да қатнаша бошладим.

Мен курсни тамомлаб, Қўқонга қайтиб борганимдан кейин ўз бурчимни давом эттириш билан бирга газета теварагидаги активлигим ҳам ошди, жиддий шеърлардан ташқари газетанинг ҳажвий бўлими «Чи-

гириқ»да ҳажвий шеърларим билан қатнаша бошладим. Бу ҳажвий бўлимга марғилонлик шоир Ҳожи Қобил (ҳазилкаш) раҳбарлик қилар эди. Унда Ҳамза Ҳакимзода ва Муҳаммад Шариф Сўфизода ҳам ўзларининг ўтқир ҳажвлари билан доим қатнашар эдилар. 1926 йилнинг охирида мени шу бўлимга ишга олдилар.

«Фарғона» газетаси энди «Янги Фарғона» деб аталар эди. Редакцияда хизмат қилиб туриб, устоз Ҳамза билан яқиндан танишдим. Сўфизода ҳам Намангандан гоҳо-гоҳо келиб турарди. Ана шундай кезларда серзавқ, кўпни кўрган ажойиб шоирнинг тансиқ суҳбатидан баҳраманд бўлар эди.

Авалло 1923 йилдан бошлаб шонли Ленин комсомоли сафида чиниқиб, Қўқон ва Тошкентдан ажойиб ўртоқлар орттирганлигим билан фахрлансам, иккинчидан, устоз Ҳамза Ҳакимзода, Сўфизода назаридан ўтиб, қаламим кундан-кунга чархланиб, ижодимнинг сайқал топиб боришидан беҳад шод эдим. Кунларнинг бирида комсомолларга юриш марши яратилиши лозим топилиб, бу шарафли вазифани шаҳар комсомол ташкилоти менинг зиммамга юклади. Ёздим, унга куй ҳам топилди. Ячейкаларда комсомоллар тўпланиб, уни ёдладилар. Бу қўшиқ шаҳар бўйлаб, ёшлар ижросида жаранглади.

Бундан хабардор бўлган устоз Ҳамза редакцияда мени учратиб, табриклаганидан кейин, қўлимдан тутиб, шундай деди:

«— Шеърларингда ҳали анча саёзлик бор, пуч сатрлар ҳам бор десам, ранжима! Бундай бўлишига сабаб шошиш, шеър устида кам ўйлаш, хом-хаталалигича газета идорасига топширишга ошиқиш бўлса керак! Замон талабига, шеърхонлар талабига жавоб берадиган шеърлар яратиш учун кўп машаққат чекиш зарур бўлади! Аммо шеърларингда мусиқийлик бор. Сен ҳозирги кун учун керакли бўлган ташвиқий-тарғибий қўшиқлар яратиш билан бир қаторда ишқий қўшиқлар ҳам ёзишинг керак. Чунки саводсиз ва чаласавод кишилар ҳам бор. Улар ҳали газета ўқишдан, шеър мағзини чақишдан маҳрум. Яхши қўшиқни эса саводсиз кишилар ҳам «ўқий олади!»

Букуниг ҳаёт шўро қаламкашидан фақат шеър ёзишни талаб қилмайди. Жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этишни, қишлоқларга чиқишни, гоҳ шеър, гоҳ насрда қишлоқ ҳаёти ҳақида оммабоп асарлар ёзишни, дадил ростгўй, янгилик изловчи бўлишни тақозо қилади!..»

Ҳамзахон ака бу сўзлари билан бир менга эмас, кўпчилик ёшларга йўл-йўриқ кўрсатган устоз бўлиб қолди. Устознинг бу ўғитлари мени халқ орасига яна ҳам яқинроқ олиб борди, шаҳар ва қишлоқларни пиёда, сувора кездим, гоҳ газетага хабарлар ёзиб, гоҳ қўшиқ ёздим. Хотин-қизлар озодлиги ва бошқа сиёсий кампанияларга бағишланган қўшиқлар яратиб, гоҳ фелъетон, гоҳ ҳикоя ва очеркларим билан маҳаллий ҳам марказий матбуотларда қатнаша бошладим.

1927 йилда Тошкентга «Қизил Ўзбекистон» газетаси ҳузурида ташкил этилган матбуот ходимларининг малакасини ошириш қисқа муддатли курсига бордим. Бу курсни тамомлаганимдан кейин «Қизил Ўзбекистон» редакцияси мени Фарғона водийси бўйлаб ўзининг махсус муҳбири қилиб тайинлади.

Бу масъулиятли ва шарафли вазифани бажариш учун водийни тинмай кезиш, одамлар билан гаплашиш, саноат, қишлоқ хўжалиги ютуқларини республикага ёйиш, камчилик ва иллатларни фош қилишга тўғри келди, бу кезиш ва изланишлар мени ҳаётда чиниқтириб, ижодимни тобора халқчилликка сўз бойлигимни оширишга ёрдам бера бошлади.

Мендаги яна бир орзу драматургия эди. Уша йили «Мухбирга хужум» деган уч кўринишдан иборат комедия ёздим. Аммо уни устоз Ҳамзахон ака назаридан ўтказмай туриб, бир кишига ўқиб бериш ёки театрга ҳавола қилиш гўё одобсизликка ўхшаб туйилар эди. Ҳамзахон

ака пьесамни қайноқ қабул қилди, бир кечада ўқиб чиқишга, ўз мулоҳазаларини айтишга ваъда берди. Эртаси пьесани олдим: «Ҳамза «Мух-бирга ҳужум» номини қизил қаламда ўчириб, устига «Отилмаган соп-қон» деб ёзиб қўйган эди.

Ҳамза Ҳакимзода тузган асосий театр тарқаган, актёрлар бошқа театрларга ёки бошқа касбларга ўтиб кетган бўлиб, шу театр асосида Қўқонда комсомол ёшлар театри тузилган, бу театрда машҳур «Ҳалима» пьесасининг муаллифи Фулом Зуфарий вақтинча режиссёр ва адабий эмакдош бўлиб ишлаб, ўзи ёзган кичик формадаги музыкали саҳна асарларини саҳналаштирмоқда эди.

Ҳамза менинг асаримни дўсти — Фулом Зуфарийга топширди ва бундай деб таъкидлади: «— Собир энди сенга ҳам шоғирд бўлади. Ёзган асарини ўқиб, ўз фикр-мулоҳазаларимни асар ҳошиясига ёзиб қўйдим. Анчагина меҳнат талаб қилади; ёрдам бер; шу театрни ўзинг саҳналаштир. Ёрдамнингни аяма!..»

Менинг бу тўнғич асарим шу йили устоз Ҳамза, қолаберса Фулом Зуфарийнинг ташаббуси билан саҳна юзини кўрди.

1929 йилда Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг пойтахти Самарқандда эди. Мен шу йил «Муштум» журналида ҳамда «Ёш Ленинчи» газетасининг янги ташкил топган «Паншаха» ҳажвий бўлимида ишлаш учун Самарқандга доимий ишга тайинландим. Редакцияда ишлар эканман, эски дўстлар билан топшидим. Зиё Саид, Комил Алиев, Назир Сафаров, Ғафур Фулом, Миртемир, Ҳамид Олимжон билан дўстлашдим; Самарқандда яшовчи Садриддин Айний билан танишишга мушарраф бўлдим. Шунингдек, машҳур санъаткорлар — Маннон Уйғур, Ятим Бобожон, Фатхулла Умаров, Ҳожин Сиддиқ ва музыкали театрнинг атоқли санъаткорлари билан яқиндан дўстлашдим.

Атоқли санъаткорлар таъсири остида музыкали театр учун «Богбон қиз» номли катта ҳажмда музыкали драма ёзишга киришдим. Бу асарга бастакор дўстим Толибжон Содиқов музыка басталай бошлади.

1930 йилда «Навбахор» исмли шеърлар тўпламим босилиб чиқиб, «Қўқлам наъраси» деб номланган икки китобимни нашрга топширдим. Шеър, ҳикоя ва очеркларим билан газета, журналларда мунтазам қатнаша бошладим.

1931 йилда Ўзбекистон пойтахти Самарқанддан яна Тошкентга кўчганда, «Муштум» ва «Ер юзи» журналлари вақтинча Самарқандда қолдирилди. Шунингдек, Самарқандда «Ленин йўли» номи билан область музыкали драма театри ташкил топиб, «Богбон қиз» шу театрда қўйила бошлади. Мен театрнинг адабий бўлим мудири, композитор Толибжон Содиқов эса музыка бошлиғи қилиб белгиландик. «Богбон қиз» ёш театрнинг истеъдодли коллективи ижросида катта муваффақият қозонди ва бу ёш театр шу асар билан Фарғона водийсига гастролга жўнади.

Театр билан Фарғона водийсида кезиб, гастролни давом эттирар эканмиз, асар томошабинларга маъқул ва манзур бўлди, мендан Андижон театрида ишда қолишимни илтимос қилдилар.

Аввало, пойтахтнинг Тошкентга кўчиши муносабати билан кўпгина ҳамкасб, ҳамнафас дўстларимнинг Тошкентга кетганлиги, «Муштум», «Ер юзи» журналларининг ҳам Тошкентда чиқа бошлаганлиги, иккинчидан, кекса отам ва оиламнинг Қўқонда эканлиги сабаб бўлди: «Ленин йўли» театридан Андижон театрига хизматга ўтишга тўғри келди.

1931 йилдан 1936 йилгача Андижон театрида драматург сифатида ишлаб, шу театрнинг музыка бошлиғи, истеъдодли халқ бастакори Тўхтасин Жалилов билан ҳамкорликда «Богбон қиз»ни қайта ишладим, «Фарҳод ва Ширин»ни қайта саҳналаштирдим, «Ойхон», «Валакета»

исмли тўлақонли музыкали драмалар яратдим. Шу йилларда «Завқ» шеърий тўпламим босилиб чиқди.

1936 йилда Тўхтасин Жалилов Тошкентда ташкил бўла бошлаган давлат филармониясига, мен эса «Муштум» журнаliga ишга тайинландик. Уша йили 1937 йилда Москвада ўтадиган Ўзбекистон адабиёти ва санъати ўнқунлигига катта тайёргарлик бормоқда эди, — бу шарафли ишда актив қатнашдим. 1937 йилда Москвада ўтган ўнқунликда қатнашиш шарафига эга бўлдим. Шу йили «Улфат» ҳажвий ҳикоялар тўпламим босилиб чиқди.

Москва саҳнасида «Ромео ва Жульетта» асарини кўргандан кейин менда шундай ўлмас асар яратиш ҳаваси туғилди. 1938 йилда «Тоҳир ва Зуҳра» музыкали драмасини шеър билан ёзишга бел боғладим. Унга Тўхтасин Жалилов куй басталашга киришди ва бу йирик асарни Катта Фарғона канали трассаларида охирига етказдик. Максим Горький номидаги Фарғона область театрининг ижодий коллективи биринчи бўлиб каналга сув қуйиш шодиёнаси кечаси томошабинларга «Тоҳир ва Зуҳра» спектаклини кўрсатишга муваффақ бўлган эди.

1939 йилда кўпгина совет ёзувчилари қаторида «Хурмат белгиси» ордени билан мукофотландим. Шу йил «Гулшан» шеърлар тўпламим босилиб чиқди. «Тоҳир ва Зуҳра» музыкали драмаси Тожикистон ва Қирғизистон театрлари саҳналарида ҳам муваффақият қозона бошлади.

1940 йилда Тошкентда Муқимий номидаги музыкали драма ва комедия театри ташкил этилиб, бу театрда ҳам «Тоҳир ва Зуҳра» саҳналаштирилди. Шу муносабат билан мени мазкур театрга қақриб олдилар.

Навбатдаги ижодий вазифа Тўхтасин Жалилов билан ҳамкорликда машҳур халқ эпоси—«Алпомиш» достони асосида шеърий музыкали драма яратиш эди. 1941 йил Ишчилар шаҳарчаси яқинидаги боғимда ижодий жараён қизғинлашган кунларда немис-фашистлар галаси Ватанимиз тупроғига бостириб кирганлиги ҳақида мудҳиш хабар тарқалди. Қаҳр-ғазабга тўлган ватандошлар қаторида оёққа турдик. Лирик қўшиқлар ўрнига Ватан ҳимояси учун қақриқ қўшиқлари ёзишга, «Алпомиш» музыкали драмасини чала қолдириб, мудофаа ва жанговарлик мавзудида саҳна асарлари яратишга бел боғладик.

Ўзбекистон драматурглари, бастакорлари билан ҳамкорликда жанговар пьесалар яратишга киришар эканмиз, биринчи бўлиб «Қурбон Умаров» музыкали драмасини бир ойда ёзиб тамомладик, бу асарда шoir Чустий ўз ғазаллари билан қатнашди, Тўхтасин Жалилов музыка ёзди. Драматург Комил Яшин билан ҳамкорликда «Даврон ота» музыкали драмаси майдонга келди. Ундан кейин Николай Погодин раҳбарлигида 8 ижодкор ҳамкорлик қилиб «Ўзбекистон қиличи» номли машҳур асарни яратишга киришдик.

Менинг боғим бамисоли театр ижодхонасига айланган, катта қозон осилган, узум ишкомлари остига пианинолар қўйилган бўлиб, кечалари чироғ остида пьеса ва музыка яратилар, театр коллективи спектаклдан кейин шу боққа келиб, жанговар қўшиқлар ўрганар, роль ёдлар эди. Юқорида зикр қилинган пьесалардан ташқари «Сўз ва соз» номли шеърлар тўпламим нашрдан чиқди. «Қўчқор Турдиев», «Азим пушка» музыкали драмаларимни ёздим, ўзбек халқининг атоқли фарзанди генерал Собир Раҳимовнинг илтимоси бўйича, «Тоҳир ва Зуҳра» музыкали драмаси асосида киносценарий яратдим ва жуда кўп жанговар хор ҳамда ашулалар ёзишга муваффақ бўлдим.

1944 йил мен учун алоҳида, ҳеч ёддан кўтарилмайдиган йил бўлди: мана шу йили мен Коммунистик партия сафига ўтдим, «Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган санъат арбоби» деган юксак унвон ҳамда «Шавкатли меҳнати учун» медали билан мукофотландим.

1945 йил ғалаба йили бўлиб, совет халқи улуғ жангда фашизм устидан ғалаба қозониб, йигитларимиз жангдан зафар билан қайтдилар. Ҳаҳр-ғазаб билан суғорилган жанговар сатрлар ўрнини яна висол сатрлари эгаллай бошлади.

1946 йили «Алпомиш» эпоси устида ижодий ишни давом эттирдим, 1947 йилда бу асар «Муқимий» ва область театрлари саҳнасида муваффақият қозона бошлади. Шу йил «Давр қўшиқлари» шеърӣ тўпламимни нашрга топширдим, бу тўпلام 1949 йилда босилиб чиқди.

Эндиги ижодий режада демократ шоир Муҳаммадамин хўжа Муқимийнинг ҳаёти ва ижодий йўлини тасвирловчи музыкали драма яратиш турар ва бу шарафли, масъулиятли вазифа менинг фикру хаёлимни қамраб олган эди. Бу асар устида ижодий изланишларим, бир-икки йиллик ижодий меҳнатим яхши натижа билан якунланди. Яъни бу асар 1953 йил бошида «Муқимий» театри саҳнасига чиқди, катта муваффақият қозонди. Ундан кейин устоз Ҳамза Ҳақимзода Ниезийнинг машҳур «Майсара» комедияси асосида кулгили опера либреттосини ёзиш устида режиссёр Музаффар «ота» Муҳамедов, бастакор Сулаймон Юдаков ҳамкорлигида ижодий иш бошланди, бу опера Москвада бўлиб ўтган Ўзбекистон адабиёти ва санъати ўнқунлигида муваффақият қозонди ва шу йил Меҳнат Қизил байроқ ордени билан мукофотландим.

Хуллас, ижод тобора олдинга силжиб, 1960 йил ҳам кириб келди. 1960 йил билан 1970 йил орасида «Танланган асарлар», «Ҳаёт гуллани», «Ҳаёт қўшиқлари» шеърӣ тўпламларим, «Соғлар» ҳажвий ҳикоялар тўпламим босилиб чиқди, «Минг бир кеча» нинг шеърларини таржима қилишда қатнашдим, машҳур Покистон шоири Файз Аҳмад Файзнинг шеърлар тўпلامини урду тилидан таржима қилдим, «Мавлоно Муқимий» романини ёздим, ўзбек совет адабиётида биринчи бўлиб ўз девонимни туздим, Тўхтасин Жалилов ва Музаффар ота Муҳамедов ҳамкорлигида Лutfийнинг «Гул ва Наврўз» достони асосида шеърӣ музыкали драма ёзиб, М. Горький номидаги Фарғона театрида саҳналаштиришга муваффақ бўлдим. «Тун ва тонг» номли шеърӣ романчани ёзиб Фафур Фулом номидаги нашриётга, «Беш саргузашт» номли ўтмиш болалар ҳаётидан ёзган қиссамни «Еш гвардия» нашриётига топширдим. Доҳий Ленин таваллудининг юз йиллигида туҳфа ўрнида ёзган «Менин жаннатим» замонавий музыкали драмани «Муқимий» театри саҳнага чиқариш арафасида.

1970 йилги менинг қутлуғ ниятим, шоир — демократ Убайдулло Завқӣ ҳаёти ва ижоднетига бағишлаб ёзабошлаган «Мавлоно Завқӣ» романимни итмомига етказишдир.

Гўдакликдан бошланган тета-поя ижодий қадамнинг тобора олдин босиб, умрининг салкам 50 йили ижод билан камолот топиши, бир камтар қалам эгаси тақдирланиб, «Ўзбекистон халқ шоири» дек юксак фахрли унвонга сазовор бўлиши, уч орден, уч медаль ва неча фахрий ёрликлар билан ёрликланиши бу улуғ Ленин яратган замонга, юксак маданиятга эришган совет кишиларига хос бахту саодатдир.

Агар Улуғ Октябрь инқилоби кўп миллатлар қатори ўзбек халқига озодлик бермаса, илму маърифат нурини сочмаса, янгича ҳаёт қуриш, янгича меҳнат қилиш, янгича куйлаб, янгича қалам тебратишда донишманд йўлбошчи бўлмаса, она васиятида айтилгандек, Собир устозлари Муқимий, Фурқат ва бошқа ўтмиш шоирларидек қашшоқ, дарбадар, бахтсиз шоирлардан бўлиши шубҳасиз ва муқаррар эди.

Гарчи бу йил 65 ёшда эканман, кўнгилли, завқ-шавқли меҳнат, фарвон ҳаёт, обод ва юксак маданият қучоғида ўзимни кучу қувватда, ижодда навқирон ҳис қиламан, тобора яшараётгандек сезаман, янада олдин босишга интилиб, баракали ижод билан кечаларни тонгларга, тонгларни тунларга улайман.

ЖАЖЖИ ТАДҚИҚОТ

ТОПОНИМЛАРДАГИ ФОНЕТИК ҲОДИСАЛАР

Топонимларда товушларнинг тушиши, орттирилиши каби фонетик ҳодисалар кўплаб юз беради. Топонимлар структурасида содир бўлган бундай ўзгаришларнинг характерини, сабабларини аниқлаш мазкур топонимларнинг этимологиясини аниқлашда катта аҳамиятга эга.

Масалан: *ша:ват//шават* (шовот) топонимини кўрайлик. Аслида бу Шоҳобод бўлган. *Шоҳобод > шават*.

Бу каби фонетик ҳодисалар топонимлар таркибида кўплаб учрайди ва улар ҳали ўрганилиши лозим бўлган масалалардан ҳисобланади.

Шуларни назарда тутиб ушбу кичик ахборотда топонимларда учрайдиган баъзи фонетик ҳодисаларни Шимолий Хоразм топонимлари мисолида талқин этишга ҳаракат қилдик.

1. Топонимларда унлиларнинг мослиги, ортиши, тушиб қолиши каби фонетик ҳодисалар кўплаб учрайди: Масалан: ўзбек адабий тилидаги *у* — унлисига *ы*, *а* унлилари мос келади [*У*∞ *ы*, *а*]: *сырнайчынын йери* (сурнайчининг ери), *тавықбағар тахта* (товуқ боқар тахта), *йўз авыл* (юз овул), *кўйўк келпир* (куйик кўприк).

Адабий тилимиздаги *ў* — унлиси Шимолий Хоразм топонимларида *ө*, *о* — унлиларига мос келади [*ў*∞ *ө*, *о*]: *көл тахта* (кўл тахта), *қаракөз* (қора кўз); *өрдәкли* (ўрдакли). Шунингдек, адабий тилимиздаги *э/е/* унлиси баъзи топонимларда *ы*, *э* унлилари билан талаффуз этилади: *ийәрчи* (эгарчи); *тәрәкбағ* (терақ боғ); *бийчара авыл* (бечора овул) каби.

2. Унлиларнинг ортиши Шимолий Хоразм топонимлари таркибида кўплаб учрайди. Айниқса, сўз бошида *р*, *л* ундошлари билан бошланган номларда *и*, *ы* ёки *о*, *у* унлиси орттирилади: *Ирим сарының бағи* *Ирәджәптиң йери* *Орәзмәт чолақ тахта ылақалы йап*, *ылдайлы салма ыстанса* ва бошқалар.

3. Унлиларнинг тушиб қолиши ҳам топонимлар учун характерли хусусиятдир. Масалан: *от* ва сифат билан ифодаланган топонимлар, шунингдек, кўп бўғинли баъзи номлар таркибидаги *а*, *у*, *и* унлилари туширилиб қолдирилади: *арбачы/арвачы авыл алмырт бағ төнкәчи қала* каби.

Шунингдек, сифатдош орқали ифодаланган топонимларда етакчи феълдаги *и* унлиси тушади: *қойқырилган қала* (қойқирилган қалъа), *подайатырган йер* (подаётирган ер); *қушучрган* (қуш учирган) ва ҳақозо. Унли товушларнинг тушиш ҳодисаси кўшма топонимларда кўплаб учрайди:

[а] *ходжелы* < *ходжа эли* (хўжайли);

ачавыл < *ачавил* (очавул);

[и] *алелы* < *али эли* (олели);

[э] *йеккәләм* < *йеккә әләм* (якка олам);

[ы] *қылычынақ* < *қылычынақ* (қилич иноқ).

Демак, ном охирига қўшимчалар қўшилиши, ёнма-ён келган икки унлининг битта унли каби талаффуз этилиши, бошқа тилдан кирган сўзларнинг шевадаги талаффузи унли товушларнинг орттирилиши ва тушиб қолишига сабаб бўлади.

4. Шимолий Хоразм топонимиясида ҳозирги адабий тилга нисбатан қуйидаги ундош товушлар мослиги мавжуд:

t ∞ *д* — *бәләнтйап* (баланд ёп);

b ∞ *п* — *әрәпавил* (араб овул);

b ∞ *м* — *туйәмойын* (туя бўйин); *қизыл мурун* (қизил бурун)

v ∞ *б* — *сабынчынын йери* (совунчининг ери); *лобдәтахта* (ловия тахта);

n ∞ *н* — *төнкәлик* (тўнкалик); *Ханқа* (хонқа).

Адабий тилимиздаги қаратқич келишиги қўшимчаси топонимлар составида *-ның/-ниң//-дың/-диң//-тың/-тиң* фонетик вариантларига эга: *бегәннің йери*, *бағдың йери*, *әрәптиң көли*, *каби*.

5. Адабий тилимиздаги *и*, *у* унлилари билан бошланган баъзи топонимлар ўзларининг қадимий формасини сақлаган: *йўзим бағ* (узум боғ), *йыланлы* (илонли), *ийтсыз* (ипсиз) каби.

Таркибида *р*, *ч*, *л* каби ундош товушлар қатнашган топонимлар бир ундош орттириб (ёнма-ён келган иккита бир хил ундош товуш билан) талаффуз этилади: *Суччи көл* (чучук кўл); *улы төбә* (улкан тепа), *қарры мазар* (қари мазор) каби.

6. Ундошларнинг сўз ўртаси ва сўз охирида тушиб қолиши топонимияда кўплаб учрайди: *аччыкөл* (аччиқ кўл); *ташхин калхоз* (тошкент колхоз), *қатты көл* (қаттиқ кўл); *тары атыз* (тариқ экиладиган ер, дала).

Хуллас, маълум территориядаги шева фонетикасига ҳос хусусиятлар топонимларда ҳам сақланади ва бу фонетик ҳодисалар айрм топонимнинг шаклий жиҳатдан ўзгаришига сабаб бўлади.

ОЛИМЛАР

ПРОФ. Н. А. БАСКАКОВ

Машҳур совет туркологларидан бири филология фанлари доктори, проф. Николай Александрович Баскаковдир.

Н. А. Баскаков 22 март 1905 йилда Архангельск областининг Сольвичегодск шаҳрида хизматчи оиласида дунёга келади. Шу областнинг Грязовец шаҳрида ўрта мактабни битириб, 1925 йилда Москва университетининг тарих-этнологик факультетига ўқишга кирилади.

Бўлғуси олим университетда В. В. Бартольд, В. А. Гордлевский каби атоқли шарқшунос олимлар лекцияларидан баҳраманд бўлиб, ҳартарафлама чуқур билим олади. Университетни тугатгач, 1930 йил февралда Қорақалпоғистоннинг Тўрткўл шаҳрига стажировкага юборилади. Бу ерда олим 1931 йилнинг октябригача Қорақалпоқ илмий текшириш Институтининг этнологик секциясига раҳбарлик қилади. Москвага қайтгач, 1931—32 йилларда Шарқ халқлари Коммунистик университети қошидаги Лингвистик комиссияда, 1932—1938 йилларда Марказий илмий текшириш миллатлар институтида ишлайди. 1937 йилдан бошлаб эса Тил ва ёзув институтида катта илмий ходим бўлиб ишлайди (кейинчалик бу институт СССР ФА сининг Тилшунослик Институтига айлантирилади).



Атоқли олим ўз илмий фаолиятини қорақалпоқ тили, диалекти ва фольклорини ўрганишдан бошлади. У 1930—1933 йилларда «Қорақалпоқ тили дарслиги», «Қорақалпоқ орфографиясига оид мулоҳазалар» каби китоб ва мақолалар ёзади. Умуман Н. А. Баскаков қорақалпоқ тили бўйича 30 дан ортиқ илмий иш яратди. Улар ичида «Қорақалпоқ тили» деган 2 томлик монументал асар ҳам бор бўлиб, бу асар учун 1950 йилда филология фанлари доктори деган илмий даражани олди. У қирқ йиллик илмий фаолияти мобайнида қарақалпоқ, нўғай, хакас, уйғур, ойрот, татар, караим, туркман ва бошқа туркий тилларнинг амалий ва назарий масалаларига бағишланган 200 дан ортиқ илмий асарлар — монографиялар, грамматик очерклар, методик қўлланмалар, дарсликлар ва йрик илмий мақолалар яратди.

Атоқли олимнинг таҳсинга сазовар бўлган лингвистик ишларидан яна бири унинг туркий тиллар классификациясига бағишланган бир қатор мақола ва монографияларидир. «Туркий тилларнинг классификацияси масаласига доир» (1952), — «Туркий тилларнинг шаклланиши ва тараққиёти жиҳатдан тарихий даврларга бўлинишига кўра классификация қилиш» (1952), «Туркий тиллар» (1960) каби ишлари шулар жумласидандир.

Таниқли олим 1962 йилда мазкур ишлари асосида «Туркий тилларни ўрганишга кириш» деган қўлланма яратди. Бу китоб ҳозирда олий ўқув юртларининг филология факультетларида асосий қўлланма сифатида фойдаланилмоқда.

Николай Александрович Баскаков кенг ўқувчилар оmmasига мўлжалланган ихчам ва системали равишда ёзилган бир қанча оммабоп грамматик очеркларнинг автори ҳамдир. Унинг бу тип ёзилган ишларига уйғур, олтой, хакас, қорақалпоқ, нўғай ва бошқа туркий тилларнинг грамматик очерклари киради. Унинг бу сериядаги ишлари мазкур туркий тиллар бўйича грамматик қўлланмалар яратиш ва тилшуносликнинг кўпгина проблемаларини ишлаш учун асос бўлди.

Олим диалектология соҳасида ҳам анчагина ишлар қилган. Бу борда унинг ҳозирги замон олтой тиллари диалектларининг монографик тавсифига бағишланган Олтой тили («Олтой тили ва унинг диалектларини ўрганишга кириш») (1958), «Олтой тилининг Шимолий диалектлари» (1965) каби китобларини кўрсатиш мумкин. Яна унинг муҳим илмий ишларидан бири туркий тиллар материаллари асосида ёзилган «СССР халқлари тилларининг тараққиёти» деган асаридир.

Атоқли туркологнинг кўп қиррали ижодининг анчагина қисми лексикология соҳасига бағишланган. Унинг ҳамкорлигида «Уйғурча-русча луғат» (1939), «Русча-уйғурча луғат (1941); ҳамкорлиги ва редакторлигида «Олтойча-русча луғат» (1947), «Русча-қорақалпоқча луғат» (1948), «Хакасча-русча луғат» (1953), «Қорақалпоқча-русча луғат» (1958); редакторлигида «Русча-туркманча луғат» (1956), «Русча-нўғойча луғат» (1956), «Нўғойча-русча луғат» (1963) ва «Туркманча-русча-луғат» (1968) лар чоп қилинди. Бу санаб ўтилган луғатлар совет лексикография фанининг олтин фондига қўшилган катта ҳиссадир.

СССР Фанлар академиясида ишлаш жараёнида камтарин олим ва ажойиб устоз Николай Александрович Баскаков қорақалпоқ, хакас, олтой, уйғур, қозоқ, туркман ва озарбайжон тиллари бўйича юқори малакали миллий кадрларнинг катта бир группасини етиштириб берди. Олимнинг ана шу катта хизматларини эътиборга олиб, РСФСР (1967), Қорақалпоғистон (1960), Туркманистон (1962) ва Қозоғистон (1967) ҳукумати унга «Республикада хизмат кўрсатган фан арбоби» деган фахрий унвон берди. Унинг туркология соҳасида қилган хизматлари чет эл олимлари томонидан ҳам тақдирланди. У Фин — угор жамиятининг (Финландия) мухбир аъзоси ва Урал — Олтой жамиятининг (ФРГ) фахрий аъзоси қилиб сайланди.

Николай Александрович Баскаков «Хурмат белгиси» ордени билан мукофотланган.

Биз, камтарин олим, ажойиб устоз, проф. Николай Александрович Баскаковга узоқ умр, бардамлик, илмий фаолиятида муваффақиятлар тилаймиз.

ИЛМИЙ ҲАЁТ

ВАКНИНГ ДИССЕРТАЦИЯЛАРГА
ТАЛАБНИ ОШИРИШГА БАҒИШЛАНГАН ПЛЕНУМИ

Шу йил январда Москвада СССР Олий ва ўрта махсус таълим Министрлиги Олий Аттестация Комиссияси (ВАК)нинг кенгайтирилган Пленуми бўлди.

Пленумда Олий Аттестация Комиссияси раисининг ўринбосари академик Пейве доклад қилди. Докладчи Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг мамлакатимизда фанни ривожлантириш учун қилаётган гамхўрлиги ҳақида ёрқин фактлар келтирди.

— Илғор социалистик фан учун кураш, — деди докладчи, — илмий тадқиқотларнинг сифати учун курашсиз бўлиши мумкин эмас. Ана шу мақсадда ҳозирги вақтда ВАК қошида 75 та экспертлар комиссияси ишлаб турибди. Мамлакат бўйича 1324 та Илмий советга диссертацияларни ҳимояга қабул қилиб олиш ҳуқуқи берилган. Фақатгина 1968 йилда СССРда 2256 докторлик ва 23431 кандидатлик диссертацияси ёқланган. 1966—1968 йилларда эса мамлакатимизда ҳаммаси бўлиб 6605 дона докторлик ва 66467 дона кандидатлик диссертацияси ёқланган. Олий Аттестация Комиссиясининг текшириши ва талабчанлиги натижасида 1968 йилнинг ўзида 62 та докторлик ва 77 та кандидатлик диссертациялари тасдиқланмаган ва ёқланган жойига қайтариб юборилган.

— Навбатдаги вазифа, — деди акад. Пейве, — Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг фан ҳақидаги қарорларига асосланган ҳолда диссертацияларга бўлган талабни янада оширишдир. Бунинг учун Олий Аттестация Комиссиясининг ва Илмий Советларнинг ишларини тубдан яхшилаш керак. Паст савияда ёзилган диссертацияларга чек қўйиш учун тема танлаш ва тасдиқлашга талабни ошириш лозим. Кейинги вақтда ВАКка ўрта ва ҳатто паст даражада ёзилган диссертациялар кўплаб келмоқда. Баъзи вақтда тасодифий масалалар диссертация темаси қилиб олинади. Бундай темалар институт ёки кафедраларнинг умумий тадқиқот йўналишига боғланмаган бўлади, илмий-тадқиқот институтлари ва Проблема советлари томонидан муҳокама қилинмайди ва маъқулланмайди.

Адабиётшунослик бўйича диссертациялар ҳақида сўзлаб, докладчи шуни таъкидлаб ўтдики, бу соҳада тематика жуда оз ўзгармоқда. Тилшуносликда кўп диссертациялар назарий жиҳатдан ожиз ва умуман назарий тилшунослик орқада қолмоқда. Ҳамма авторефератлар ҳам етарли даражада саводли ёзилган деб бўлмайди.

Диссертацияларни ҳимоя қилиш жараёнида йўл қўйилган камчиликлар ва талабчанликнинг йўқлиги учун ВАК Горький давлат университети, В. И. Ленин номи Москва пединституту, Витевскдаги институт, Урал давлат университети ва бошқа бир қанча олий ўқув юртлари советларини диссертацияларни ҳимояга қабул қилиш ҳуқуқидан вақтинча маҳрум қилди.

Баъзи олимлар ўзларидан узоқ соҳалар бўйича ҳам оппонентлик қилаверадилар. Юзаки ва хом-хатала тақриз ёзиб, савияси паст бўлган диссертацияларнинг ёқланишига сабабчи бўлган бундай расмий оппонентлар ва рецензентлар бундан буён ВАК мажлисларига чақирилади. Баъзи ҳимоялар илмий дискуссия ва тортишувларсиз ўтади. Бундай ҳимоялар,— деди ўртоқ Пейве докладини якунлаб,— ёш олимларни совет фанининг юксак талаблари даражасида тарбиялашга хизмат қилмайди.

Доклад бўйича ўтган музокарада майда темалардан қочиш, диссертацияларда орфографик хатоларга йўл қўймаслик, расмий оппонентларда ўз бурчларига масъулият ҳиссини ошириш, диссертацияларнинг илмий муассасаларда бўлаётган муҳокамаларига жиддий ёндошиш каби қатор масалалар хусусида қизгин баҳс борди.

Олий Аттестация Комиссиясининг пленумида айtilган ана шу фикрларга амал қилиб, А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтининг Илмий совети диссертацияларга ўз талабини оширмоқда. Диссертация ёқлашдаги носоглом, шовма-шошарликка, ҳали етилмаган ишларни Илмий совет муҳокамасига олиб чиқиш каби айрим ҳолларга узил-кесил барҳам берилмоқда. Диссертация расмий оппонентлар ва ташқи тақриз авторлари томонидан кўрсатилган камчиликлар бартараф қилингандан кейингина ҳимояга қўйилади. Диссертант ҳар бир норасмий оппонентга жавоб бериш ва баъзи танқидий мулоҳазаларни нима учун қабул қилмаслигини асослаб бериши шарт.

Қ. Хоназаров

ИЛМИЙ АНЖУМАН

Шу йил 1 апрелда А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтининг В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигига бағишланган илмий конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда В. И. Ленин ва ўзбек адабиётшунослиги ҳамда тилшунослигининг актуал масалалари юзасидан жиддий, қимматли олмашув бўлди.

Конференцияни Тил ва адабиёт институтининг директори, фалсафа фанлари доктори, профессор Қ. Х. Хоназаров қисқача кириш сўзи билан очди. У ўзининг кириш сўзида Ленин ва маданият, Ленин ва адабиёт муносабатларининг умумий, муҳим томонларига тўхталиб ўтди.

В. И. Лениннинг адабиёт ҳақидаги таълимоти ва социалистик реализм масалалари ЎзССР ФА нинг мухбир аъзоси, филология фанлари доктори, проф. И. О. Султонов докладида атрофлича ёритилиб, улуғ доҳий таълимотининг баъзи томонлари ўзбек адабиёти материаллари асосида қараб чиқилдики, бу В. И. Ленин ва ўзбек адабиёти проблемасини ишлашда катта аҳамиятга эгадир.

«Ленин ва ўзбек тилшунослигининг ривожланиши» темасида доклад қилган филология фанлари доктори, проф. Ф. Абдуллаев фанининг бу тармоғининг юксалишида В. И. Ленин таълимотининг буюк аҳамиятини фанимиз эришган ажойиб ютуқлар асосида таҳлил қилиб берди.

Конференцияда ЎзССР ФА мухбир аъзоси, филология фанлари доктори Ш. Шоабдурахмонов «В. И. Ленин диалектларнинг нивелировкаси ҳақида», А. Ҳайитметов «В. И. Ленин ва ўзбек адабиёти тарихини ўрганиш», филология фанлари доктори, профессор Ҳ. Т. Зарифов ва филология фанлари кандидати Т. Мирзаевлар «В. И. Ленин ва ўзбек фольклоршунослиги», филология фанлари доктори Э. Фозилов ва филология фанлари кандидати Э. Бегматовлар «В. И. Ленин ва миллий тиллар тараққиёти», филология фанлари доктори Ҳ. Абдусаматов «В. И. Ленин ва сатира проблемаси», филология фанлари кандидати М. Расули «Маяковский ижодида Ленин образи», филология фанлари кандидати Г. Гафу.

рова «В. И. Ленин ва таржима масалалари», филология фанлари кандидати Р. Доннёров «В. И. Ленин ва терминология масалалари», филология фанлари кандидати Р. Қодирий «Уйғур адабиётида Ленин образи», филология фанлари кандидати Э. Қаримов «Ўзбек ленинномасининг туғилиши» каби темаларда қизиқарли докладлар қилдилар.

Конференция илмий- назарий жиҳатдан юксак савияда ўтди. Унда В. И. Ленин ва тил, диалект, адабиёт масалалари, жумладан, адабиёт-шунослик ва тилшунослик проблемасига оид докладлар тингланди.

Р. Отаев

ҲАМЗАШУНОСЛАРНИНГ НАВБАТДАГИ КЕНГАШИ

Ўзбек совет адабиётининг асосчиси, атоқли шоир, драматург ва жамоат арбоби Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ижодини ўрганишга бағишланган IX анъанавий илмий сессия шу йил 25 мартда бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ССР ФА А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти томонидан ташкил этилган бу сессияни филология фанлари доктори А. Ҳ. Ҳайитметов кириш сўзи билан очди.

«Ҳамза — улуг Ленин ғояларининг оташин куйчиси ва актив курашчиси» деган темада доклад қилган ЎзССР ФА мухбир аъзоси Ю. Султонов Ҳамза ижодининг шаклланиб революцион поэтика даражасига кўтарилишида Ленин ғояларининг роли ҳақида гапирди. Нотиқ Ҳамза ўз бадий ижоди, санъаткорлик маҳорати ва актив ижтимоий фаолияти билан Ўрта Осиёда Лениннинг революцион ғояларини оддий халқ орасида тинмай тарғиб қилган толмас жангчи, ажойиб инсон эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Маълумки, Ҳамза ўзбек совет адабиётида биринчи бўлиб революция ғояларни кўйлаган, Ленин ғояларини амалга ошириш учун курашган ватанпарвар шоирдир. Санъатшунослик фанлари доктори М. Раҳмоновнинг «Ҳамза асарларида Ленин тематикаси» деб номланган докладда адибнинг ана шу жанговар руҳдаги революцион поэтикаси чуқур таҳлил этилди.

Шунингдек, сессияда Қ. Сейданов «Ҳамза Ҳакимзода ва Сакен Сейфуллин», М. Ҳасанов «Ҳамза ва тожик совет драматургияси», Г. Муҳаммаджонова «Ҳамза поэтикасининг лексик қатламлари», М. Ҳайдаров «Ҳамза шеърларида қофия» деган мавзуда қизиқарли доклад ва илмий ахборотлари билан иштирок этдилар.

Сессияда Ҳамзанинг сафдошлари, у билан бирга ишлаган, ундан санъат сирларини ўрганган Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист М. Тожизода ва Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, драматург З. Фатхуллин ўз хотиралари билан ўртоқлашдилар.

Сессия революция куйчиси, Ленин ғояларининг толмас тарғиботчиси Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ижодини ўрганишдаги муваффақиятларга яқун ясаб, янги вазифаларни белгилаб берди.

С. Зоҳидова

ФОНЕТИК ҶЗГАРИШ НАТИЖАСИДА ПАЙДО БУЛУВЧИ ҚУШМА АФФИКСЛАР

Қўшма аффиксларнинг пайдо бўлиш усуллари бир неча хил бўлиб, улар мураккаб фонетик ва морфологик процесслар натижаси билан боғланади.

Қўшма аффиксларнинг сўз составида фонетик ўзгариш содир бўлиши натижасида вужудга келиши икки ҳолатга асосланади:

а) фонетик ўзгариш мустақил негиз составида содир бўлади ва сўз составида морфологик қайта бўлиниш вужудга келади (Масалан, солиштиринг: *тўлик + ин > тўлқин > тўл—қин*);

б) фонетик ўзгариш қатор келган аффикслардан бирининг составида содир бўлади (биз асосан шу масала тўғрисида фикр юритамиз).

Қатор келган аффикслардан бирининг составида товуш ўзгариши натижасида пайдо бўлган қўшма морфемалар ўзбек тилида унчалик кўп бўлмаса-да, уларнинг ҳосил бўлиши ўзига хос характерга эга. Бу тип аффикслар билан қўлланувчи сўзлар бирмунча тарихий даврни ўз бошидан кечирган бўлиб, уларнинг ўзаклари аслида сўз ясовчи (ёки форма ясовчи) аффикслар ёрдамида бир неча бор ясалган бўлади, яъни улар «*ўзак + аффикс + аффикс...*» структурасига эга бўлади.

Қўшма аффикслар одатда ўзакка нисбатан энг яқин турган аффиксал морфеманинг товуш состави ўзгариши натижасида пайдо бўлади. Бундай ҳолларда товуш ўзгариши қуйидагича бўлади:

а) аффикс составидаги товушлардан бири бошқа товуш билан алмашинади: *-вул (-ғу-л: қара-ғу-л қаровул, ғ > в), -вуқ(-ғу-қ, чирма-ғу-қ чирмавуқ, ғ > в)*;

б) аффикснинг товуш состави тўлалигича бошқа товуш билан алмашинади: *-дош (-ла-ш: қурол-ла-ш > қуролдош, -ла > до), -мовчилик (-ма-ғу-чилик: англашил-ма-ғу-чилик > англашилмовчилик, ғу > в)*;

в) аффикснинг фонетик составидан бирор товуш тушиб қолади: *-мир (-им-ир: ўс-им-ир > ўс-мир, им > м), -муқ(-миқ) -им-иқ: тур-им-иқ > тур-муқ, пис-им-иқ > пис-миқ, -им > м)*.

Абдували Бердиалиев

МУНДАРИЖА

Адабиётшунослик

Н. Еқубов. Абдулла Қаҳҳор — публицист.	3
Ж. Камолов. Индивидуал услуб ва лирик шеър композицияси.	9
К. Қурамбоев. Ўзбек совет адабиётининг туркман адабиёти тараққиётига таъсирига доир	14
А. Каттабеков. Ўзбек адабиётида тарихий жанр тараққиётининг баъзи хусусиятлари	20

Тилшунослик

О. Усмон. Тил маданиятининг муҳим масалалари.	26
Ф. Абдуллаев, И. Эшимов. Бошқарув системасида структур синонимлар.	32 ✓
Х. Неъматов. Фель нисбатларининг муносабати ҳақида.	37
М. Жўрабоева. Ўзбек тилида аффиксал омонимия.	40

Илмий ахборот

Т. Ҳожибоев. Шоир Умидий ҳаёти ва ижоди.	44
Р. Орзибеков, А. Абдураҳмонов. Ургутий ва унинг адабий мероси	47
К. Муҳаммаджонов. Туркистон шеваларининг ҳозирги ўзбек тили ва айрим ўзбек шеваларига муносабати	50
Л. Азизхорова. «Навий» романидаги фразеологизмларнинг рус тилига таржимаси	54
Т. Турсунова. Касб-ҳунар лексикасида аффиксация усули билан сўз яшаш.	57
А. Жўрабоев. Урф-одат номлари.	60
А. Жўрабоев, Э. Шоаҳмедов. Ўзбек тилида ҳисоблаш техникаси терминларининг ясалишига доир	63

Классик адабиёт поэтикасидан маълумотлар

Е. Исҳоқов. Талмеҳ. Тажоҳул-ул-ориф	66
---	----

Юбиларимиз

Ҳ. Фуломов. Машҳур туркшунос олим	70
Ўзбек ёзувчиларининг таржиман ҳоли	
Собир Абдулла. Шоирлар шаҳри, фозиллар фаҳри — Қўқонданмен	7

Олимлар

К. Мелиев. Проф. Н. А. Баскаков.	81
--	----

Илмий ҳаёт

На узбекском языке

УЗБЕКСКИЙ ЯЗЫК И ЛИТЕРАТУРА

Вып. 3

Наширёт муҳаррирлари *Д. Мушинова, Ф. Тошматова, Н Раҳимова*
Техмуҳаррир *Б. Муминов*
Корректор *Х. Қурбонова*

P06843. Теришга берилди 5/V-70 й Босишга рухсат этилди 19/VI-70. Формати 70×108^{1/16}, -2,75 қоғоз л. -7,7
босма л. Ҳисоб-наширёт л. 7,3 Наширёт № 539. Тиражи 14152 Баҳоси 30 т.

ЎзССР „Фан“ нашриётининг босмахонаси, Черданцев кўчаси, 21. Заказ 113.
Наширёт адреси: Гоголь кўчаси, 70.

Адресимиз: Тошкент—ГСП, Гоголь кўчаси, 70. Ўзбек тили ва адабиёти* редакцияси. Телефон В3-34-09.
Коммутатор В 9-99-71-75 орқали қўшимча 0-81.

Баҳоси 30 т.

Индекс
75396